Kalit so'zlar: *jahon iqtisodiyoti, investitsiyalar, innovatsiyalar, rivojlanishning innovatsion yo‘li, investitsiya muhiti, davlat siyosati.*

Annotation: *In modern conditions, the decisive factor in increasing the international competitiveness of industrialized countries is the innovative development of the economy. The paper*

considers the problems of investments in the innovative development of the economy of Uzbekistan, and also offers recommendations.

***Key words**:world economy, investment, innovation, innovative path of development, investment climate, public policy.*

В развитии мировой экономики определяющую роль играет инновационный процесс, который способствует обеспечению устойчивого экономического роста и укрепления позиций стран на международных рынках. В Узбекистане, как и в других государствах мирового сообщества, проводится масштабная работа по модернизации, техническому и технологическому перевооружению промышленного производства, вовлечению в этот процесс академической и отраслевой науки.

В целях обеспечения ускоренного инновационного развития всех отраслей экономики и социальной сферы на основе передового зарубежного опыта, современных достижений мировой науки, инновационных идей, разработок и технологий, а также в соответствии с задачами, определенными Стратегией Нового Узбекистана на 2022-2026 годы, были определены основные направления инновационного развития Республики Узбекистан, в которых нашли отражение возможности и перспективы использования инноваций в отраслях экономики нашей страны [1].

Самого серьезного внимания заслуживает работа по привлечению инвестиций, направляемых на реализацию проектов по модернизации, техническому и технологическому обновлению отраслей, структурным преобразованиям в экономике страны. Инновации являются сложным экономическим и организационным процессом, который опирается на использование двух видов потенциала-научного (новейших технологий и техники) и интеллектуального, связанного со способностью внедрять инновации на всех стадиях производственной и коммерческой деятельности. Важным элементом этого процесса выступает его инвестиционное обеспечение-нахождение и рациональное использование финансовых средств.

Страны вступают на инновационный путь развития, а процессы глобализации мировой экономики определили условия данного перехода: инновационный путь развития доступен для стран с макроэкономической и политической стабильностью и развитой конкурентной средой, с высоким научно-техническим потенциалом и эффективной национальной инновационной системой; для экономик, имеющих высокую степень индустриализации и развитые экспортно-импортные отношения.

На сегодняшний день Узбекистан - это ведущее индустриальное государство в регионе Центральной Азии, обеспечивающий стабильность и экономическое развитие региона в целом. Среди преимуществ, которые предлагает современная экономика Узбекистана для иностранных компаний - политическая и макроэкономическая стабильность, благоприятные природно-климатические условия, гостеприимный и трудолюбивый народ и многие другие. Инвестиционное законодательство Республики Узбекистан является одним из передовых в системе законодательства стран СНГ, вобрав в себя основные положения международного инвестиционного права, в частности, положения о гарантиях прав иностранных инвесторов, предоставлении определенных преференций для инвесторов и другие.

В Республике Узбекистан отсутствуют какие-либо ограничения относительно формы вложения инвестиций. За годы независимости в Узбекистане создан благоприятный инвестиционный климат, широкая система правовых гарантий и льгот для иностранных инвесторов, разработана целостная система мер по стимулированию деятельности предприятий с иностранными инвестициями.

Для Узбекистана проблема конкурентоспособности экономики является одной из важнейших, особенно в связи с ускорением интеграции страны в мировую систему хозяйства, от её решения в значительной степени зависит создание позитивного инвестиционного климата. В соответствии с Концепцией комплексного социально-

экономического развития Республики Узбекистан до 2030 года выделены этапы её реализации, где «на **третьем этапе (2026-2030 гг.)** предусматривается переход экономики от экспортно-сырьевого к инновационному типу развития, ускоренное развитие экспортно-ориентированной экономики за счёт[2]

Для Узбекистана проблема конкурентоспособности экономики является одной из важнейших, особенно в связи с ускорением интеграции страны в мировую систему хозяйства, от её решения в значительной степени зависит создание позитивного инвестиционного климата.

Инвестиции в основной капитал по итогам 2022 года сократились на 0,5%. При этом, продолжается тенденция на сокращение централизованных инвестиций, объем которых снизился на 23%. Нормативные ограничения на привлечение иностранных инвестиций, займов и кредитов под гарантию правительства привели к их сокращению на 33%. Также сократились и инвестиции за счет средств бюджета более чем на 15%.В то же время, отмечается рост нецентрализованных инвестиций на 4,9%. В частности, прямые иностранные инвестиции и кредиты, на которые приходится большая часть нецентрализованных инвестиций, увеличились на 1,3% и достигли 8,5 млрд долларов США.



Также выросли инвестиции за счет средств предприятий на 8,9%, средств населения – 3,2%, кредитов коммерческих банков и других заемных средств – 7,8%. В целом, доля нецентрализованных инвестиций в общем объеме инвестиций за год увеличилась с 80,8% до 85,1%, тогда как доля централизованных инвестиций соответственно снизилась с 19,2% до 14,9%.[3]. Однако в инвестиционной сфере Республики Узбекистан также существуют определенные недостатки, которые способствуют медленному развитию экономики и самой страны в целом. Существуют такие недостатки как: недостаток инвестиций в основной капитал, недостаточная инвестиционная привлекательность, динамика иностранных инвестиций недостаточна для ускорения экономического роста, нет четкого механизма по координации инвестиционного рынка, не работают новые механизмы, нацеленные на инновационное развитие экономики.

Выводы и предложения: «Главная цель инновационного развития нашей страны – это развитие человеческого капитала; до 2030 года Узбекистан в Глобальном инновационном индексе в рейтинге передовых стран должен занять 50 –е место».[4]. Главным ориентиром для нас должно быть непрерывное технологическое и техническое обновление производства, а также постоянный поиск внешних и внутренних резервов, осуществление глубоких структурных преобразований в экономике, модернизации и диверсификации промышленности. В этой связи , мы рекомендуем:

- использовать систему стратегического планирования, позволяющей формировать будущие модели инновационного развития приоритетных сфер и отраслей на основе долгосрочных сценариев повышения интеллектуального и технологического потенциала страны; использовать экономический механизм внедрения инновационных форм государственного управления, обеспечивающих оптимизацию и упрощение процедур оказания государственных услуг, повышение эффективности деятельности органов государственного управления;

- расширить условия для привлечения инвестиций в сферу разработки и внедрения инновационных идей и технологий, совершенствование нормативно-правовой базы, обеспечивающей их дальнейшее развитие; поддерживать и стимулировать научно-исследовательскую и инновационную деятельности, прежде всего творческих идей и разработок молодого поколения, а также создание благоприятных условий для активного участия талантливой молодежи в данной деятельности;

- создать эффективные механизмы продвижения и внедрения перспективных отечественных достижений научно-исследовательской и инновационной деятельности, включая организацию и укрепление материально-технической базы научно-экспериментальных специализированных лабораторий, центров высоких технологий, технопарков и других инновационно - ориентированных структур, в том числе с участием иностранных инвесторов.

Список использованная литература:

1. Стратегия Нового Узбекистана на 2022-2026 годы- www Lex uz.

2. Концепция комплексного социально-экономического развития Республики Узбекистан до 2030 года.- www. Lex. Uz

3. Указ Президента РУ «О стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на 2019-2021 годы.»- Народное слово, 22.09.2018.

Таниев Аҳмаджон Бахромович
и.ф.н., профессор в.б.,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали
Нафасов Шохрухбек Ҳошимович
магистрант, Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали

ИҚТИСОДИЁТДА ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ФОНД БОЗОРИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ

Аннотация. *Мақолада инвесторларнинг ташаббуслари молиявий қўллаб-қувватланиши, бу борада вазирлик ва идоралар фаолияти аниқ мувофиқлаштириш билан боғлиқ бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш борасида қулай инвестиция муҳитини шакллантириш бўйича давлат сиёсатининг изчиллигига бўлган ишончнинг мустаҳкамланишига доир хулоса ва таклифлар шакллантирилган.*

Калит сўзлар*: инвестиция муҳити, фонд бозори, қимматли қоғозлар, акция.*

Ўзбекистонда фонд бозори юридик ва жисмоний шахсларнинг вақтинча бўш турган пул маблағларини инвестицияларга йўналтиради ва иқтисодиётнинг барча тармоқларига трансфармацияланишига имконият яратади. Ўзбекистондада қимматли қоғозларнинг бирламчи ва иккиламчи бозорлари бўйича барча операциялар фонд биржаси электрон савдо тизими ҳамда уюшган ва уюшмаган савдо тизими орқали амалга оширилувчи инфратузилма шакллантирилди. Бироқ, қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорини тўла ишга тушириш, фонд биржасида акциялар қийматини мунтазам эълон

қилиб бориш, аҳолида акциялар сотиб олишга иштиёқи ва интилишини ошириш, акцияларнинг ҳақиқий қимматли қоғозга айлантириш ҳамда акциядорлар учун муҳим даромад манбаи бўлиши таъминланмаганлиги, фонд бозори инфратузилмаси фаолияти самарали йўлга қўйилмаганлиги фонд бозорини ривожланиш имконини бермаяпти.

Шунингдек, мамлакатда фонд бозори инфратузилмасининг иқтисодиётдаги роли паст бўлиб, давлатнинг макроиқтисодий ва фаол инвестиция сиёсати талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Чунки, фонд бозори ривожланган мамлакатлардагидек, ўзининг бош функцияси – юридик ва жисмоний шахсларнинг вақтинча бўш пул маблағларини инвестицияларга йўналтириш, яъни, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида узоқ муддатли инвестицияларни жалб қила олмаяпти. Ушбу ҳолатлар Ўзбекистонда фонд бозори инфратузилмасини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистонда фонд бозорининг инфратузилмаси тарқоқлиги билан ажралиб туради, унинг элементлари ва кичик тизимлари ўртасидаги ўзаро таъсирлашувда тўсиқлар борлиги, бу тизимнинг бирлиги ва яхлитлиги ва унинг ягона мақсад – бозор фаолият юритиши учун шароит яратилиши таъминлашга бўйсуниши принципини бузадиган номутаносибликка олиб келади. Тарқоқлик фонд инфратузилмасини бир неча тарқоқ савдо тизимларини, бир неча гуруҳ профессионал иштирокчиларни, бир неча ҳисоб-китоб депозитарийлари ва клиринг ташкилотларини ўз ичига олган кўп марказли (полицентрик) инфратузилма сифатида тавсифлайди ва бу мустақил фонд марказлари шаклланишига олиб келади. Ўзбекистонда фонд бозори инфратузилмасининг элементлари ўзаро таъсирлашиши йўлидаги тўсиқлар ҳам “вертикал” (инфратузилма элементлари ўртасида), ҳам горизонтал (ҳар бир элемент ичидаги ташкилотлар ўртасида) бўлади.

Масалан, Ўзбекистонда фонд бозоридаги битимлар бўйича клиринг ва ҳисоб-китоб тизими локал ҳисоб-китоб-клиринг институтларининг тарқоқ тўпламидир. Уларнинг бирлашиши тенденцияси объектив асосга эга ва Ўзбекистонда фонд инфратузилмасини янада ривожлантиришнинг эҳтиёжларини акс эттиради. Ўзбекистонда фонд бозори инфратузилмасининг ривожланишда ортда қолиши ва рақобатбардошлилиги пастлиги иқтисодиётга молия секторининг инвестицияларини кўпайтиришни орқага тортувчи омил ҳисобланади ва бунинг оқибатида Ўзбекистонда миллий капитал бозорини йўқотиши мумкин.

Ташқаридан қараганда, бу йирик корхоналари миллий молия бозорини инвестиция ресурсларини жалб қилиш манбаи деб ҳисобламасликларида, кўпчилик кичик корхоналар ундан фойдаланиш имкониятига эга эмасликларида намоён бўлади. Ҳали-ҳануз кўпчилик Ўзбекистонда корхоналари учун асосий инвестициялар манбаи – бу ёки уларнинг ўз маблағлари, ёки қарзлар, ёки акцияларни хорижий молия бозорларида бирламчи жойлаштириш. Тарқоқлик билан бир қаторда, Ўзбекистонда фонд бозорининг ўзига хос салбий жиҳатларидан бири – бу институционал ва минтақавий инфратузилма ўртасидаги номутаносиблик. Умумий ҳолатда номутаносиблик – бу мутаносиблик, бир бутуннинг қисмлари ўртасида мослик йўқлиги бўлиб, фонд инфратузилмаси тизимида мувозанат бузилишига олиб келади.

Асосий институционал муаммолар ичида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин: давлат томонидан тартибга солиш тизими етарлича самарали эмаслиги, меъёрий-ҳуқуқий базанинг ҳар хиллиги ва изчил эмаслиги. Фонд бозорини давлат томонидан тартибга солиш механизми мукаммал эмаслиги у энди шаклланаётган даврда тартибсиз ва тизимсиз тартибга солинганли оқибатидир. Назорат органларининг сони кўплиги бозорнинг фаолият юритишига салбий таъсир қилган, назорат органлари бир-бирларининг функцияларини такрорлашларига олиб келган. Натижада манфаатлар қарама-қаршилиги келиб чиққан, тартибга солиш тизими мувофиқлаштирилмаган бўлган.

Ўзбекистон Республикасида фонд бозорининг асосий субъекти «Тошкент» Республика фонд биржаси ҳисобланади. Фонд биржаси инвестиция муассасалари билан биргаликда, қимматли қоғозлар билан савдо жараёнларини ташкил этиб берувчи уюшган қимматли қоғозлар бозоридир. Биржа савдолари орқали акциядорлик жамиятларига

таркибий ўзгартириш ва модернизациялаш учун йирик маблағлар жалб этиш, янги ташкил этилаётган жамиятлар эса ўз инвестиция лойиҳаларини амалга ошириши учун қўшимча молиявий манбаларга эга бўлмоқда.

Бугунги кунда, мамлакатимиз фонд бозори ривожланиши учун унинг иштирокчилари кўламини кенгайтириш лозим. Бунда фонд биржасида турли эмитентларни жалб қилишнинг, улар сонини кўпайтиришнинг бир йўли турли тоифали эмитентлар учун мезонлар яратишдир. Биржада эмитентлар ортиб, улар томонидан облигация ва акциялар муомалага чиқарилса ва даромадли бўлса, уларни сотиб олишга қизиқиш ортади ва бунинг натижасида ялпи ички маҳсулотда банклар ва биржа улушларининг баланслашуви таъминланади.

Шунингдек, фонд бозори ривожида аҳоли ўртасида молиявий саводхонликни ошириш ҳам ўзига хос роль ўйнайди. Шу билан бирга депозитарий фаолиятини ривожлантириш йўналишидаги илғор хориж тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Қимматли қоғозлар билан олди-сотди жараёнида халқаро тўловларни жорий қилиш, чет эл инвесторларининг депо ҳисобларини юритиш, унинг қоидаларини ишлаб чиқиш, тегишли норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш шулар жумласидандир.

Хусусан, фонд бозорининг иқтисодиётдаги ролини ошириш соҳасидаги асосий вазифалардан бири қимматли қоғозлар бозори ҳақидаги ахборотларни барча манфаатдор шахслар олиши учун тенг шароитлар яратиш ҳисобига эришиладиган, бозор транспарентлилиги даражасини ошириш зарур. Бунинг учун фонд бозори эмитентлари ва малакали иштирокчилари томонидан ахборотни ошкор этишни таъминлашга йўналтирилган қуйидаги дастур ва чораларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ:

- стратегик аҳамиятга эга йирик эмитент-компанияларнинг инвестицион–жозибадорлилигини ошириш учун улар акциядорлик капитали тузилмасида давлат улушини босқичма-босқич қисқартириш лозим;
- қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларига қўйилган иқтисодий талаблар миқдорини фонд бозори ҳажмига нисбатан мослаштириш зарур;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш зарур;
- қимматли қоғозлар бозорининг хуқуқий-меъёрий базасини доимий равишда такомиллаштириб бориш лозим;
- давлат корхоналарини хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб қилиш орқали қимматли қоғозлар бозорининг эмиссион фаоллигига эришиш лозим;
- масъулияти чекланган жамиятларга облигациялар чиқариш ҳуқуқини бериш мақсадида тегишли қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарур;
- фонд бозорида фаолият юритувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Атаниязов Ж., Алимардонов Э., Ҳамидова Ф. Халқаро молия бозори таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: Ниҳол принт, 2021. – 180 б.

2. Шохаъазамий Ш.Ш. Молия бозори ва қимматли қоғозлар. Дарслик. – Т.: Фан ва технология, 2012. – 440 б.

3. Эшов М.П., Мирзаев Ч.С., Турсунов А.Н. Инвестиция маҳорати. – Т.: Маънавият, 2020. – 168 б.

Хасанов Тоҳир Абдурашидович,
Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш
институти бўлим бошлиғи, и.ф.д., доцент

ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Маълумки, назарий ва амалий билимларга асосланган иқтисод, билим ва технологияларни, маҳсулот ва хизматларни изчил ва самарали янгилаш асосида миллий ва жаҳон бозорида истеъмолчиларни топа олиш тизими инновация деб аталади.

Инновация ишлаб чиқаришни жадал модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини берибгина қолмай, ишсизликка хавф солмаслиги билан ҳам афзал саналади.

XXI асрга келиб глобал миқёсда инновация ва инновацион технологиялар ибораси кундалик иборалар қаторидан ўрин олди. Жумладан, мамлакатимизда ҳам инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни рўёбга чиқаришга энг устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратилаяпти. айнан инновациялар маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаш, таннархни, энергия истеъмолини тежаш, инвестициялар оқимини кўпайтириш ва янги имкониятларни вужудга келтириш имконини беради.

Айни пайтда янги техника ва технологиялар асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бизнес эгаларининг рақобатчилар олдидаги стратегик устунлигини таъминлайди. Қолаверса, фан ва технологиянинг илмий ютуқларидан самарали фойдаланиш иқтисодий хавфсизлик ва давлатнинг мустаҳкам тараққиётини белгилашда ҳам ҳал қилувчи омиллардан эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хақиқатан ҳам, кейинги йилларда илм-фан жаҳон бозорига чиқариладиган маҳсулот ва технологиялар сифат ва рақобатбардошлилигини таъминлашда муҳим касб этади. Мазкур омиллардан етарли даражада фойдалана олмаслик глобал иқтисодий жараёнлардан ортда қолишга сабаб бўлади.

Айни пайтда юқори технологиялар бозоридаги бизнес тизим ўз салоҳияти ва иқтисодий имкониятлари нуқтаи назаридан энергетик ва хом ашё ресурслари бозоридан фойдалироқ бўлиб қолмоқда.

Бир қатор мамлакатлар аҳолиси фаровонлигининг ўсиши, иқтисодий ўсиш суръати ва барқарорлиги, фан, маданият, таълим ва мамлакат мудофаа салоҳиятининг мустаҳкамланиши ҳам бевосита юқори технологияларнинг иқтисодиёт тармоқларига қай даражада муваффақиятли татбиқ этилганини намойиш этаяпти. Иқтисодий ва институционал-структуравий жиҳатдан эса фақат юқори технологияли тармоқлар давлатнинг стратегик ва тактик вазифаларини ечиш учун реал имкониятларни сақлаб қолаяпти. Айтиш жоизки, Ўзбекистонда ҳам инновацияни ривожлантириш учун энг қулай шарт-шароитлар яратилди. Узоқ йиллар мобайнида жамланган илмий ва технологик салоҳият, информацион ва илмий-тадқиқот инфратузилмалари, юқори малакали кадрлар бунинг гарови бўлмоқда.

Шу нуқтаи назардан, юқори технологияли тармоқлар мажмуасини шакллантириш ва Ўзбекистон иқтисодиётини тараққиётнинг инновацион ўзанларига йўналтириш учун барча имкониятлар ишга солинаяпти.

Маълумки, ҳар бир мамлакат ўз стратегиясини ўзининг иқтисодий шароитига мослаган ҳолда турли моделлардан фойдаланди. Бироқ аксарият ҳолларда тараққиёт ва фаровонликка эришган барча мамлакатлар бундай юксалишга инновацияларни ҳаётга кенг жорий этиш орқалигина эришдилар. Жаҳон банки ва халқаро молия корпорацияси вице-президенти Жанамитра Деван таъбири билан айтганда, “Сингапурнинг табиий ресурслари чекланган бўлса-да, у кемасозлик, нефтни қайта ишлаш ва молия соҳаларига таянувчи равнақ топган саноат экотизимини яратишга муваффақ бўлди”. Фуқаролар уруши

оқибатида вайронага айланган Жанубий Корея ахборот технологиялари ва замонавий электроника каби тармоқларга асосий эътибор қаратгани туфайли жаҳондаги энг ривожланган мамлакатлардан бирига айланди. Малайзия оғир саноат, жумладан, электр ускуналари ишлаб чиқариш соҳасига инвестицияларни йўналтириш ҳисобидан тараққиётга эришди. Сўнгги йилларда Хитойда тараққиётнинг ишлаб чиқаришга асосланган янги моделлари яратилмоқда. Барқарор иқтисодий ўсиш ва янги иш жойлари яратиш давлат томонидан фаол қўллаб-қувватланмоқда.

Давлат секторининг иштироки анъанавий эркин бозор муҳити таъсири остида бўлган Америка Қўшма Штатларида ҳам хусусий секторнинг давлат томонидан мақсадли қўллаб-қувватланиши инновациялар ва иқтисодий ўсишни таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнади.

Албатта, ҳар қандай давлат социал-иқтисодий, инновацион-технологик, экологик, ва ҳудудий тараққиёт, инқирозларни олдиндан кўра олиш, ундан чиқишни таъминлаш, унинг оқибатларини бартараф этиш, иқтисодиётни инновацион янгилаш борасида узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқар экан, келажак авлоднинг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлашга ҳаракат қилади. Айниқса, янги технологик тартиб ва саноат тармоқларида ишлаб чиқаришнинг технологик услубларига ўтишда давлатнинг стратегик-инновацион функцияси аҳамияти ортиб бораверади.

Шубҳасиз, инновацион тизимни шакллантиришнинг самарали механизмини ишлаб чиқишда биринчи навбатда инновацион сиёсатни тартибга солувчи қонунларни ишлаб чиқиш зарур бўлади. Инновация тўғрисида қонунлар мажмуаси қабул қилинса, интеллектуал мулк ҳимояланиши, стратегик инновацион лойиҳалар (жумладан, солиқ ва божхона имтиёзлари, давлатнинг инновацион-инвестиция лойиҳалари ва дастурларида банд инвесторлар ва корхоналарнинг инновацион таваккалчилиги учун суғурта)да қатнашувчилар учун рағбатлантирувчи шароитлар юзага келади.

Инновацион тараққиётни узоқ муддатли прогнозлаштириш, стратегик режалаштириш ва дастурлаш тизимини йўлга қўйиш ҳам масаланинг муҳим жиҳатидир. Мутахассисларнинг фикрича, давлат инновацион мақсадларни амалга оширувчи хусусий инвестицияларга имтиёз ва устуворликлар бериш, тараққиёт банкларини шакллантириш, инновацияларни кафолатлаш ва суғурталаш, кичик ва хусусий инновацион бизнесни қўллаб-қувватлаш учун венчур жамғармалари тизимини ривожлантириш, йирик инновацион лойиҳаларга миллий ва хорижий сармояларни жалб этиш учун юқори технологияли фонд биржаларини ташкил этиш инновацион тизимни ривожлантиришда ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Шу ўринда мамлакатимизнинг узоқ муддатли инновацион тараққиёт стратегияси ва миллий инновацион тизими мамлакат раҳбарияти томонидан белгилаб берилган истиқболли инновацион сиёсат асосида ишлаб чиқилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг яна бир самараси бўлиб, янги ғояларни амалиётга татбиқ этиш, илм-фан ва саноатни юксалтириш ва шу орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, валютани тежаш, ички бозорда маҳаллий маҳсулотлар улушини кўпайтириш, илмий муассасалар билан корхоналар ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш учун янги имкониятлар очмоқда.

Хулоса ўринда айтиш мумкинки, глобал инқироз шароитида инновация соҳасидаги муаммоларни вақтида ва мунтазам ечиб бориш мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий шартидир. Хусусан, ярмаркаларда саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, ахборот-коммуникация технологиялари, илм-фан ва таълим соҳаларига оид юзлаб янги технология ва ишланмалар намойиш этилаяптики, халқаро талабларга тўлиқ жавоб берадиган, экспортбоп ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган ушбу инновацион ғоялар келгусида иқтисодиётимизни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Собиров Илхом Хусанович
доцент кафедры «Инвестиция и инновация»
Самаркандского института экономики и сервиса
Джураева Махзуна
преподаватель, СамГАСУ

СТРАТЕГИИ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ СТРОИТЕЛЬНОЙ ОТРАСЛИ УЗБЕКИСТАНА

***Аннотация**: в статье показаны проблемы применение инновационных технологии в строительной отрасли Узбекистана, а также предложены конкретные рекомендации.*

Реализация инновационных идей в строительном производстве значительно повышает эффективность функционирования строительных организаций благодаря получению ими серьезных конкурентных преимуществ, связанных с возрастающим спросом на инновационную продукцию на большинстве рынков сбыта продукции. Динамизм и глубина изменений, происходящих в экономике в последнее время, требуют анализа и переосмысления многих фундаментальных и прикладных проблем управления, к числу которых относятся и проблемы управления инновационным развитием в строительной отрасли. Экологические и социальные проблемы в ближайшие десятилетия требуют устойчивого и эффективного развития строительных концепций. Строительная отрасль, в связи с резко изменяющимися событиями на рынках, всегда сталкиваются с тем, что принимать решения требуется быстро.

В строительном комплексе Узбекистана сложилась к настоящему времени в целом благополучная ситуация с массой тактических и стратегических задач, которые направляют экономические и социальные характеристики инвестиционного и инновационного развития Узбекистана на курс устойчивого инвестиционного развития. Однако очевидный резонанс международного финансового кризиса во время пандемии приводит к необходимости рассмотрения того, способен ли современный рыночный механизм создать условия для текущего сохранения позиций и экономического роста отраслевого комплекса, полного использования всех имеющихся у него инвестиционных и инновационных ресурсов для удовлетворения основных потребностей, а также в какой мере необходимо при этом государственное вмешательство.

Для успешного внедрения инновационных технологий в строительство необходимо анализировать большое количество данных со всех стран мира и отслеживать формы, методы и технологии, в том числе и в смежных отраслях, – которые наиболее способствуют инновациям. Стимулом к внедрению инноваций в проектировании и строительстве являются социальные нужды, а движущими силами внедрения инноваций научные изыскания и совершенствование нормативных требований, что приводит к структурным изменениям на предприятиях и рынке строительного проектирования и строительства в целом.

Анализ современных тенденций развития жилищного строительства в Узбекистане показывает, что одной из таких точек роста может стать комплексная жилая застройка, освоение и развитие территорий, которая является местом притяжения и интеграции инновационных решений, генератором спроса на новые разработки и технологии, материалы, методы управления. Повсеместное внедрение технологических инноваций в строительстве ограничивается следующими факторами:

-высокие издержки ввода в эксплуатацию объектов;

-недоверие к инновациям со стороны покупателей;

-недостаток финансовых ресурсов, выделяемых на инновационные исследования;

-преобладание на рынке мелких фирм, не обладающих достаточными ресурсами для внедрения инноваций в свою деятельность;

-циклический характер строительства и особенности климатических условий;

-низкая степень интеграции в строительной сфере, провоцирующая устойчивую зависимость от субподрядчиков;

-отсутствие унифицированной системы апробации и сертификации новых продуктов;

-отсутствие неограниченного доступа к информации о новых продуктах;

-недостаточность налаженных связей, обмена опытом между научно-исследовательскими центрами и строительными предприятиями;

В целях реализации Стратегии инновационного развития строительной отрасли Узбекистана до 2025 года предприятиям строительного комплекса необходимо:

создание банка научно инновационных предложений и системы передачи инновационных проектов для их использования – создание информационной базы, необходимой для проведения научных разработок и проектов;

активизация научно технического потенциала путем привлечения к этому процессу ученых, научно технических работников, научных организаций и промышленных предприятий и организация сотрудничества в рамках комитетов (независимая экспертиза);

анализ и отбор инновационных проектов, оценка инновационных предложений, маркетинг соответствующих продуктов, поиск партнеров и источников финансирования, содействие в страховании проектов;

объединение потенциала разработчиков и интеграторов инновационных технологий для систематизации опыта применения и широкого освещения наиболее прогрессивных и востребованных решений в строительстве;

участие в разработке и реализации государственных, отраслевых, региональных и международных научно-технических программ и проектов, выполнение научно-исследовательских и опытно-конструкторских работ, выпуск наукоемкой и высокотехнологичной продукции.

Основные задачи в сфере экспертного анализа инновационных технологий в строительстве необходимо решать посредством определения критериев инноваций, через научно-техническую и экономическую экспертизу, отбор новейших научных исследований и разработок в области строительства, реконструкции, капитального ремонта зданий и сооружений с целью их дальнейшего развития в строительной отрасли.

Также необходимо доведение инновационных технологий в строительстве до конечного потребителя, в том числе:

-путем ускорения процесса их освоения в производстве;

-информационное обеспечение инновационной деятельности с использованием информационных технологий;

-обмен опытом, объективная оценка предоставляемых решений и содействие дальнейшей модернизации строительного комплекса;

-подготовка статейного материала, структурированных каталогов и специальной методической литературы;

-оказание содействия в организации встреч деловых кругов, семинаров по обмену опытом и повышению квалификации руководителей и специалистов в сфере научно-технических инноваций и высоких технологий, обучение инновационному менеджменту, маркетингу наукоемкой продукции, организации ее производства.

Основным фактором повышения конкурентоспособности экономики в современных условиях является инновационная деятельность. Переход экономики на инновационный путь развития выступает определяющим фактором дальнейшего роста уровня жизни населения.

При введении инновационных технологий в строительстве необходимо учитывать особенности, характеризующие эту сферу как наиболее консервативную, исследуя факторы, тормозящие внедрение инноваций, а также поддерживать и развивать инновационный потенциал предприятия. В настоящее время вложение инвестиций во внедрение инновационных технологий позволит предприятию обрести весомое конкурентное преимущество.

Использованная литература:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 -2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармони.

2.Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. - 488 б.

3.Ахмедов Д.Қ. ва бошкалар. Макроиқтисодиёт. Т., “Узбекистон ёзувчилар уюшмасининг Адабиёт жамғармаси нашриёти”. 2004. -240бет.

Собиров Илхом Хусанович
СамИСИ “Инвестиция ва инновациялар” кафедраси доценти, и.ф.н.
Каражанова Гулноза
СамИСИ “Инвестиция ва инновациялар” кафедраси ўқитувчиси

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: *Мақолада инновация тушунчаси ва унинг моҳияти хусусида хорижий ва маҳаллий олимларнинг фикрлари келтирилган. Инновацион жараёнларни ташкил қилиш шакллари ва инновацион жараёнларнинг асосий босқичларининг батафсил назарий тахлили келтириб ўтилган. Амалга оширилган таҳлиллар натижасида "инновация" атамасига муаллифлик таърифи берилган.*

Аннотация: *В статье представлены взгляды зарубежных и отечественных ученых на понятия об инновации и его сущности. Дан подробный теоретический анализ форм организации инновационных процессов и основных этапов инновационных процессов. В результате анализа термин «инновация» был определен автором.*

Abstract: *The article presents the views of foreign and domestic scientists on the concepts of innovation and its essence. A detailed theoretical analysis of the forms of organization of innovative processes and the main stages of innovative processes is given. As a result of the analysis, the term "innovation" was defined by the author.*

Кириш

Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонунида “инновация” ва “инновацион фаолият”га қуйидагича таъриф берилган: “инновация – фуқаролик муомаласига киритилган ёки шахсий эҳтиёжлар учун фойдаланиладиган, қўлланилиши амалиётда катта ижтимоий-иқтисодий самарага эришишни таъминлайдиган янги ишланма”, “инновацион фаолият – янги янги ишланмаларни ташкил этиш, шунингдек ишлаб чиқариш соҳасида уларнинг ўтказилиши ва амалга оширилишини таъминлаш бўйича фаолият” деб, таъриф берилган [1].

Ҳозирги глобаллашув шароитида ҳар қандай иқтисодий тизим (корхона, ҳудуд ва мамлакат)ни самарали ривожлантириш унинг иновацияларни қабул қила олишига боғлиқ. Яъни ташқи ва ички муҳитнинг ўзгаришига мос равишда фаолият шаклининг янгиланишида узлуксизлиги таъминланиши зарур. Замонавий дунёда инновацияларнинг

турли соҳалардаги фаолиятга жорий қилиниши иқтисодий ўсишга олиб келиб, бир томондан давлатнинг ривожланишида бош омил бўлса, иккинчи томондан илмий-техник ривожланишнинг натижаси сифатида намоён бўлади. Инновацион иқтисодиётнинг асоси инновацион фаолият бўлиб, ўзига хос иқтисодиёт тури сифатида билимларни, инновацион омилларни ва технологияларни янгилаш орқали иқтисодий тизимнинг ривожланишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Халқимиз дунёқарашида инновация муҳитини яратиш энг муҳим вазифамиздир. Инновация бўлмас экан, ҳеч бир соҳада рақобат, ривожланиш бўлмайди. Бу соҳадаги ўзгаришларни халқимизга кенг тарғиб қилмасак, одамларда кўникма пайдо қилмасак, бугунги давр шиддати, фан-техниканинг мислсиз ютуқлари билан ҳамқадам бўлолмаймиз. Шунинг учун ушбу фаолиятни замон талаблари даражасида ривожлантириш янги вазирлик, қолаверса, ушбу марказнинг асосий вазифаси бўлиши керак"[2].

Иқтисодий тизимнинг ривожланиши инновацияларнинг таъсири остида амалга оширилиб якунда янги билимлар ҳисобига иқтисодий ўсишга эришишда инновацион дастаклардан фойдаланиш долзарблигини кўрсатади. Инновацион ишланмалар турли хил элементлардан ташкил топган бўлиб, уларни бир бутун тизимга бирлаштиришдан олинган натижа иқтисодий ўсишга сабаб бўлиши мумкин.

Мавзуга оид адабиётлар тахлили

Жаҳонда "инновация" ва “инновацион жараён" тушунчаларига кўплаб олимлар ўз таърифларини келтиришган. Улар қаторида хорижий олимлардан Котлер Ф. Инновация - бу бозорга тақдим этилган ёки ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган ғоя, товар ёки технология бўлиб, уларни истеъмолчи бутунлай янги ёки ноёб хусусиятларга эга деб қабул қилишидир дея таъриф берган. Лекин ушбу янгиликнинг бозорга киришида биринчи бўла олишигина истеъмолчининг эътиборини тортишинн ҳисобга олиш кераклиги келтирилмаган.

Друкер П.Ф. Инновация - бу тадбиркорлар томонидан ўзига хос восита бўлиб, у асосида турли хил хизмат ва бизнесдаги имконият сифатида фойдаланиши мумкин деган, у қайсидир маънода ҳақ лекин истеъмолчи агар ўша янги маҳсулотга қизиқмаса унда тадбиркорнинг ҳаракатлари зоя кетиши мумкин.

Ильенкова С.Д. Инновацияларнинг таркиби ўзгаришлардан иборат бўлиб, инновацион жараённинг асосий вазифаси эса ўзгаришлардир. Инновацияларда динамик ва статик жиҳатлар мавжуд. Охирги холатда эса илмий-ишлаб чиқариш циклининг натижаси сифатида намоён бўлиб, бу натижалар ўзининг муаммоларига эга бўлади дея таъриф берган. Шу сабабли инновацион жараёнга янгиликларни аста-секинлик билан жорий қилиш талаб этилади.

Гимуш Р.И., Матмуродов Ф.М. Инновация - янгилик ва янгилик киритиш деган маънони билдиради. Бу янгилик замирида янги тартибни, янги одатни, янги услубни, кашфиётни тушуниш лозим дея таъриф беришган. Яъни янгиликларни киритишда инновацион жараёнларни жорий қилиш ҳам инновацион маҳсулотларни яратишга олиб келади.

Гаибназарова З.Т. Инновация - бу касбий фаолиятнинг тубдан тартибга солинадиган, янги натижаларини яратиш ва уни тубдан янги сифат даражасига кўтариш. Мукаммал ҳолда, ҳар қандай янгилик одатдаги фаолиятдан ташқарига чиқади ва ҳар доим ушбу соҳада ютуқларга интилади деганлар. Унга кўра инсон капиталини ривожлантиришда инновацион жараёнларни тўғри ва вақтида йўлга қўйиш муҳим ҳисобланади.

Инновацион жараёнларни таърифлашда қуйидаги олимларнинг фикрини келтиришимиз мумкин:

Анчишкин А.И. 3 хил турдаги янгиликларни жорий қилинишига ажратиш мумкин: "... бутунлай янги илмий янгиликлар ва инқилобий самарадорлик кучларини намоён қилади; техниканинг даври алмашиши, мавжуд фундаментал илмий тамойилни

сақлаган холда янги технологияларнинг пайдо булиши; мавжуд техниканинг маълум бир кўрсаткичларини миқдорий яхшилаш, янгилик жорий қилиш турларини моҳияти,турли даражадаги билимларнинг моддийлашуви" деган, яъни агарда инновацион жараёнда юқоридаги жараёнлар узилиб қолса унда натижа эриша олиш имконият пасайиб кетиши мумкин.

Барютин Л.С. Янгиликниг жорий қилиниши - бу "бошқариладиган жараён бўлиб, мажмуавий характерга эга ва турли хил тизим ва таркибий тузилмаларга сезиларли ўзгартиришлар киритиш мақсадида янгисини яратиш,тарқатиш ва бутунлай янги ёки модифика-цияланган восита (янгилик)дан фойдаланиш билан аниқ ижтимоий эҳтиёжни қондириш ва иқтисодий, техник ҳамда ижтимоий самара келтириши лозим" деган, агарда инновацион жараёнларни тўғри бошқарилса у холда натижа ижобий бўлиши мумкин.

Мазкур атамаларнинг мазмунидан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, қачонки, ҳар қандай кашфиётлар, янги воқеалар, хизматлар ва усуллар турлари тарқалишига қабул қилинса (тижоратлашиш), ўшанда халқ оммаси томонидан тан олинади. Бунда янгиликнинг жорий этилиши янгиликни қўллаш жараёнини билдиради ва янгиликнинг тарқатилишига қабул қилиниши вақтидан бошлаб янги сифат - инновация (янгиликни жорий этиш)га айланади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотни олиб боришда анализ ва синтез усулларидан, эмпирик тахлил натижаларидан ҳамда тизимли ва мажмуавий ёндашув, тахлил учун статистик усуллардан фойдаланилган

Таҳлиллар ва натижалар

Инновация ва инновацион жараён атамалари бугунги кунда жуда кенг қўлланилиши унинг мазмун-моҳиятини ўрганишга бўлган қизиқишларни янада

кучайтирмоқда. Шу сабабдан мазкур атаманларнинг иқтисодий мазмун-моҳиятини тадқиқ этган ва очиб берган айрим иқтисодчи-олимларнинг қарашларини ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилиб олдик.

Хорижий изланувчилар ва МДҲ мамлакатларидаги тадқиқотчилар билан бир қаторда Ўзбекистонлик иқтисодчи-олимлар ҳам "инновация" атамасининг иқтисодий мазмун-моҳиятини очиб бериш бўйича катта изланишлар олиб боришган ва ўзларининг замонавий талқиндаги таърифларини ишлаб чиққанлар.

Умуман олганда, инновациялар мазмуни бўйича бошқа иқтисодчи- олимларнинг назарий қарашларини яна кўплаб келтириш мумкин. Бироқ, олиб борилган тадқиқотларимиз асосида биз ўзимизнинг қуйидаги таърифни ишлаб чиқдик ва уни бугунги кунда мазкур атаманинг иқтисодий моҳиятини тўлиқ очиб беришга этарлича хизмат қилади деб ўйлаймиз.

"Инновация - маълум бир фаолият соҳасида мавжуд холатдан кўра оптималроқ натижага эришиш мақсадида бутунлай янгидан яратилган ёки модификацияланган методларнинг йиғиндисидир".

Инновацион жараённинг асосий босқичлари қуйидагилардан иборат:

-келиб тушаётган фикрларни тизимлаштириш;

-ғояни аниқланиши ва янги маҳсулотни ғоясини ишлаб чиқиш;

-янги маҳсулотни иқтисодий самарадорлигини тахлили, маркетинг дастурини ишлаб чиқиш;

-янги маҳсулотни яратилиши;

-маркетинг дастурига асосланган янги маҳсулотни ишлаб чиқаришга киритиш ҳақида қарор қобул қилиш.

Инновация жараёнини бошқариш объекти техник сиёсатни ишлаб чиқиш учун юқори даражада махсуслаштирилган бўлимлар, яъни уюшмаларни, қўмиталарни ёки ишчи гурҳини тузишни тахмин қилади:

-инновацион фаолиятни назорат қилиш учун янги маҳсулотни бўлимларини ва

марказлашган хизмат кўрсатишни ташкил этиш;

-янги маҳсулот яратиш учун мақсадли лойиҳа гуруҳларини ёки марказларини белгилаш;

-ишлаб чиқариш бўлимларида мавжуд бўлган илмий ишланмалар, конструкторлик ишлари, лабораториялар, илмий маркалар бўлимларини ролини ошириш;

-инновацион фаолиятни рағбатлантирувчи махсус фондларни ва венчур бўлимларни ташкил этиш;

-янги технологияларни ўзлаштириш муаммоси билан шуғулланувчи махсус тармоқли лабораторияларни яратишдир.

Инновацион менежментда инновацияни ташкил қилишнинг турли шаклларидан фойдаланилади. Инновациялар тузилмаси шакллари мазмун жиҳатидан инновацион лойиҳаларни олиб боришда меҳнат тақсимотининг турли усулларидан иборат. Инновациянинг бундай ташкил этиш шаклларига концентрация, ихтисослашганлик, кооперацияланиш ва комбинацияланишларни киритиш мумкин.

“Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепцияси”га кўра Илмий-тадқиқот ва тажриба- конструкторлик ишларига сарфланадиган харажатларни ошириш ҳамда бу кўрсаткични ЯИМга нисбатан 1-1,5 фоизга етказиш, банд бўлган аҳоли орасида тадқиқотчи олимлар сонини 0,4 фоизга, иқтисодиёт тадбиркорлик секторининг илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига харажатлари улушини инновацияларга сарфланадиган барча харажатларнинг 0,4 фоизига етказиш, шунингдек, Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича Ўзбекистон Республикаси жаҳоннинг 50 та илғор мамлакати орасидан жой олишига эришиш вазифаси белгиланган .

Инновацион жараёнларни ташкил қилиш шакллари

1. Ташкил қилиш вазифалари - маконда -вақтда	2. Ташкил қилиш шакллари - ихтисослашган - концентрациялашган - кооперациялашган - комбинациялашган	3. Ташкил этиш усуллари - формал - неформал

1-расм. Инновацион жараёнларни ташкил қилиш шакллари

Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига сарфланган ўзлаштирилган харажатлар тузилмасини кўриб чиқишда давлат секторининг улуши катталигини қайд этиш зарур. Молиялаштириш бўйича манбалар тузилмасида Ўзбекистонда илмий - тадқиқот фаолиятида давлат бюджети бундан буён ҳам жиддий роль ўйнайди. Унинг улуши 2021 йилда 59,4 фоизни ташкил этди. Корхоналар ва ташкилотларнинг ўз маблағлари аҳамияти бўйича илмий - тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини молиялаштиришнинг иккинчи манбаси ҳисобланади - 32,4%.

Охирги ўн йилда реализация қилинган товарлар, ишлар ва хизматлар ҳажми 4 баравар ошди ва 2022 йилда 23025,9 млрд. сўмга етди. 2022 йилда инновацияларнинг

барча турлари учун харажатларнинг умумий ҳажми (технологик, маркетинг ва ташкилий) ўз навбатида тахминан 3,4 баравар ошди ва унинг улуши 2022 йилда ЯИМга нисбатан 2,8 фоизни ташкил этди.

2022 йилда технологик инновациялар жорий этган инновацион фаол корхоналар сони 1274 тага етди. Улар томонидан 2232 та технологик инновация жорий этилди. Узлуксиз статистик текширув натижалари бўйича 2022 йилда инновацияларни жорий қилган корхоналар ва ташкилотлар улуши корхоналар умумий сонида 0,54 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистонда инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи компаниялар анча ўсганлигига қарамай (2014- 2021 йиллар даврида ўсиш 7,5 баравар), 2022 йилда инновацион корхоналар улуши компаниялар умумий сонининг 0,72 фоизини ташкил этди (Европа Иттифоқида - қарийб 49%). Инновацион-фаол корхоналар, яъни технологик инновацияларни жорий этувчи корхоналар улуши ҳам етарлича паст даражададир - 2022 йилда 0,54% (ривожланган мамлакатларда - 40-65%).

Хулоса ва таклифлар

Ўз навбатида, Ўзбекистон қуйидаги кўрсаткичлар бўйича юқори ўринларга эга: бизнес ташкил этишнинг оддийлиги (55 -ўрин), фаолият кўрсата олмасликни ҳал этишнинг оддийлиги (банкротликни тан олиш) (72-ўрин), ўрта таълимда олимлар ва ўқитувчилар нисбати (47-ўрин), илм-фан ва техника соҳасидаги битирувчилар сони (47-ўрин), капиталнинг ялпи жамланиши (19 -ўрин), микромолиявий ташкилотлар кредит портфели (39 -ўрин), келиб чиқиши бўйича патент аризалар (48-ўрин), келиб чиқиши бўйича фойдали модел иловаси (24 - ўрин), бир кишига ЯИМ ўсиш суръатлари (6-ўрин), яратилган миллий бадиий фильмлар (49-ўрин).

Инновацион жараёнларни самарали йўлга қўйиш мақсадида “Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожлантириш стратегиясининг Концепцияси”да “Инсон иқтисодий ривожланишнинг асосий омили” эканлиги келтирилган. Ҳамда юқори малакали кадрларни тайёрлашга ва инновацияларни ривожлантиришни рағбатлантиришга имкон берадиган узлуксиз таълим концепцияси жорий қилинганлиги келтириб ўтилган.

Унга кўра қуйидагиларни амалга ошириш талаб этилади. Яъни:

- Аҳолининг барча қатламлари учун қулай ва сифатли таълимни йўлга қўйиш;
- таълим вазирликларининг ривожлантириш бўйича ягона стратегиясини яратиш;
- таълим сифатини баҳолашнинг давлат тизими ишлаб чиқиш;
- ривожланган инфратузилма, мактаблар (синфда 27 кишигача),

университетлар (ҳар бир университет учун 170 минг киши) ва болалар боғчалари сонининг кўпайиши;

- оммавий таълимдан инклюзив таълимга ўтиш;
- "Ваучер" таълим тизимини жорий қилиш;
- ўқитувчилар учун юқори иш ҳақи (бозор ўртача даражасидан юқори), ўқитувчиларга кенг кўламдаги имтиёзлар тақдим қилиш;
- онлайн таълимни фаол равишда жорий этиш;
- ривожланган хусусий таълим бозорини ташкил қилиш;
- меҳнат бозори ҳажми ва тузилмаси бўйича ишончли ва тўлиқ маълумотларнинг шакллантириш;
- илмий ва педагогик кадрлар самарадорлигини ошириш, шу жумладан илмий хавола қилинган натижаларни илмий журналларда нашр этиш.

Юқоридаги йўналишларни амалиётга жорий қилиш ҳисобига инсон капиталига қаратилган инновацион жараёнларни ташкил этишнинг самарадорлигини ошириш натижасида 2030 йилга келиб қуйидаги натижаларга эришиш мумкин:

— мутахассисларнинг малакаси бозор талабларига жавоб бера бошлайди;

— 2030 йилга келиб аҳоли жон бошига ЯИМ 4 538 АҚШ долларини ташкил этиши

кутилмокда;

— муҳандислар, иқтисодчилар ва менежерлар бозорда устунлик қила бошлайди (ходимларнинг 70% дан ортиғи);

— ишсизлик даражаси 6,2% га камайтирилади;

— узлуксиз таълим тизими йўлга қўйилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонуни. ЎРҚ-630-сон. https://lex.uz/ru/docs/4910391
Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқидан 2.12.2017 йил. http://uza.uz/uz/politics/shavkat-mirziyoyev-xalqimiz-dunyoqarashida-innovatsiya- muhit-02-12-2017

B.K. Abdusamatov
Samarqand davlat arxitektura-qurilish universiteti
“Biznes boshqaruvt” kafedrasi dotsenti.
Z.Karjavov
Samarqand davlat arxitektura-qurilish universiteti
“Biznes boshqaruvt” kafedrasi dotsenti.
Sh.B.Abdusamatov
Samarqand davlat arxitektura – qurilish universiteti
“Menejment” PhD 2-bosqich doktoranti.

VILOYAT QURILISH KOMPLEKSINING INNOVATSION RIVOJLANISHIGA TA’SIR ETUVCHI ASOSIY OMILLAR

Bugungi kunda iqtisodiy jarayonlarni boshqarishda bozor modelini takomillashtirish uchun birinchi navbatda ishlab chiqarishni innovatsiyalar asosida rivojlantirish, innovatsion tadbirlarni faollashtirish, fan - texnika ishlanmalari natijalarini ishlab chiqarishga joriy etish, yangi texnologik jarayonlarni yaratish va ishlab chiqarishni rivojlantirishga ustuvor ahamiyat qaratish lozim.

Prezident Sh.M.Mirziyoyev tomonidan ushbu dolzarb masalaning tashkiliy jihatlarini hal qilish va innovatsion tadbirlarning xuquqiy asoslarini yaratish bo‘yicha Farmon qabul qilgan. “O‘zbekiston Respublikasi qurilish tarmog‘ini modernizatsiya qilish, jadal va innovatsion rivojlantirishning 2021-2025 yillarga mo‘ljallangan strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi Farmonlari hayotga tadbiq etilib kelinmoqda.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston – 2030” strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-158-son Farmoni [1].

Milliy iqtisodiyotni rivojlantirish strategik maqsadini muvaffaqiyatli amalga oshirishga ko‘plab omillar ta’sir ko‘rsatadi.

Qurilish faoliyatning yangi ustuvor yo'nalishlari va istiqbolli rivojlanishlarini tadqiq qilishda, birinchi navbatda, mavjud bo'lgan omillarni to'g'ri aniqlash va hisobga olish kerak.

Qurilish korxonalarining rivojlanishiga tarmoqda investitsiya va innovatsion faollikni oshirish zarur. Shu bilan birga, hududda tabiiy resurslarni qazib olish hajmini oshirish nafaqat ularning eksportini ko'paytirish, balki, birinchi navbatda, ularni ichki iste'mol qilish va chuqur qayta ishlashni ko'paytirish bilan o’z smarasini berishini e’tiborga olishi kerak. Bu holat, albatta, yangi qurilish va mavjud asosiy fondlarni rekonstruksiya qilishga yo‘naltirilgan kapital qo‘yilmalar hajmining oshishiga sabab bo‘ladi, qurilish industriyasida innovatsion faoliyatni faollashtirishni, uning ishlab chiqarish salohiyati va moddiy-texnik bazasini rivojlantirishni taqozo etadi.

Viloyat qurilish majmuasida innovatsion faoliyatni boshqarish bo‘yicha tashkiliy tuzilmalar bir-birini to‘ldiradigan ikkita yo‘nalish – ilmiy-texnikaviy salohiyatni rivojlantirish bo‘yicha strategik va mavjudlarini amalga oshirish bo‘yicha taktik yo‘nalishlar faoliyat ko‘rsatishini albatta e’tiborga olish zarurdir.

Buning uchun asosiy maqsadli dasturiy yondashuvlardan foydalangan holda innovatsion samara beruvchi loyihalarni ishlab chiqish va amalga oshirish, shu bilan birga mablag'larni birinchi navbatda quyidagi tarkibiy qismlarga qaratish maqsadga muvofiq degan fikrdamiz:

- amaldagi qonunchilik doirasida qurilish majmuasining intellektual salohiyatini oshirish uchun shart-sharoitlar yaratish;
- ilg'or texnologiyalar, ixtirolar, ilmiy-tadqiqot tashkilotlari, olimlar va boshqalar to'g'risidagi ixtisoslashtirilgan axborot bankini tashkil etish;
- qurilish industriyasi korxonalarining innovatsion rivojlanish bo'yicha faoliyatini birlashtirish va muvofiqlashtirish;
- mehnat bozorini qurilish sohasida yuqori malakali mutaxassislar bilan to'ldirishga ko'maklashish.
- qurilish majmuasining holati, vazifalari va iqtisodiy samaradorligiga ta'sir qiluvchi omillarni qayta ko'rib chiqish va taxlil qilish.

Hududdagi qurilish majmuasining innovatsion rivojlanishiga ta'sir etuvchi omillar qurilish majmuasining innovatsion rivojlanish darajasi va xususiyatlariga mikro va makro darajada ta'sir qiladi. Omillarning ta'siri doimiy bo’lmasligi, turli vaqt davrlarida ular o'zlarini boshqacha namoyon qilishi, shu bilan birga, omillarning sifat jihatidan o'zgarishi qurilish faoliyati samaradorligiga uning ko'payishi va kamayishi yo'nalishi bo'yicha ta'sir qilishi mumkin.

[13] Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 4 августда қабул қилинган “Солиқ маслаҳатига оид фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ-787-сон қонуни.

ҳамда тўлаш, солиқ ҳисоботини тайёрлаш ва тақдим этиш масалалари бўйича маслаҳат бериш кўзда тутилган бўлиб, бу хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятини солиқлар орқали тартибга солишнинг натижавийлигини оширишга хизмат қилади.

Хулоса ва таклифлар. *Биринчидан,* **с**олиқ тўловчилар молиявий-хўжалик фаолиятини солиқлар орқали тартибга солишнинг натижавийлигини ошириш йўллари бўлиб,солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш, масафовий солиқ назорати шакллари ва солиқ текшируви турларидан фойдаланиш, солиқ маслаҳати институтини ривошлантириш ва ундан фойдаланиш ҳисобланади.

*Иккинчидан,с*олиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш йўналишларидан бири бу замонавий ахборот технологияларини қўллаш асосида солиқ назоратининг замонавий шаклларини қўллашдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5-октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон - 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079 сонли Фармони.

2.Исаев Ф.И. Солиқ текширувларини рақамлаштириш зарурияти. “Бизнес-эксперт” илмий журнали. 2021. - № 6. - 52-54 б.

3.Адвокатова А.С. Налоговый контроль в условиях модификации отношений налоговых органов и налогоплательщиков. Автореферат диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук Москва – 2019, 26 с.

4.Ефремова Т.А. Развитие налогового администрирования в России: теория, методология, практика. Диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук. МГУ. Саранск.2017 стр. 366.

5.Наталья Игуш.Переход на налоговый мониторинг в 2022 году. Порядок, преимущества и альтернатива. https://pravovest-audit.ru/nashi-statii-nalogi-i-buhuchet/nalogovyy-monitoring-stoit-li-perekhodit-i-k-chemu-gotovitsya/.6.06.2022.

6.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил11 сентябрдаги “ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСИ” ПФ–158-сон Фармони.

7.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-128-сон қарори.

8. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 4 августда қабул қилинган “Солиқ маслаҳатига оид фаолият тўғрисида”ги ЎРҚ-787-сон қонуни.

Рафиева З.Х.
Ассистент кафедры «Инвестиции и инновации»

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В УСЛОВИЯХ ИННОВАЦИОННОЙ ЭКОНОМИКИ

Аннотация: *В этой статье представлены теоретические и методологические проблемы развития инвестиционной деятельности в условиях инновационной экономики и приведены практические рекомендации по их устранению*

Ключевые слова: *Инвестиции, инновации, капиталовложение, интерактивные инвестирование*

Annotatsiya*: Ushbu maqolada innovatsion iqtisodiyotda investitsiya faoliyatini rivojlantirishning nazariy va uslubiy muammolari keltirilgan va ularni bartaraf etish bo‘yicha amaliy tavsiyalar berilgan.*

Kalit so'zlar: *Investitsiyalar, innovatsiyalar, kapital qo'yilmalar, interaktiv investitsiyalar*
Abstract: *This article presents theoretical and methodological problems in the development of investment activity in an innovative economy and provides practical recommendations for eliminating them*
Key words: *Investments, innovations, capital investment, interactive investing*

Основная цель. Нашего исследования или презентации, и определение инновационной экономики здесь играет важную роль. Вот один из возможных вариантов определения инновационной экономики:

Инновационная экономика представляет собой экономическую систему, в которой акцент делается на разработке, внедрении и использовании новых и усовершенствованных технологий, продуктов и процессов. Она характеризуется активными инвестициями в исследования и разработки, стимулированием предпринимательской активности и постоянным поиском инновационных решений для увеличения производительности и конкурентоспособности национальной и мировой экономики.

Это определение помогает уточнить суть инновационной экономики, выделив её основные черты и приоритеты. Теперь вы можете продолжить введение, рассказывая о важности этой темы и о том, как она связана с инвестиционной деятельностью.

Рассматривая теоретические аспекты инвестиций, важно понимать их роль в развитии экономики. Вот несколько тезисов, которые вы можете использовать:

- Инвестиции как двигатель экономического роста: Одним из фундаментальных положений теории экономического развития является утверждение, что инвестиции играют ключевую роль в стимулировании экономического роста. Инвестиции в новые предприятия, технологии, исследования и разработки способствуют увеличению производства и созданию новых рабочих мест, что в итоге способствует росту национального дохода.
- Капиталовложения и производительность: Инвестиции в современные технологии и оборудование повышают производительность труда. Это позволяет компаниям производить больше продукции с меньшими затратами, что приводит к увеличению прибыли и конкурентоспособности на рынке.
- Инвестиции и обеспечение будущего роста: Инвестиции также имеют долгосрочное значение, поскольку они способствуют развитию новых технологий и инноваций. Это создает основу для будущего роста и поддерживает долгосрочную устойчивость экономики.
- Роль государства в инвестициях: Государство играет важную роль в стимулировании инвестиций через налоговые льготы, финансовую поддержку и регулирование. Она может создавать условия для привлечения инвестиций и поддерживать их направленность на инновации.

Идентификация основных проблем и вызовов в развитии инвестиционной деятельности в инновационной экономике имеет решающее значение для эффективной стратегии развития. Вот некоторые из ключевых проблем и вызовов:

1. Недостаток финансирования для инноваций: Один из наиболее серьезных вызовов заключается в том, что инновационные проекты часто требуют значительных инвестиций, которые не всегда могут быть обеспечены частным сектором. Недостаток финансирования может ограничить развитие инноваций.
2. Высокие риски и неопределенность: Инновационные проекты связаны с высокими степенями неопределенности и риска. Инвесторы могут столкнуться с трудностями при оценке потенциальных рисков и наград, что может отпугнуть от инвестиций.
3. Недостаток доступа к талантам и компетенциям: Инновации требуют высококвалифицированных кадров и специалистов. Некоторые регионы и страны могут

столкнуться с проблемой недостатка квалифицированных специалистов, что затрудняет инновационную деятельность.

4. Бюрократические преграды и нормативные ограничения: Государственные регулирования и бюрократические процессы могут замедлить разработку и внедрение инноваций, создавая дополнительные затраты и задержки.

5. Конкуренция и защита интеллектуальной собственности: В инновационной экономике конкуренция на рынке интенсивна, и защита интеллектуальной собственности может стать проблемой, особенно в сферах с высоким уровнем инноваций.

6. Нехватка инфраструктуры для инноваций: Отсутствие соответствующей инфраструктуры, такой как исследовательские центры, инкубаторы и технопарки, может препятствовать развитию инновационной деятельности.

7. Экологические и этические вопросы: Инновационные проекты могут вызывать вопросы, связанные с устойчивостью и этикой, что может повлиять на их финансирование и реализацию.

Для усиления инвестиций в инновационную деятельность в условиях инновационной экономики можно рассмотреть следующие практические рекомендации:

- Создание финансовых инструментов: Развивайте финансовые инструменты и механизмы, которые облегчают доступ к финансированию для инновационных проектов. Это может включать в себя венчурные капиталы, государственные гранты, налоговые льготы и кредитные программы.
- Поддержка и стимулирование исследований и разработок (R&D): Предоставьте налоговые и финансовые стимулы для компаний, инвестирующих в исследования и разработки. Это способствует созданию новых инновационных продуктов и технологий.
- Образование и развитие талантов: Инвестируйте в образование и развитие высококвалифицированных специалистов, способных воплощать инновационные идеи в жизнь. Создайте партнерства между университетами, исследовательскими центрами и предприятиями.
- Публично-частное партнерство: Сотрудничество между государством и частным сектором может способствовать увеличению инвестиций в инновационные проекты. Заключайте партнерства для совместного финансирования и поддержки инноваций.
- Упрощение бюрократии и регулирования: Создайте более гибкую и предсказуемую среду для инноваций, упростив процессы регистрации, лицензирования и внедрения новых технологий.
- Развитие инновационной инфраструктуры: Создайте инновационные парки, исследовательские центры и инкубаторы для поддержки стартапов и малых инновационных предприятий.
- Стимулирование инвестиций в зеленые технологии: Поддерживайте инвестиции в экологически устойчивые технологии и проекты, что способствует устойчивому развитию.
- Создание сетей и кластеров инноваций: Содействуйте формированию региональных кластеров и инновационных сетей, где компании и исследовательские организации могут обмениваться знаниями и опытом.

Список использованные литературы:

1.Узоков А., Носиров Э., Саидов Р., Султанов М. Финансирование инвестиционных проектов и их мониторинг. Методическое пособие. - Т.: «Экономика-финансы», 2006. 380 с.

2. Узоков А., Кенжаев Н. Организация и финансирование инвестиций. Методическое пособие. - Т.: 2007.

3. Ушаков И.И. Как привлечь инвестиции – СПб.: Питер, 2006. – 224 с.
4. Эргашева Ш., Узоков А. Организация и финансирование инвестиций. Методическое пособие. - Т.: «Экономика-финансы», 2008. -208 с.

Nozimov Eldor Anvarovich
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti
“Investitsiya va innovatsiyalar” kafedrasi assistenti
+998979113663
eldornozimov@gmail.com
Shaydullayev Asadbek Murodullo o’g’li
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti
Bank ishi ta’lim yo’nalishi 3-bosqich talabasi
+998957771287
asadbekshaydullayev8@gmail.com

INVESTITSIYA FAOLIYATIGA TA’SIR ETUVCHI OMILLAR

Annotatsiya. *Ushbu maqolada investitsiyalar va ularga ta’sir etuvchi omillar,iqtisodiyotning rivojlanishida samarali usullardan foydalangan holda investitsiylarning o’rni va roli haqida keltirib o’tilgan.*

Kalit so’zlar*:Investitsiya,investitsion faoliyat,investitsion tushkunlik, infratuzilmalar investitsion xavf.*

“Investitsiya” - iqtisodiyotning asosiy qismi bo’lib, shu bilan birga Mamlakatning iqtisodiy siyosati ham investitsiyaga bog’liq. Har bir davlat ishlab chiqarishda va iqtisodiyotda yuqori natijalarga erishishda,hamda aholi turmush darajasini yaxshilashda xorijiy davlatlar bilan hamkorlik aloqalarini yo’lga qo’yishi lozim Investitsiya shunday faoliyat hisoblanadi. Ishlab chiqarishda samaraga erishish zamonaviy loyihalarni amalga oshirar ekanmiz investitsiya faoliyatiga yondoshishimiz zarur. Bunda biz nafaqat samarali natijalarga erishamiz,balki xorijiy mamlakatlar bilan hamkorlik aloqalarini yo’lga qo’yamiz.

Keyingi davrlarda xorijiy mamlakatlar bilan investitsion hamkorliklar ko’paydi. Bunday loyihalarning ko’payishi butun dunyodagi yirik muamolarni yechishga yordam beradi. Investitsiyalar foyda yoki ijtimoiy natijalarga erishishga qaratilgan bo’lishi yani an’anaviy tarzda investitsiya deganda kelgusida foyda ko’rish maqsadida hozirda aniq iqtisodiy loyihalarni amalga oshirish tushuniladi. Investitsiya faoliyatini davlat jismoniy va yuridik shahslar amalga oshirishi mumkin. Mamlakatning iqtisodiy va zamonaviy bo’lib rivojlanishi investitsiya faoliyatiga yaratilgan sharoitlar va mahalliy aholining investitsiya faoliyatini qo’llab quvvatlashi, iqtisodiyotning bir teks o’sishiga, hamda rivojlanishiga investetsiya faoliyati ta’sir etadi. Biroq investitsiya va investitsion faoliyatga-(ya’ni foyda olish va ijobiy samaraga erishishga) ta’sir etuvchi omillar ham bugungi kunda yo’q emas.

Biz investitsiya faoliyatini yaxshilashda asosan nimalarga ahamiyat berishimiz kerak,qanday ishlarni amalga oshiramiz, maqsad bu investitsiya faoliyatini yahshilashdan iborat.

Bu borada O’zbekiston Respublikasida investitsiya va investitsiyaviy faoliyat bo’yicha qarorlar va qonunlar tashkil etilgan bo’lib qonuniy himoyalangan. Ularga kerakli shart-sharoitlar yaratilgan.

2023-yilda O’zbekistonda 11milliard dollarlik to’g’ridan to’g’ri investitsiyalarni amalga oshirish yo’lga qo’yilgan, 300dan ortiq gigant loyihalar 3mingdan ortiq mahalliy loyihalarni amalga oshirishga start berildi. 2022-yilda bu ko’rsatkich 9. 5 milliardni tashlil qilgan edi va 280 dan ortiq yirik loyihalar amalga oshirilgan edi. Investitsiyani rivojlantirish kelajakda zamonaviy rivojlangan davlat bo’lib iqtisodiyotning qo’chqqisiga yetishimizga ,shuningdek eksport mahsulotlarini butun jahon bozoriga olib chiqishga ta’sir etadi. Eng asosiysi bu loyihalar

ortidan mamlakatimizda ish o’rinlari ko’payib xalqimizni moddiy taraflama kuchayishiga olib keladi.

Investitsiya faoliyatiga quyidagi omillar ta’sir etadi.

Hududning mehnat(ishchi kuchi) va resurslar bilan taminlanganlik darajasi.

-ilmiy- texnikaviy salohiyat va bozor infratuzulmalarining pastligi,ishlab chiqarish va iqtisodiyotning sustligi,inflyatsiya,korrupsiyaning yuqori darajasi, ham investitsiya faoliyatiga ta’sir ko’rsatadi.

Bundan tashqari tugatilmagan qurilishlar hajmi,siyosiy jarayonlar chet el investirlariga nisbatan hokimyatning munosabati,ijtimoiy barqarorlik darajalari,diniy munosabatlar,ijtimoiy va madaniy omillar, hamda axborot va ma’lumotlarning ochiqligi, aholining turmush darajasi tibbiyotning rivojlanganligi va real ish vaqtining aniqligi ,mahalliy aholining chet elliklarga bo’lgan munosabati,hamda chet el mutaxasislariga ishlashi uchun yaratilgan shart-sharoitlar,ayrim qonunlar yoki boshqa bir meyyoriy hujjatlarning to’laqonli bo’lmasligi kabilar ta’sir etadi.

Turli mamlakatlarda qonunlar turlicha bo’lganligi sababli,bu investitsion faoliyatga ta’sir etadi.

Bunday kamchiliklarning mavjudligi investorning ,o’z istiqbolini belgilash foyda olishga qo’ygan mablag’larini foydalilik darajasini aniqlash borasidagi qobiliyatini kamaytiradi. Investitsion faoliyatga investitsion tushkunlik ham ta’sir etadi,bundan tashqari foiz stavkalari ham tasir etadi. Bu o’z navbatida kredit masalalarini qiyinlashtiradi. Inflyatsiya ta’sirida kreditlarning qisqa muddatga berilishi natijasida qurilish sohasida investitsiyalardan foydalanish qiyinlashtiradi. Qimmatli qog’ozlar bozori ham investitsiyalarga ta’sir etadigan faktlar bo’lib hizmat qiladi. Iqtisodiyotda davlatning aralashuvi ,chet eldan ko’p investetsiyalarni jalb qilish kabi ommillar shular jumlasiga kiradi. Albatta hukumatning olib borayotgan bevosita va bilvosita iqtisodiyotga va biznes sohalaridagi siyosati ham o’z tasirini o’tkazadi. Qarorlarni qabul qilishning tezlashuvi,qonunlarni himoya qiluvchi organlarning samaradorligi tadbirkorlikning raqobatlashuvi ishbilarmonlar va tadbirkorlarning ish yuritish sifati,ishchi kuchi va kapital qo’yilmalar uchun shart-sharoitlarning mavjudligi.

Omonatlarning miqdori,chet el valyutasi banklarning kreditlar ajratish imkoniyatlari,davlat ssudalarning foiz ko’rsatkichlari, banklararo hamkorlikning rivojlanganlik darajalari uzoq muddatli kredetlarning qiymati shu kabilar ta’sir etadi. Investitsiyga makroiqtisodiy va mikroiqtisodiy omillar ham tasir etadi.

1) Makroiqtisodiy omillar-bu milliy iqtisodiyot bilan bevosita bog’liq bo’lgan shartlarni va aholining katta qismini egallaydi.

Bunga nimalarni kiritishimiz mumkin:

-soliq tizimi va uni takomillashtirish darajasi;

-inflatsiya darajasi , huquqiy investitsiya faoliyatini qo’llab quvvatlash;

-mamlakatning umumiy rivojlanishi va umumiy holati;

-xorijiy investirlarni biriktirish;

-kichik va o’rta beznesni davlat tomonidan qo’llab quvvatlash;

Tashkilotlarning ilmiy texnikaviy salohiyati shu kabilarni keltirishimiz mumkin.

2)Mikroiqtisodiy omillarga yani iqtisodiy jarayonlarni o’rganadigan iqtisodiy nazariyaning bir qismi kiradi.

Investitsion faoliyatning maqsadi eng qulay investitsion muhitni yaratish va butun dunyodan investitsiyalarni jalb qilishdan iborat.

Investitsiya faoliyatiga ta’sir etuvchi omillarni uch guruhga ya’ni siyosiy,iqtisodiy va ijtimoiy omillarga ajratishimiz mumkin:

1) Siyosiy omillar: Davlatning iqtisodiy faoliyatiga aralashuvi,xalqaro shartnomalarga aralashish darajasi,chet el investirlariga nisbatan davlat siyosati,xalqaro shartnomalarga rioya qilish.

2) Iqtisodiy omillar: Iqtisodiyotning rivojlanishi yoki inqirozi,inflatsiya darajasi,valyutaning turg'inligi,soliq to'lovlaridagi imtiyozlar,xom ashyo va tovarlar bilan taminlanganligi.

3) Ijtimoiy omillarga: ishchilar sinfining tashkiliy faolligi,xorijiy investitsiyalarga nisbatan jamiyat azolarining munosabati.



1-jadval:Investitsiya faoliyatiga ta'sir etuvchi salbiy va ijobiy omillar.

Yashash sifat omili bu chet el investorlariga taklif qilinayotgan barcha shart sharoitlarni o'zida aks ettiradi.Mahalliy aholining daromadlarining darajalari hamda ishlab chiqarilgan mahsulotlarning turlari mehnat haqqi xarajatlarini o'zida aks ettiradi.

Fikrimcha investitsiya faoliyatiga ta'sir ko'rsatuvchi omillar investitsiya faoliyatiga katta havf solmaydi,balki bular o'z navbatida investitsiya sohasiga yangi o'zgarishlarni olib keladi.Korxonalarda ishlab chiqarishda eski uskunalardan yangi zamonaviy fan texnika yutuqlaridan foydalangan zamonaviy texnikalardan foydalanishga o'tish.Shuningdek

korxonalarda ishlab chiqarilayotgan mahsulotlarimiz korxonalar sig'imidan ortiq mahsulotlarni ishlab chiqarish qobilyatiga yetib keladi.Ammo iqtisodiy va siyosiy omillarni o'z navbatida tartibga solib turishda qat'iyan davlatning aralashuvi muhim.Chunki samarali iqtisodiy loyihalarni tadbiq etish uchun ,iqtisodiyotni rivojlantirishda va jahon bozorida yetakchi o'rinlarda turishimizda bizga hozirda amalga oshirayotgan investitsiya loyihalari yordam beradi.

Ijtimoiy masalalarga alohida etibor bergan holda xorijiy investorlarga shuningdek investitsion faoliyatga investorlarning qilayotgan o'zgarishlariga nisbatan jamiyatiz azolarining munosabatlari oshirishimiz kerak.O'z navbatida ham davlat siyosatining aralashuvi muhim deb o'ylayman.Chunki davlat aralashuvi natijasida samarali loyihalar,gigant loyihalar o'z samarasini ko'rsatadigan loyihalar amalga oshiriladi.

Haddan ziyod ko'p investitsiyalarni kiritish ham salbiy oqibatlarga olib kelishi mumkin.Masalan moliyaviy jihatdan ,iqtisodiyotni tarmoqlarining ko'payishiga olib keladi.Biroq bugungi kunda investitsion loyihalarga bizda barcha shart-sharoitlar yaratilgan ijtimoiy,iqtisodiy,siyosiy va hattoki ma'naviy taraflama ham.

Banklar tizimida hech qanaqa muamolar bo'lishi mumkin emas,chunki banklarimiz valyuta kurslarini turlarini o'zlashtirgan va to'laqonli ishlashadi.Ammo foiz stavkalari ham ma'lum darajada ta'sir etadi.

Kredit masalalarida muamolar keltirib chiqarishi mumkin.Yani inflatsiya ta'sirida kredetlarni juda qisqa muddatga berish natijasiada qurilish sohasida investitsiya faoliyati qiyinlashadi.

Shunday qilib fikrimcha investitsiya faoliyatini birinchi navbatda yaxshilab taxlil qilgan holda amalga oshirish,ikkinchidan bu loyihalarni to'g'ri va samarali bo'lishini taminlashi uchinchidan baholovchi ko'rsatkichlarning to'g'ri tashkil etilishi investitsion fa'oliyatida yirik natijalar bo'lishiga olib keladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasining "O'zbekiston Respublikasining 2021-2023-yillarga mo'ljallangan investitsiya dasturini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-4937 son qarori.
2. Journal. – 2021. – T. 11. – №. 6. – C. 757-766. 15. Ergasheva Sh., Uzoqov A. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish – T.: Iqtisod-Moliya, 2008. 37-b. 16. Nasirov E.I., Asamxodjayeva Sh.Sh. Investitsiya loyihalarini moliyalashtirish.
3. https://www.researchgate.net/publication/331231655 12
4. https://www.sciencedirect.com 11. Nodir Jumaev. "Ways to attract investment with assessment of investment potential of the regions" International Journal of Economics, Commerce and Management United Kingdom Vol. VII, Issue 2, February 2019 Licensed under Creative Common Page 664, ISSN 2348 0386.
5. O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasining rasmiy veb-sayti ma'lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlandi – www.stat.uz
6. https://www.researchgate.net/publication/352915484_Factors_Affecting_Investment_Activity
7. https://cyberleninka.ru/article/n/faktory-vliyayuschie-na-investitsionnuyu-aktivnost-predpriyatiy-apk-ulyanovskoy-oblasti
8. V.V.Sarev. Otsenka ekonomicheskoy effektivnosti investitsii. Moskva, «Piter»,2004,131-bet.
9. A.V.Vahobov,A.T.Ibrohimov,N.F.Ishonqulov. Moliyaviy va boshqaruv taxlili. Toshkent. "Sharq".2005,344,345-bet
10. G'ozibekov D.G'., Nosirov E.I. O'zbekiston iqtisodiyotiga xorijiy investitsiyalar инвестицияларни жалб қилиш. Рисола. – Т.: Иқтисод-молия, 2007. – 92 б.

A.A.Turayev
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti katta o‘qituvchisi
M.O.Hamrayev
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti talabasi

IQTISODIY TARAQQIYOTNING HOZIRGI SHAROITIDA MOLIYA TIZIMINING AHAMIYATI VA RIVOJLANISH YO‘LLARI

Anotatsiya: *Ushbu maqolada moliya sohasi va moliya sektori tarkibi yoritilgan bo’lib, uning ilmiy jihatdan qisqacha ta’rifi berib o’tilgan. Maqolada, shuningdek, moliya sektorining ahamiyati, uning rivojlantirish yo‘llari hamda jamiyatdagi o’zaro manfaatli pul oqimlari jarayoni o’z aksini topgan.*
Kalit so’zlar: *Moliya, moliya tizimi, pul, kapital oqimlari, moliya bozorlari, moliyaviy aktivlar, moliya institutlari, moliyaviy xizmatlar.*

Bozor iqtisodiyotiga asoslangan milliy iqtisodiyotni shakllantirish bo‘yicha amalga oshirilayotgan izchil iqtisodiy islohotlar samaradorligi ko‘p jihatdan unga mos keluvchi xo‘jalik mexanizmining elementlarini bosqichma- bosqich takomillashtirib borilishiga bog‘liq bo‘lmoqda. Ayniqsa hozirgi kunda jahonda yuz bergan global moliyaviy-iqtisodiy inqiroz ta’sirida o‘ziga xos ravishda transformallashib borayotgan jahon xo‘jaligi tizimi unga mos keladigan moliya tizimini shakllantirishni talab qilmoqda.

Iqtisodiy jarayonlarning jadal sur’atlarda rivojlanishi ko’p jihatdan moliya sohasiga bog’liqdir.Takror ishlab chiqarish jarayonlarining barcha bosqichlarida pul asosiy vosita sifatida qatnashadi. Moliya iqtisodiyotning asosiy ustunlaridan biri desak adashmaymiz, chunki uning vositasida muayyan maqsadga yo’naltirilgan pul mablag’lari fondlari vujudga keltiriladi va ular iqtisodiyotni rivojlantirish va jamiyat ehtiyojlarini qondirish maqsadida taqsimlanadi. Moliya tizimi jismoniy shaxslar (shaxsiy moliya), hukumatlar (davlat moliyasi) va korxonalar (korporativ moliya) o‘rtasida sodir bo'ladigan kapital oqimlaridan iborat. Zamonaviy moliya tizimlarida pul, kredit va moliya ayirboshlash vositalari sifatida ishlatiladi. Ular ma'lum qiymatga ega vosita bo‘lib xizmat qiladi va ular muqobil ravishda tovar va xizmatlarga ayirboshlanishi mumkin.

Zamonaviy moliya tizimi banklar (davlat sektori yoki xususiy sektor), moliya bozorlari, moliyaviy vositalar va moliyaviy xizmatlarni o‘z ichiga olishi mumkin. Muntazam va oqilona kapital oqimlari iqtisodiyotni jadal rivojlantirish uchun judayam zarur bo’lgan asosiy shartlardan biri hisoblanadi.

Moliyaviy tizimning, asosan, to'rtta komponenti mavjud: moliyaviy bozorlar.Ular xaridorlar va sotuvchilarga qimmatli qog‘ozlar, aksiyalar va obligatsiyalar, turli xalqaro valyutalar va derivativlarni o‘z ichiga olgan moliyaviy vositalar bilan savdo qilish vositalarini taqdim etadigan har qanday joy yoki tizimni o‘z ichiga oladi.

Amerikalik iqtisodchi Ye.Banksning ta’kidlashicha, jahon iqtisodiyotini qamrab olgan globallashuv jarayonlari, rivojlangan mamlakatlar iqtisodiy taraqqiyotidagi yangi kurs hisoblanuvchi “Axborot iqtisodiyoti”ning yangi modelini tashkil etish, moliya tizimi bo‘g‘inlarining taraqqiyot nisbatlariga ta’sir etayotganligini ta’kidlaydi [4].

Rossiyalik iqtisodchilar M. V.Romanovskiy, O. V.Vrublevskayalarning ta’kidlashlaricha, “2008-2009 yillarda boshlangan inqiroz insonlarning moliyaviy masalalarga nisbatan munosabatlarini yanada kuchaytirdi. Bu shubhasiz, jahon mamlakatlarining har bir fuqarosi soliqlar to‘laydi, davlatdan turli nafaqalar oladi, o‘zining mulkiy holatini saqlab qolish uchun xususiy moliyaviy qarorlar qabul qiladi, milliy va xalqaro valyuta kurslari bilan qiziqishi orqali ma’lum miqdordagi va ba’zida juda katta miqdordagi pul mablag‘larini inflyatsiya riskidan saqlash maqsadida intuitiv qarorlar qabul qiladi [5].

Moliyaviy aktivlar - moliyaviy bozorlarda sotiladigan mahsulotlar moliyaviy aktivlar deb ataladi.Naqd pul, aksiyalar, obligatsiyalar, investitsion fondlar va bank depozitlari moliyaviy aktivlarga misoldir. Yer, mulk, tovarlar yoki boshqa moddiy aktivlardan farqli

o'laroq, moliyaviy aktivlar o'ziga xos jismoniy qiymatga yoki jismoniy shaklga ega bo'lishi shart emas. Aksincha, ularning qiymati ular savdo qiladigan bozordagi talab va taklif omillari, shuningdek, ularning risklilik darajasi bilan o'lchanadi.

Moliya institutlari - moliya institutlari investorlar va qarz oluvchilar o‘rtasida vositachi vazifasini bajaradilar. Ular a'zolar va mijozlar uchun moliyaviy xizmatlar ko'rsatadi. U moliyaviy vositachilar deb ham ataladi, chunki ular omonatchilar va qarz oluvchilar o'rtasida vositachi vazifasini bajaradilar. Investorning jamg'armalari to'g'ridan-to'g'ri yoki bilvosita moliya bozorlari orqali safarbar qilinadi. Ular bozorlardan mablag' to'plashni va moliyaviy aktivlarga (depozitlar, qimmatli qog‘ozlar, kreditlar va boshqalar)ga yo'naltirishni xohlaydigan tashkilotlarga xizmatlarni taklif qiladilar.

Moliyaviy xizmatlar - aktivlarni boshqarish va majburiyatlarni boshqarish kompaniyalari tomonidan ko'rsatiladigan xizmatlar. Ular kerakli mablag'larni olishga yordam beradi, shuningdek, ular orqali iqtisodiy subyektlar samarali investitsiya qilinganligiga ishonch hosil qilishadi(masalan, bank xizmatlari, sug'urta xizmatlari va investitsiya xizmatlari).

Moliya tizimi darajasiga qarab ko'plab tarkibiy qismlardan iborat. Kompaniya nuqtai nazaridan olib qaraydigan bo'lsak, moliya tizimi kompaniyaning moliyaviy faoliyatiga mos keladigan protseduralarni o'z ichiga oladi.Bularga misol qilib, moliya, buxgalteriya hisobi, daromadlar, xarajatlar, ish haqi va boshqalarni keltirishimiz mumkin. Mintaqaviy nuqtai nazardan, moliya tizimi qarz oluvchilar va qarz beruvchilar o'rtasida mablag'larning almashinuvini osonlashtiradi.Mintaqaviy darajadagi moliya tizimiga banklar va hisob-kitob markazlari va shunga o'xshash boshqa moliyaviy institutlar kiradi.

Global miqyosda moliya tizimi moliya institutlari, investorlar, markaziy banklar, Davlat organlari, Jahon banki va boshqalar o'rtasidagi o'zaro munosabatlarni o'z ichiga oladi. Moliyaviy tizimlar mablag'larni taqsimlash, investitsiya qilish yoki iqtisodiyot tarmoqlari o'rtasida bir subyektdan boshqa subyektga o'tkazish imkonini beradi va ular jismoniy shaxslar va kompaniyalarga tegishli risklarni bo'lishish imkonini beradi. Moliya tizimining infratuzilmasi deganda moliyaviy bozor operatsiyalari aniq amalga oshiriladigan to'lov va hisob-kitob tizimlari tushuniladi.

To'lov va hisob-kitob tizimlarining uzluksiz va ishonchli ishlashi iqtisodiyotda kapitalning samarali harakatiga yordam beradi va shu bilan moliyaviy barqarorlikni qo'llabquvvatlaydi.Mukammal ishlaydigan moliyaviy tizimlar moliyaviy inqirozlarga osonlikcha tushib qolmaydi va hatto qiyin moliyaviy sharoitlarda ham o'zlarining asosiy vazifalarini bajara oladi. Shunday qilib, "Moliya" jamg'armaga ega subyektlar va investorlardan pulni pulga muhtoj bo'lgan subyektlarga yo'naltirish jarayonini o'rganadi. Tejamkorlar va investorlar o'z pullaridan unumli foydalanish maqsadida foiz yoki dividend olishi mumkin bo'lgan joylarga yo'naltiradi. Jismoniy shaxslar, kompaniyalar va hukumatlar faoliyat yuritish uchun yetarli mablag'lari bo'lmaganda, kredit kabi tashqi manbalardan pul olishlari kerak.Ular o'rtasidagi munosabatlar esa judayam zarur va foydali bo'lib, ularning ikkisiga ham birdek manfaat olib keladi.

Bank-moliya tizimini isloh qilish jarayonida ularning barqarorligini ta‘minlash, qo‘shimcha investitsiyalarni jalb qilish, moliyaviy muassasalar faoliyatini xalqaro standartlarga muvofiq yanada takomillashtirish, ko‘rsatilayotgan moliyaviy xizmatlar hajmini kengaytirish hamda aholining ishonchini oshirishga alohida e'tibor qaratilyapti. Davlatimiz rahbarining tegishli qaror va farmonlari sohaga taalluqli ayrim kamchiliklarni bartaraf etishga imkon yaratib, mamlakatimizda tarmoq va hududiy loyihalarni amalga oshirish bo‘yicha mutlaqo yangi tizimni shakllantirdi.

Xususan, hokimliklar bilan birgalikda hududlarni kompleks va intensiv rivojlantirishda davlat byudjetiga qo„shimcha mablag‘lar jalb etish, shuningdek, tabiiy va iqtisodiy salohiyatdan yanada samarali foydalanish, hududlar iqtisodiyotini yangi innovatsion yondashuvlar asosida modernizatsiyalash ishlari amalga oshirilyapti. Innovatsion mexanizm va vositalarning sohada keng qo‘llanishi hududlar iqtisodiyotini kompleks rivojlantirishda, mahalliy byudjet mablag‘larini oshirishda qo‘l kelayapti. Bank tizimini isloh qilish va erkinlashtirish, barqaror

rivojlanishini hamda iqtisodiyotning tarkibiy o‘zgarishlarida keng ishtirok etishini ta’minlash, tijorat banklarining samaradorligini oshirish va kapitallashish darajasini ko‘tarish borasida aniq vazifalar belgilab olindi. Ular qatoridan aholining bank depozitlariga qo‘yadigan omonatlari ko‘payishini rag‘batlantirish, bankdan tashqari aylanmada qolayotgan moliyaviy mablag‘lar va oqimlarni bank aylanmasiga jalb etish, tijorat banklarini to‘liq xususiylashtirish, bank va lizing xizmatlarining to‘laqonli bozorini shakllantirish, xalqaro bank va moliya kapitalini keng ko‘lamda jalb etgan holda qo‘shma banklar tashkil qilish, naqd va naqdsiz pul muomalasini hamda hisob-kitoblar shaklini unifikatsiyalash, mahalliy ishlab chiqaruvchilarning tovarlariga xaridorlar talabini rag‘batlantiruvchi turli xil iste‟mol kreditlarini rivojlantirish bo‘yicha aniq choratadbirlar qabul qilish kabi ko„plab ishlar o‘rin olgan.

Bank tizimidan tashqari, moliyaning barcha sohalarida ham turli islohotlar keng joriy etilayapti. Xususan, O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 18-martdagi 170-sonli “Tovar xomashyo birjalari faoliyatiga ilg‘or axborot texnologiyalarini keng joriy etish va elektron tijorat faoliyatini izchil rivojlantirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq birja savdolari mexanizmlarini yanada takomillashtirish rejalari belgilab olindi. Birja savdolari mexanizmlarini takomillashtirish va “O‘zbekiston Respublikasi Tovar xomashyo birjasi” Aksiyadorlik jamiyati faoliyati samaradorligini oshirishning asosiy yo„nalishlarini quyidagi chora-tadbirlarni nazarda tutadi:

1. O‘tkaziladigan savdolar shaffofligini ta‟minlaydigan, shuningdek, birjaning barcha platformalarida elektron savdolarni tashkil etish va o‘tkazish jarayonlariga aralashish hamda ularning yakunlarini noto‘g‘ri ko‘rsatish imkoniyatlariga yo‘l qo‘ymaydigan innovatsion IT-texnologiyalarni joriy etish.

2. Narxlarni, talab va taklifni prognozlashtirish maqsadida tovar bozorlaridakonyunkturani, jumladan, tovar bozorlarida konyunkturaga jiddiy ta’sir o‘tkazuvchi omillarni samarali va har tomonlama tahlil etish ishlarini tashkil etish.

3. Birja savdolarini o‘tkazish shakllarini takomillashtirish va yangi savdo vositalarini joriy etish, shuningdek, elektron tijoratni jadal rivojlantirish.

4. Xalqaro standartlar talablariga muvofiq zamonaviy va samarali moliyaviy hamda HR-menejment uslublarni joriy etish.

Qarorga ilova sifatida “Birja savdolarida yuqori likvidli va monopol turdagi mahsulotlarni sotish tartibi to‘g’risida”gi Nizom ham tasdiqlandi va mazkur Nizomga asosan birja savdolarida monopolist korxonalar hamda ustav fondida davlat ulushi 50 foiz va undan ortiq bo‘lgan yuridik shaxslar tomonidan ichki bozorda va eksportga bozor tamoyillari asosida yuqori likvidli va monopol turdagi mahsulotlarni sotish tartibini belgilab berildi. Byudjet mablag’larining maqsadli va oqilona sarflanishi ustidan nazoratni yanada kuchaytirishda birja savdolarini takomillashtirish va yangi axborot texnologiyalaridan samarali foydalanish hamda raqamli iqtisodiyotning tarmoqlarga keng kirib borishi dolzarb bo‟lib hisoblanadi.

Xulosa qilib aytganda barcha chora-tadbirlarning zamirida, albatta yurtimizning tinch va farovon kelajagi yotadi. Mamlakatimizda bank-moliya tizimida olib borilayotgan islohotlar o‘z natijasini beradi va Respublikamiz aholisi turmush darajasi yanada yaxshilanadi. Bunday islohotlar zamirida yurtimizda faoliyat olib borayotgan ishlab chiqarish korxonalari, tadbirkorlik subyektlari ham tobora rivojlanib bormoqdalar. Bularga misol daromadi xarajatlaridan ortiq bo'lgan korxona ko’proq daromad olishni maqsad qilgan holda qarz berishi yoki ortiqcha qismini investitsiya qilishi mumkin. Shunga mos ravishda, daromadi xarajatlardan kam bo'lgan korxona kapitalni, odatda, ikki yo'ldan birida oshirishi mumkin: ssuda (jismoniy shaxslar) shaklida qarz olish yoki aksiyalar(turli shaklda bo'lishi mumkin: imtiyozli aksiyalar yoki oddiy aksiyalar)ni sotish yo'li bilan. Obligatsiyalar va aksiyalarning egalari institutsional investorlar - investitsiya banklari kabi moliyaviy institutlar yoki xususiy investorlar yoki chakana investorlar deb ataladigan xususiy shaxslar bo'lishi ham mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1.Malikov T.S., Olimjonov O. Moliya. Darslik. T.: Iqtisodiyot-Moliya. 2019.-969 b.

2.Malikov T. S. Moliya. O'quv qo'llanma. T.: Iqtisodiyot0-Moliya. 2018.-268 b.

3. Mirziyoyev Sh. M. Erkin va faravon, demokratik O'zbrkiston davlatini birgalikda barpo etamiz. –Toshkent: O'zbekiston 2016.-56 b.

4. Banks E. Finance the basics. - N.Y: Simultaneously published, 2007. 4.

5. Романовский М. В., Врублевская О. В. Финансы: учебник — М.: Издательство Юрайт; 2012. — с.14

Мияссаров Даврон Абдурашид ўғли
Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти ассистенти

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ИНВЕСТИЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАРИ

Аннотация: *Ушбу мақолада хизматлар бозорининг ривожланиши тенденциялари ҳамда асосий капиталга киритилаётган инвестициялар динамикасини инобатга олган ҳолда хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион жараёнларни ривожлантириш ва ҳудудлар иқтисодиёти инвестицион жозибадорлигини аниқлашда инвестицион салоҳият ва инвестицион риск омиллари асосида баҳолаш усули борасида илмий тавсиялар таклиф этилган.*

Калит сўзлар: *Инвестициялар, хизмат кўрсатиш соҳаси, асосий капитал, инвестицион жозибадорлик, инвестицион салоҳият, инвестицион риск.*

Айни пайтда, жаҳон амалиётида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасидаги тажрибалар негизида турли даражалардаги ташкилий тузилмаларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш ва шу асосида рақобатбардошликни таъминлаш йўлларини аниқлаш, хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион фаолият самарадорлигини комплекс баҳолаш, хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида инвестицион фаолиятни таъминлаш механизмини такомиллаштириш каби йўналишлардаги илмий муаммоларни тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга қаратилган ислоҳотлар натижасида хизматлар соҳасида таркибий ўзгаришлар рўй бермоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш»[14] муҳим йўналиш сифатида белгилаб берилган. Шу туфайли, инновацион иқтисодиётнинг шаклланишида хизмат кўрсатиш корхоналарида ивестицион фаолиятни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш долзарб масала ҳисобланади.

Республикамиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги босқичида миллий ривожланиш стратегиясининг бош масаласи бўлиб, барқарор ва жадал суръатлар билан иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳисобланади. Бу жараённинг асосини ташкил этувчи омиллар сифатида бир қатор ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг ресурслар билан таъминланган-лиги, инвестицияларнинг мақсадли шакллантирилиши ва улардан самарали фойдаланиш кабиларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

[14] «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаркатлар стратегияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони, – www.lex.uz

Республикамизда макро ва микродаражадаги иқтисодий ўсишни таъминлаш ва мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш инвестицион фаолиятни амалга ошириш бирламчи аҳамиятга эга эканлигини ифодалайди.

Бугунги кунда инвестициялар ва бевосита турли инвестиция ресурслари билан таъминлаш муаммоларига бағишлаб нашр этилаётган мамлакатимиз ва хорижий илмий адабиётларида инвестицияларнинг иқтисодий мазмунини аниқлаш бўйича ягона ёндашув мавжуд эмас.

Ҳозирги кунда инвестициянинг моҳияти ҳақида турлича қарашлар мавжуд бўлиб, бу қарашлар унинг моҳиятини турлича ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, инвестицияларнинг моҳияти қонун ҳужжатларида тақиқланмаган тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар[15] деб белгиланган.

Яна бир таърифга кўра, инвестиция – иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида ўз мамлакатида ёки чет элларда турли тармоқларга ижтимоий-иқтисодий дастурларга инновация, тадбиркорлик лойиҳаларига узоқ муддатли капитал киритишдир[16].

Б.А.Абдукаримов, А.Н.Жабриев, М.К.Пардаевларнинг фикрича, инвестиция – бу молиявий (пул) ёки реал капиталга маблағ қўйиш. У пул маблағлари, кредит, қимматбаҳо қоғоз шаклида олиб борилади ва кўчма, кўчма бўлмаган мол – мулкга, интеллектуал мулкга, нематларга бўлган ҳуқуққа ва бошқа қийматликларга қўйилади, яъни корхонанинг барча активларига ишлатилади[17].

Инвестициялашга доир асосий тушунчаларни ишлаб чиқиш ва қўллаш билан боғлиқ муаммолар тадқиқоти бўйича В.В.Бочаров[18] томонидан таклиф этилган таърифга кўра: «Инвестициялар ўзида барча турдаги мулкий ва интеллектуал (моддий ва номоддий) бойликларни ифодалаб, улар тадбиркорлик ва бошқа фаолият турларига фойда ёки ижтимоий самара олиш мақсадида киритилади», деб талқин қилинган.

Назарий тадқиқотлар ва таҳлил натижаларидан умумий хулоса чиқарган ҳолда, бизнинг фикримизча, инвестиция моҳиятининг илмий шарҳи қуйидаги хусусиятлар асосида ифодаланиши зарур: ресурсли ва харажатли ёндашувлар, уларнинг дастлабки ташкил этилиши маблағлардан фойдаланишни талаб этади; қуйилмалар даромадлилиги – асосий тартибга солувчи сифатида ресурслар ва қуйилмалар, уларнинг ҳажми ва динамикасига мувофиқлиги; хавф-хатар элементларининг иштирок этиши ва натижалар башоратининг ноаниқлиги.

Назарий тадқиқотлар ва таҳлил натижаларидан умумий хулоса чиқарган ҳолда, бизнинг фикримизча, инвестиция моҳиятининг илмий шарҳи қуйидаги хусусиятлар асосида ифодаланиши зарур: ресурсли ва харажатли ёндашувлар, уларнинг дастлабки ташкил этилиши маблағлардан фойдаланишни талаб этади; қуйилмалар даромадлилиги – асосий тартибга солувчи сифатида ресурслар ва қуйилмалар, уларнинг ҳажми ва динамикасига мувофиқлиги; хавф-хатар элементларининг иштирок этиши ва натижалар башоратининг ноаниқлиги.

Бизнинг фикримизча, юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда инвестициянинг моҳиятига қуйидагича таъриф берамиз: **инвестиция – бу узоқ муддатли капитал қуйилмаларни хавф-хатарга қўйиб, тадбиркорлик ва бошқа кўринишдаги фаолият объектларига киритилган барча турдаги мулкий ва интеллектуал**

[15] Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 9 декабрдаги «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ-380-сон Қонуни. www.lex.uz

[16] Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 4-жилд. Таҳрир ҳайъати: Аминов М., Даминов Т., Долимов Т. – Т.: «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2002. – Б. 145.

[17] Б.А.Абдукаримов ва бошқалар.Корхона иқтисодиёти (дарслик).-Т: “Фан”, 2005. -Б. 241

[18] Бочаров В.В. Финансово-кредитные методы регулирования рынка инвестиций. М.: Финансы и статистика. 1993, с. 56.

қимматликлардан фойда олиш ёки келгусида муайян ижтимоий самарага эришишни кўзловчи иқтисодий категориядир.



1.1-расм Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарига инвестициялар киритишнинг таснифи

Инвестицион қўйилмалар бутун бир макроиқтисодий тизим ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсир этувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестицион ривожланишнинг амалий механизмини шакллантириш жараёни мураккаблашувига нафақат алоҳида ҳудудлар, соҳа ва тармоқлар фаолиятини ҳар томонлама баҳолаш имконининг мавжуд эмаслиги, балки самарали инвестицион сиёсатни шакллантириш жараёнида мавжуд номутаносибликлар ҳам таъсир этади. Шу аснода турли усулларни қўллаш орқали ҳудудлар ривожланишини нисбатан тенг даражада ушлаб туриш имконияти юзага келади. Шу билан бирга, давлатнинг амалда ҳудудий сиёсатини амалга оширилиши муҳим ҳисобланиб, у хусусан, бир тармоқ ичида, лекин турли ҳудудий тузилмалар ўртасида инвестицион жараёнларни амалга оширишга кўмаклашиши мақсадида миллий ижтимоий стандартларни шакллантиришга имкон бериши керак.

Бизнингча, турли ҳудудий тузилмалар, тармоқ ва фаолият соҳаларида қабул қилинаётган чора-тадбирларни уч асосий йўналишга ажратиш мумкин: моливий оқимларни назорат қилиш; нархларни бошқариш (тартибга солиш) орқали бозорни

назорат қилиб бориш; турли дастурларни ишлаб чиқиш ва жамғармаларни ташкил этиш. Ушбу шарт-шароитларда давлат миқёсида олиб борилаётган инвестицион сиёсатни такомиллаштириш ҳудудий ривожлантириш ва алоҳида хизмат кўрсатиш тармоқлари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги ёндашувларда фарқларнинг мавжудлиги сабабли мураккаблашмоқда.

Бизнинг фикримизча, хизмат кўрсатиш соҳасида инвестицион сиёсатни такомиллаштириш қуйидагиларга асосланиши керак:

– турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги ташкилотлар фаолиятини тартибга солиш;

– мавжуд бозор ҳолатини мунтазам ҳисобга олиб бориш;

– бозор иқтисодиёти институтлари ва ижтимоий муносабатларнинг янги шаклларини шакллантириш орқали хўжалик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш шакл ва усулларини такомиллаштириш;

– хўжалик субъектлари ўртасида ўзаро алоқаларнинг янги тизими ривожланишининг табиий босқичларини босиб ўтиши лозим.

Шундай экан, ҳозирги шароитда мамлакатимиз иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши сифат жиҳатидан янги тизимга асосланиб амалга оширилиши ва ушбу тизим амал қилиш ва тартибга солишнинг ўзига хос қонуниятлари билан тавсифланиши керак. Хизмат кўрсатиш жараёнини тартибга солиш ва янгича ёндашувларнинг махсус институционал тизимини шакллантирилиши барча тармоқ ва фаолият соҳаларида ривожланишнинг белгиланган стратегик кўрсаткичларига эришиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Мирзиёев Ш.М. “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” - Т.: Ўзбекистон, 2017.

2. «Инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа олди ҳужжатларини ишлаб чиқиш сифатини ошириш тўғрисида»ги 2017 йил 15 мартдаги ПҚ-2836-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори.

3. Абдукаримов Б.А., Мусаев Б.Ш. Коммунал хизматларни ташкиллаштириш аҳолига қулайликлар яратиш омили. Т.: “Fan va tehnologiya” нашриёти, 2007. – 28 Б.

http://www. stat.uz

http://www. ecsocmen.edu.uz

http://www. Lex.uz

Abishov Muhammed Sarsebaevich
Candidate of Economics, Associate Professor
Teacher of Karakalpak State University
Jaksimova Zuxra Rustem qizi
Student of Karakalpakstan Institute of Agriculture and Agrotechnologies
+998-99-294-17- -07-
zuxrajaksimova077@gmail.com

THE ECONOMY WILL NOT DEVELOP WITHOUT INVESTMENT

Abstract. This article includes an analysis of the essence of the concept of investment and investment activity, its subjects and types of investment and investment activity based on international and national legal documents.

Keywords: Investment, investment activity, subjects of investment activity, capital investment, financial investment, real investment.

Annotatsiya. Mazkur maqola investitsiya va investitsiya faoliyati tushunchasining mazmun-mohiyati, uning subyektlari hamda investistiya va investitsiya faoliyati turlarining xalqaro va milliy huquqiy hujjatlar asosidagi tahlilini o'z ichiga oladi.

Kalit so'zlar: Investitsiya, investitsion faoliyat, investitsion faoliyat subyektlari, kapital investitsiya, moliyaviy investitsiya, real investitsiya.

In today's process of economic globalization, investment activity is an important element in the economy of every country. Because this activity is aimed at expanding and developing the level of industrial production in the country, serves the stable and progressive growth of the economy. Therefore, each country that supports investment activities develops a road map that expresses its specific goals in this regard. In particular, various plans and programs have been developed in our country to attract investments to various fields, expand their flow, and stimulate investment activities. Investment is the main driving force of economic development.

For example, a total of 115 projects are planned in the metallurgical, textile, food, construction, pharmaceutical, petrochemical and other industries, 103 in the service sector, and 55 in the residential area. This will create about 37,000 jobs and further improve the living conditions of the population. The President paid special attention to the economic efficiency and social importance of the projects.

Shavkat Mirziyoyev emphasized the need to support projects, quickly resolve issues that arise during their implementation, and help enterprises to operate effectively even after they are put into operation.

State investment policy is a set of mechanisms and methods aimed at developing and supporting priority sectors of the economy, transitioning from centralized investment process to decentralized investment process, and supporting priority investment projects. In the implementation of the state investment policy, more priority is given to the establishment of small business entities and enterprises with the participation of foreign investments. The state investment policy is aimed at eliminating existing shortcomings, quickly solving problems, and creating a favorable economic and investment environment for investment participants to be able to act freely on this basis.

The following are the priority directions of the state investment policy:

- creation of a convenient legal framework for investments, their movement, relations of investment activity participants, their regulation, improvement of the current legal framework;
- implementation of fundamental economic reforms, targeted investment policy;
- improving the investment process and increasing the activity of all investment process participants, attracting foreign investments;

- further improvement of control functions of state management bodies, government organizations.

Currently, creating favorable conditions for attracting foreign investments to the economy of our country, introducing practical mechanisms for their legal protection, and further improving the investment environment are one of the most important tasks in the field of economic development. In accordance with the Law of the Republic of Uzbekistan "On Protection Measures" and to provide more favorable conditions for attracting direct foreign investments to the republic, practical legal protection of foreign investments it is permissible to establish a mechanism.

Today, the economy of Uzbekistan has become an integral part of the world economy. The export potential of our country is increasing year by year, not raw materials, but finished products with high added value are delivered to foreign markets. The established priorities for the development of Uzbekistan's industry are directly related to the investment policy being implemented. Uzbekistan has created a favorable investment environment for investors, a system of benefits and preferences. This is evidenced by the fact that the flow of foreign investments attracted to our economy is increasing year by year. The investment attractiveness of our country is also connected with the presence of large-scale sales markets, the development of transport infrastructure integrated into the multimodal communication system, which determines the investment and trade-economic cooperation prospects of Eurasia. Foreign companies investing in Uzbekistan are located in five large and rapidly developing markets - the CIS countries, Central and Eastern Europe, South and It is becoming possible to reach the countries of Southeast Asia and the Middle East. It incorporates the main rules of international investment law, including guaranteeing the rights of foreign investors, providing certain preferences to investors, etc. The investment legislation of the Republic of Uzbekistan occupies one of the leading positions in the legal system of the CIS countries. Laws "On foreign investments", "On investment activities", "On guarantees of the rights of foreign investors and measures to protect them", as well as in the form of decisions of the head of state and our government A number of adopted legal documents serve as a solid basis for the legal regulation of attracting foreign investments in the Republic of Uzbekistan.

П.Штомпка модернизациянинг турли кўринишларини кўрсатиб ўтади:

- биринчидан, модернизация – жамият олдинга силжиётган бир пайтда прогрессив ижтимоий ўзгаришлар йиғиндисидир;

- иккинчидан, модернизация – етакчи ривожланган соҳа ёки мамлакатга етишиш учун қолоқ ёки орқада қолаётган жамиятларни етказишни назарда тутади.

- учинчидан, модернизация тушунчаси замонавий жамиятнинг маркази бўйлаб ҳаракат тушунилади[31].

Модернизация кенг маънода жамиятда янгиланиш ва ривожлантириш жараёнларини ўзида акс эттиради. Иқтисодий модернизация меҳнат тақсимоти ўсиши, ишлаб чиқариш жиҳозлари самарадорлигининг ошиши, фанни ишлаб чиқариш кучига айлантириш ва ишлаб чиқаришни рационал бошқаришни ривожлантириш эвазига эришиладиган иқтисодий такрор ишлаб чиқаришни чуқурлаштиришни назарда тутади.

Модернизация товар-пул муносабатларини ривожлантириш, миллий ва трансмиллий бозорларни шакллантириш ва ривожлантириш, капитални айланишини таъминлашга мослашган иқтисодий шакл ва институтларни шакллантириш омилига айланди. Бунда мамлакат иқтисодиётини жаҳон иқтисодий ҳамжамияти билан боғлашга хизмат қиладиган хорижий инвестициялар асосий рол ўйнайди.

Модернизация анъанавий жамиятдан саноатлашган, йирик машиналашган ишлаб чиқаришга ҳамда ижтимоий жараёнларни қонунларга таянган ҳолда оқилона бошқаришга асосланган жамиятга ўтиш жараёнларини намоён этади. Назарияда модернизация деганда «анъанавий тарздаги ёпиқ жамият»га қарамақарши ўлароқ «замонавий очиқ тарздаги жамият»ни шакллантиришга олиб келувчи саноатлаштириш, секулярлаштириш, урбанизация, умумий таълим, ваколатли сиёсий ҳокимият тизимларининг қарор топиши, ҳудудий ва ижтимоий сафарбарликнинг кучайиши каби жараёнларнинг мажмуи тушунилади.

Модернизация бўйича имтиёзлар самарадорлиги пастлигининг яна бир асосий сабабларидан бири бу солиқ ва божхона имтиёзларининг ҳеч қандай шартларсиз берилиши ва қайтариб олинмаслигидадир. Имтиёзлардан фойдаланувчи корхона ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифатини ошириш, ҳажмини кўпайтириш ёки экспорт ҳажмини ошириш бўйича ҳеч қандай мажбурият қабул қилмайди.

Ҳукумат қарорлари билан алоҳида тақдим этиладиган имтиёзларни қисқартириш ва унинг ўрнига маълум тармоқларни ривожлантиришга йўналтирилган мақсадли солиқ кредити тарзидаги имтиёзларни қўллаш зарур. Бунда биринчидан давлат бюджетига қўшимча маблағлар келиб тушишини таъминлаб, ўз навбатида иқтисодиётдаги солиқ юкини пасайтириш имконини берса, иккинчи томондан соғлом рақобатни янада ошишига олиб келади.

Шуни таъкидлаш лозимки, 2018-2020 йилларда солиқ тизимида амалга оширилган ислоҳотлар натижаси давлат молиясининг қай даражада барқарорлигини кўрсатиб бера олди.

Хусусан, кейинги йилларда мамлакатимиздаги бир қатор солиқларнинг ставкалари хам сезиларли даражада пасайтирилиб борилаётганини кўришимиз мумкин. Бу эса солиқ тизимини модернизациялаш билан бир қаторда иқтисодиётнинг янада ижобий томонга силжишига олиб келади деб айта оламиз.

Солиқ тизимини самарали такомиллаштиришда хозирги глобал иқтисодиётда кўпроқ маълумотларни алмашишда электронлаштириш муҳим ҳисобланади. Бунда, солиқ ва молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ электрон шаклда тақдим этилишига ўтилганлиги тадбиркорларнинг кўп вақтларини сарфлаб навбатда туришларини олдини олиш билан

[31] Sztompka, P. (2015). Modernization as social becoming: 10 theses on modernization. In global modernization review: New Discoveries and Theories Revisited (pp. 25-31).

бир қаторда уларнинг қўшимча харажатларини яъни маблағларини иқтисод қилишда жуда катта ёрмад бўлмоқда.

Ушбу автоматлаштирилган дастурлар ва усуллар орқали давлат бюджетига тўланадиган маблағлар бўйича маълумотларни тезкор таҳлил қилиш имконини бермоқда. Шунингдек, солиқ тўловчи бўлган юридик шахслар интернетдаги “Шахсий кабинет”лари орқали солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни хам онлайн шаклда тўлаш имкониятига эга бўлиб келишмоқда. Бу эса қўшимча иш ва оворагарчиликларнинг олдини олмоқда.

Умуман олганда, Ўзбекистонда олиб борилаётган солиқ сиёсатининг асосий мақсади – бюджетга тўланадиган тўловларнинг тўғрилиги, шаффофлиги, очиқлиги хамда тақдим этилган электрон маълумотларни қайта ишлаб жўнатиш имконияти мавжудлиги ҳам муҳим бўлиб ҳисобланади. Бу эса солиқ маъмурчилигини модернизациялаш ва ислоҳ қилишда солиқ-бюджет муносабатларини оптималлаштиришга, солиқ тўловчиларнинг мустақил даромад топишларига, солиқ текширувларининг самарадорлигини оширишга, солиқ тўловчилар фаолиятига асоссиз аралашув ва текширувларнинг олдини олишга, фаолият юримаган хисобот даврлари учун ноўрин қўшимча солиқ тўловларни мажбурий тарзда тўламасдан харажатларини янада камайтириш каби кўплаб имкониятларни яратиб бера олади деб ҳисоблаймиз.

Абдувосидова Гуландом Абдурашид кизи
Базовый докторант Ташкентского финансового института
g_abduvosidova@mail.ru

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ИНВЕСТИРОВАНИЯ ПРОЕКТОВ ПО ПРИНЦИПАМ ИСЛАМСКОГО ФИНАНСИРОВАНИЯ

В настоящее время иностранные инвестиции являются одним из важнейших элементов развития национальной экономики страны. Современный инвестор имеет возможность инвестировать свои средства не только исходя из доходности и риска, а также исходя из своих морально-этических принципов и религиозных убеждений. По данным отчёта о развитии исламского финансирования за 2022 год, мировые исламские финансовые активы достигли примерно 4 трлн долларов США, при этом на инвестиционный фонд приходится примерно 34 % активов[32].

На сегодняшний день, широкое распространение получили исламские инвестиции, в основе которых лежат строгие морально-этические нормы шариата. Основным отличием исламского инвестирования от классического является отрицание получения дохода посредством вложения средств в спекулятивные инструменты. Исламские финансы строятся на основных принципах шариата — сохранять и преумножать капитал дозволенными, с точки зрения норм ислама, финансовыми инструментами и способами инвестирования.

По исламским принципам инвестирования недопустимыми считаются инвестиции в компании, основная деятельность которых идет в разрез с основными принципами ислама, в том числе производство или сбыт алкоголя, основанные на ссудном проценте финансовые услуги, производство свинины и продуктов из свинины, организация азартных игр и осуществление спекулятивных действий.

Согласно исламским принципам инвестирования под запрет попадают инвестиции в облигации, так как они относятся к долговым ценным бумагам на процентной основе, инвестиции в акции компаний с высокой долей заемных средств,

[32] ICD – Refinitiv Islamic Finance Development Report 2022

инвестиции во взаимные фонды или хедж-фонды, которые торгуют ценными бумагами, потому что торговля рассматривается некоторыми исламскими ученными как одна из разновидностей азартных игр. Также запрещаются инвестиции в производные ценные бумаги, такие как форварды, опционы и фьючерсы и т.д.

Несмотря на географическую концентрацию OIFIS, сектор невероятно разнообразен, охватывая широкий спектр из более чем 20 типов различных финансовых учреждений, соответствующих нормам шариата, которые не являются ни исламскими банками, ни такафул-компаниями. В целом, основные виды деятельности, которые они осуществляют, включают финансирование, лизинг и партнерское финансирование (Мудараба). Основные сегменты включают инвестиции и фонды, ипотека а также микрофинансирование.

Исламские фонды, третий по величине сектор, продемонстрировали значительный рост на 34% общего актива или примерно 238 миллиардов долларов США в 2021. Однако этот сектор менее распространен, чем банковское дело и сукук, при этом существенный 81% от общего объема мировых исламских фондов поступает всего из трех стран: Ирана, Саудовской Аравии и Малайзии. Денежный рынок и акции были крупнейшими классами активов, но биржевые фонды (ETF) набирали обороты, появляясь все чаще в разных странах. Как и в случае с сукук, фонды ESG достигли заметной точки в развитии исламских финансов в 2021 году[33].

Для самого Узбекистана исламское финансирование – также перспективное направление, и его развитие активно обсуждается. Исследование, проведенное Торгово-промышленной палатой страны совместно с ПРООН, показало, что 38% опрошенных представителей бизнеса и 56% частных лиц не берут кредиты в традиционных банках из-за религиозных убеждений[34]. Но для того чтобы исламский банкинг мог прийти в страну, нужно подготовить правовую базу[35].

В Узбекистане одним из доступных инструментов инвестирования является мудараба, представленная инвестиционной компанией IMAN Invest.

IMAN — это инвестиционный фонд, работающий по принципам исламских финансов. IMAN привлекает средства от инвесторов и направляет на торговлю в рассрочку и справедливо распределяет полученную прибыль между инвесторами, а мудараба является формой инвестиционного партнерства, при котором одна сторона финансирует проект, а другая отвечает за его выполнение. Согласно условиям мудорабы прибыль от инвестиций распределяется между партнерами в рамках заранее оговоренного процентного соотношения. Кроме того с момента принятия инвестиции в IMAN, средства направляются на финансирование торговых сделок по всему Узбекистану и он имеет более 300 торговых партнёров[36].

На данный момент, в Узбекистане наблюдается низкий уровень корпоративного управления, что является существенным барьером для внедрения исламских инвестиций и для развития экономики в целом. Так как основой функционирования исламской системы финансов является в первую очередь прозрачность и доверительные отношения, как на уровне частных инвесторов, так и на уровне государства в целом.

Несмотря на осведомленность большинства населения Узбекистана с нормами ислама, существует проблема понимания самих инструментов исламского инвестирования, наблюдается отсутствие основ финансовой грамотности и отсутствие самой культуры инвестирования.

В настоящее время в нашей стране разрабатываются новые стратегии и меры по

[33] ICD – Refinitiv Islamic Finance Development Report 2022

[34]https://uz.sputniknews.ru/20220720/kak-mojet-razvivatsya-islamskiy-banking-v-uzbekistane-i-rossii--eksperty-26338970.html

[35] https://kapital.uz/islam-banking/

[36] https://depozit.uz/ru/news/islom-moliyasi-tamoyillari-asosida-qanday-qilib-investitsiya-qilish-mumkin

развитию и внедрению рынка исламских финансовых услуг, например, Указ Президента Республики Узбекистан “О стратегии “Узбекистан-2030””. В этой стратегии была поставлена задача по внедрению критериев и процедур исламского финансирования в Узбекистане, а также формированию законодательной базы для исламского финансирования. Принятие данного Указа в первую очередь будет способствовать заинтересованности населения в исламских финансах, а также внедрению и развитию исламских финансовых продуктов в финансовых организациях Республики Узбекистан.

Таким образом, исламское инвестирование отличается своим сильнейшим стремлением к максимальной справедливости. При наличии стратегии, учитывающей морально-этические традиции самих инвесторов, такие инвестиции могут быть гораздо более стабильными, чем привычные для нас кредиты с фиксированными процентными ставками. Поэтому привлечение инвестиций из мусульманских стран может стать рациональной альтернативой, особенно в условиях перманентного кризиса западной экономической модели. Узбекистан является очень перспективным государством для исламских финансов, так как большинство населения мусульмане, что позволяет в будущем стать центром исламских финансов не только в Центральной Азии, но и в мире.

Список использованная литература:

1. ICD – Refinitiv Islamic Finance Development Report 2022

2.https://uz.sputniknews.ru/20220720/kak-mojet-razvivatsya-islamskiy-banking-v-uzbekistane-i-rossii--eksperty-26338970.html

3.https://kapital.uz/islam-banking/

4.https://depozit.uz/ru/news/islom-moliyasi-tamoyillari-asosida-qanday-qilib-investitsiya-qilish-mumkin

Kurbanova Sitora Baxodirovna
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti, assistent
+998979301666,
sitora_kurbonova@mail.ru

INVESTITSIYALAR VA ULARNING KORXONALAR FAOLIYATIDAGI AHAMIYATI

Annotatsiya: *"investitsion faoliyat", "investitsion jozibadorlik". Investitsiya siyosatining rivojlanish bosqichlari, investitsiya jozibadorligining asosiy tarkibiy qismlari, kompaniyaning investitsion jozibadorligini baholashda e'tiborga olinishi kerak bo'lgan omillar ko'rib chiqiladi.*

Kalit so'zlar*: investitsiyalar, investitsion faoliyat, tashkilot, iqtisodiyot, investitsion jozibadorlik.*

Investitsiya faoliyati - bu biznesni rivojlantirish va kompaniyaga uzoq muddatda foyda keltirish bilan bog'liq tadbirkorlik faoliyati. Bu uzoq muddatli aktivlar va boshqa biznes investitsiyalarini sotib olish va sotishni o'z ichiga oladi. Masalan, yangi mashina qo'shganda, kompaniya ko'proq mahsulot ishlab chiqarishi mumkin. Xuddi shunday, sotib olish bilan u kompaniyani samaraliroq qiladi yoki daromadni oshiradi.

Moliyaviy hisobotda investitsiya faoliyati pul oqimi to'g'risidagi hisobotdagi uchta toifadan biridir. Qolgan ikkitasi operatsion faoliyat va moliyaviy faoliyatdir. Operatsion faoliyat kompaniyalarning tovarlar va xizmatlarni etkazib berishdan qanday qilib pul topishi bilan bog'liq. Investitsiya faoliyati biznesni qanday rivojlantirish va kelajakda ko'proq pul ishlash haqida. Investitsiya yangi mashinalar yoki sotib olish orqali amalga oshirilishi mumkin va ikkalasi ham to'lovni talab qiladi va bunday investitsiyalarni moliyalashtirish, masalan, aktsiyalar yoki obligatsiyalar chiqarish orqali, moliyaviy faoliyatning pul oqimining tarkibiy qismidir.

Asosiy vositalarni sotib olish va sotish

Asosiy vositalarni sotib olish va sotish investitsiya faoliyatiga misol bo'la oladi. Asosiy vositalar - bu operatsion faoliyatni qo'llab-quvvatlash uchun turli xil moddiy vositalar. Asosiy vositalarga binolar va mulklar, mashinalar, uskunalar, transport vositalari va kompyuterlar misol bo'ladi. Ular bir yildan ortiq iqtisodiy manfaatlarga ega. Shuning uchun kompaniya uni aylanma aktivlar bo'limida taqdim etadi.

Asosiy vositalarni sotib olish pul mablag'larining chiqishini ifodalaydi. Mashinani sotib olish uchun, masalan, kompaniya uni to'lash uchun pul sarflashi kerak. Biroq, aktivlarni sotib olish ko'pincha katta nominalni sarflaydi. Shuning uchun kompaniyalar ularni kreditga sotib olishni afzal ko'rishadi. To'lovlarni amalga oshirishda kompaniya naqd pul tushumlarini qayd qiladi va u investitsiya faoliyati bo'limida paydo bo'ladi.

Asosiy vositalarni sotib olishning aksi asosiy vositalarni sotishdir. U naqd pul tushumlarini ifodalaydi; qaysidir ma'noda kompaniya sotishdan bir oz pul oladi.

Uzoq muddatli moliyaviy investitsiyalar

Yuqori likvidli qimmatli qog'ozlarga (pul ekvivalentlari) investitsiyalar investitsiya faoliyatidan chiqarib tashlanadi. Kompaniyalar ko'pincha ularni savdo qilish uchun sotib olishadi. Shu sababli, yuqori likvidli naqd pul ekvivalentlarini va savdo maqsadlarida qimmatli qog'ozlarni oldi-sotdi faoliyati investitsiya faoliyatiga kirmaydi. Buning o'rniga ular operatsion faoliyatdan keladigan pul oqimlari toifasiga kiradi.

Investitsion faoliyat kelajakdagi biznes o'sishini qo'llab-quvvatlashda muhim ahamiyatga ega. Investitsiya qilish orqali kompaniyalar ko'proq daromad olishni va yuqori daromad olishni kutishadi. Yuqori foyda istiqboli, shubhasiz, aktsiyadorlar uchun qimmatli qog'ozlar narxining oshishiga olib keladi. Kreditorlar yoki banklar uchun ko'proq foyda ko'proq pul oqimini anglatadi, shuning uchun kompaniya kreditlarni to'lash qobiliyatiga ega.

Ishlab chiqarishni rivojlantirish uchun kompaniyalar yangi mashinalar sotib olishlari yoki yangi zavodlar qurishlari kerak. Bularning barchasi juda ko'p pul talab qiladi. Shuning uchun investitsiya faoliyatining salbiy pul oqimi korxonalarning kapital aktivlarga investitsiya qilishining yaxshi ko'rsatkichlaridan biridir. Kelajakda ularning daromadlari o'sishini ko'rasiz.

Buxgalteriya balansidagi asosiy vositalarning o'zgarishi investitsiya faoliyatining ifodasidir. Kollektivda kapital mablag'larni investitsiya qilish uchun pul mablag'lari kapital xarajatlar deb ataladi. Siz investitsiya faoliyatining pul oqimi bo'limida kapital xarajatlar ko'rsatkichlarini topishingiz mumkin. Tahlilchilar bu ko'rsatkichni aktsiyalarni baholashda kuzatadilar. Kapital xarajatlarning o'sishi kompaniyaning kelajakdagi faoliyatiga sarmoya kiritayotganini ko'rsatadi. Garchi kapital sarf-xarajatlar naqd pul oqimini ifodalasa-da, tahlilchilar ko'pincha katta miqdordagi kapital xarajatlarga ega kompaniyalarni o'sish holatida ko'rishadi. Bu oxir-oqibatda kelajakda daromad olish quvvatini qo'llab-quvvatlaydi.

Investitsion faoliyatdan salbiy sof pul oqimi har doim ham yomon emas. Avvalgi tushuntirish sifatida, kompaniyalar kelajakda biznesni rivojlantirish uchun hozirdan pul qurbon qilishlari kerak. Pulni sarflash orqali kompaniya kelajakda katta pul tushumlarini yaratishi kerak.

Investitsion faoliyatdan olinadigan pul oqimi ham kompaniyaning turi va yoshiga bog'liq. Yuqori o'sayotgan yosh kompaniyalar salbiy sof pul oqimiga ega bo'lishi mumkin. Ular o'z bizneslarini rivojlantirish va bozorda raqobatbardosh bo'lishlari uchun katta kapital xarajatlarga muhtoj. Biroq, kapital xarajatlar foydani oshirmasa, samarali bo'lmasligi mumkin. Shuning uchun siz kompaniyaning o'ziga xos investitsiya strategiyasini o'rganishingiz kerak. Masalan, siz mashinani sotib olish yoki yangi ob'ektni qurish foydali yoki yo'qligini baholash uchun ichki daromad darajasidan (IRR) foydalanishingiz mumkin.

Yangi yuqori texnologiyalar ishlab chiqilib, joriy etilayotgan zamonaviy davrda korxonaning investitsion jozibadorligini, uning investitsiya faoliyatini o‘rganishga qiziqish keskin ortib bormoqda. Moliyaviy, iqtisodiy, tijorat faoliyatining yuqori ko'rsatkichlariga ega bo'lgan, shuningdek, potentsial investor nuqtai nazaridan qulay joylashgan (geografik va hududiy) korxonani investitsion jozibador deb atash mumkin. Bozor iqtisodiyoti sharoitida investitsiyalar tushunchasi keng qo'llaniladi. Korxonalarda ko‘plab investisiya loyihalari amalga

oshirilmoqda, sifat va miqdor ko‘rsatkichlarini yaxshilashga qaratilgan yangi texnologiyalar joriy etilmoqda, yangi korxona, tashkilot va korxonalar tashkil etilmoqda.

Albatta, ma'lum bir investitsiya loyihasiga sarmoya kiritishning maqsadga muvofiqligi to'g'risida xulosa chiqarish uchun investor korxonaning moliyaviy holatini tavsiflovchi ko'rsatkichlarni o'rganishi kerak. Moliyaviy holat korxonaning o'z faoliyatini moliyalashtirish qobiliyatini anglatadi. Bu korxonaning normal faoliyati uchun zarur bo'lgan moliyaviy resurslarning mavjudligi, ularni joylashtirishning maqsadga muvofiqligi va ulardan foydalanish samaradorligi, boshqa yuridik va jismoniy shaxslar bilan moliyaviy munosabatlar, to'lov qobiliyati va moliyaviy barqarorligi bilan tavsiflanadi.

Moliyaviy barqarorlikni baholash masalalari Rossiya korxonalarining moliyaviy boshqaruvi sohasida birinchi o'rinlardan birini egallaydi. Agar korxona moliyaviy barqaror va to'lov qobiliyatiga ega bo'lsa, u bir xil profildagi boshqa korxonalarga nisbatan bir qator afzalliklarga ega. investitsiyalarni jalb qilish. Korxonaning barqarorligi qanchalik yuqori bo'lsa, u bozor kon'yunkturasining kutilmagan o'zgarishlaridan shunchalik mustaqil bo'ladi va shuning uchun bankrotlik yoqasida bo'lish xavfi shunchalik past bo'ladi.

Korxonaning umumiy investitsiya siyosatini ishlab chiqish quyidagi asosiy bosqichlarni qamrab oladi:

1. Korxonaning o'tgan davrdagi investitsion faoliyatini tahlil qilish.

2. Tashqi investitsiya muhiti va investitsiya bozori konyunkturasini tadqiq qilish va hisobga olish.

4. Korxonaning strategik rivojlanish maqsadlarini hisobga olish.

5. Tavakkalchilik imtiyozlarini hisobga olgan holda kapitalni investitsiyalash maqsadlarida korxonaning investitsiya siyosati turini asoslash.

6. Investitsiyaning asosiy yo'nalishlari bo'yicha korxonaning investisiya siyosatini shakllantirish.

7. Korxonaning investitsiya siyosatini tarmoqlar bo'yicha shakllantirish.

8. Korxonaning investitsiya siyosatini hududiy asosda shakllantirish.

9. Korxona investitsiya siyosatining asosiy yo‘nalishlarining o‘zaro bog‘liqligi.

Investitsiyalar - bu yangi korxonalarni tashkil etish va mavjudlarini modernizatsiya qilish, eng yangi texnologiya va uskunalarni o'zlashtirish, ishlab chiqarish hajmini oshirish maqsadida mablag'larning uzoq muddatli qo'yilmalaridir.

Investitsion faoliyat deganda daromad olish yoki boshqa foydali samaraga erishish uchun mablag‘larni investitsiyalash (investitsiya qilish) va muayyan amaliy harakatlarni amalga oshirish faoliyati tushuniladi. Shuni ta'kidlash kerakki, bu faoliyat ko'plab korxona va tashkilotlar faoliyatida o'z ifodasini topmoqda.

Agar kompaniya ma'lum bir sarmoya uchun bir nechta takliflarni qabul qilsa, kompaniya muayyan investitsiya yechimini tanlash vazifasi bilan duch keladi. Investitsion qaror kompaniya menejerlari tomonidan faqat quyidagi omillarning ta'sirini hisobga olgan holda qabul qilinishi mumkin: investitsiya loyihasining qiymati, investitsiya turi, cheklangan moliyaviy resurslar, mavjud loyihalar soni, qaror qabul qilish xavfi mavjudligi, va boshqalar. Investitsion qarorning maksimal samaradorligini aniqlash uchun korxonaning investitsion jozibadorligi kabi tushunchani o'rganish kerak. Korxonaning investitsion jozibadorligi deganda unga boshqa kompaniyaning vaqtincha bo'sh mablag'larini investitsiya qilishning maqsadga muvofiqligi tushuniladi.

Shunday qilib, korxonaning investitsion jozibadorligi ma'lum investitsiyalarning maqsadga muvofiqligini baholash uchun muhim ahamiyatga ega, shuningdek, muqobil variantlarni tanlash va mavjud resurslarni taqsimlash samaradorligini aniqlash jarayonida zarurdir.

Korxonaning investitsiyalar uchun qanchalik jozibador ekanligini aniqlash uchun uning moliyaviy-iqtisodiy va texnik ko'rsatkichlarini baholash, shuningdek, uning geografik va hududiy joylashuvini o'rganish kerak.

Korxonaning investitsion jozibadorligiga asoslanib, kompaniyaning hozirgi holati, rentabellik istiqbollari va kompaniyaning iqtisodiy va moliyaviy mustahkamligi, kompaniyaning keyingi o'sishi va rivojlanishi istiqbollari haqida xulosa chiqarish mumkin.

Korxonaning investitsion jozibadorligini aniqlash uchun oxirgi ikki kalendar yili va oxirgi hisobot davri uchun buxgalteriya (moliyaviy) hisobotlari qo'llaniladi. Buxgalteriya hisobotlari asosiy axborot manbai hisoblanadi.

Kompaniyaning investitsion jozibadorligining asosiy tarkibiy qismlari quyidagilardan iborat:

- Texnologiyaning holati, asosiy vositalarning ma'naviy va jismoniy eskirish koeffitsienti qiymati va asosiy vositalarning qiymati tushuniladigan tashkilotning texnik bazasining xususiyatlari.

- Korxonaning texnik bazasining umumiy tavsifi, bu ma'lum saqlash joylarining mavjudligini, o'z transport vositalarining mavjudligini, transport yo'nalishlariga yaqinligini, zamonaviy asbob-uskunalar va mexanizmlarning mavjudligini nazarda tutadi.

- Ishlab chiqarish quvvati. Bu ko'rsatkich asosiy vositalarning maksimal mumkin bo'lgan ishlashini tavsiflaydi.

- Boshqaruv tizimining xususiyatlari (korxonaning tashkiliy tuzilishi). Hududida ko'p mehnat talab qiladigan va murakkab mahsulot turlari yaratilgan ko'plab yirik korxonalarda bo'limlar, ustaxonalar va laboratoriyalar mavjud. Ularning ishini aniq va tezkor muvofiqlashtirish maqsadida ierarxik boshqaruv tuzilmalari ishlab chiqilmoqda.

- Mahsulot assortimenti. Bu erda ishlab chiqarilayotgan mahsulotning nomini, sifat va miqdoriy xususiyatlarini hisobga olish kerak.

- Korxonaning tarmoqdagi, bozordagi o'rni, monopoliya darajasi. O'rganilayotgan korxonaning tovar va xizmatlar bozorida qaysi ishlab chiqarish o'rnini egallashi, shuningdek, ushbu korxona monopolist ekanligi yoki raqobatbardosh mahsulot ishlab chiqarilishini aniqlash mumkin bo'lgan muhim ko'rsatkich .

Korxonaning investitsion jozibadorligi bir qator omillarning mavjudligi bilan belgilanadi, ular orasida eng muhimlari: tavakkalchilik, korxonaning moliyaviy holati, dividend siyosati, kompaniya faoliyati to'g'risidagi ma'lumotlar, ishlab chiqarishni rivojlantirish samaradorligi.

Kompaniyaning investitsion jozibadorligiga ta'sir etuvchi omillarni tashqi va ichki omillarga bo'lish maqsadga muvofiqdir. Ushbu omillardan kelib chiqib, investitsiya loyihasining tashqi va ichki risklari tizimi shakllanadi. Ushbu tizim muayyan investitsiya muammosi bo'yicha qaror qabul qilishda juda muhimdir. Korxonaning investitsion jozibadorligini baholashda e'tiborga olinishi kerak bo'lgan asosiy omillar:

1. Sanoatga mansublik. Aytish kerakki, ma'lum bir mahsulotning raqobatbardoshligi asosan mahsulot yaratilgan tegishli sanoatning obro'si bilan belgilanadi. Qolaversa, bu yerda sohaning obro‘si ham ichki, ham tashqi bozorda baholanadi. Agar korxona bozorda muvaffaqiyatli ishlayotgan bo'lsa va kompaniya faoliyat yuritayotgan soha ham mamlakatda, ham jahon bozorida ijobiy obro'ga ega bo'lsa (agar u yirik korxona bo'lsa), bu bizga raqobatbardoshlik haqida gapirishga asos beradi. ushbu korxonada ishlab chiqarilayotgan mahsulotlar. Agar kompaniya obro'si unchalik yaxshi bo'lmagan sanoatning bir qismi bo'lsa, bu kompaniyaning mahsulotlari talabga ega bo'lmasligini va kompaniyaning o'zi tez orada bankrot bo'lishi mumkinligini ko'rsatadi.

2. Korxona mulkdorlari. Investor uchun kompaniya menejerining ish va shaxsiy fazilatlarini baholash muhimdir. Nazorat paketiga egalik qilish, mulkchilik xarakteri kompaniya - bularning barchasi kompaniyaning hozirgi faoliyati doirasida ham, uning rivojlanishi, o'sishi va farovonligi uchun ham muhimdir. Kompaniya egasining obro'si potentsial investorning qaroriga ijobiy va salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin bo'lgan muhim xususiyatdir. Bundan tashqari, egasining obro'si ham kompaniyada, ham sanoatda, umuman bozorda hisobga olinadi. Har qanday salbiy ma'lumotlar investitsiya loyihasini muvaffaqiyatli amalga oshirishga jiddiy zarar etkazishi

mumkin, ijobiy ma'lumotlar esa ma'lum bir kompaniya faoliyatida investitsiya loyihasini tez amalga oshirishga yordam beradi.

3. Ishlab chiqarish salohiyati. Korxonaning investitsion jozibadorligiga uning ishlab chiqarish salohiyatining holati sezilarli darajada ta'sir qiladi. Buni investorlar va kreditorlar hisobga olishlari kerak. Kompaniyaning kapitali va uni boshqarish samaradorligi, shuningdek, tashkilotning umumiy moliyaviy holati tekshiriladi. Yana bir muhim faktni ta'kidlash kerak - kapital ishlab chiqarish shakliga o'tgandagina o'z faoliyatini boshlaydi. Bunda kapital kompaniyaning ishlab chiqarish salohiyati tarkibiga kiradi. Kapital aylanma mablag'larga, nomoddiy aktivlarga va asosiy vositalarga aylanadi. Albatta, kapital pul shaklida ham ifodalanishi mumkin. Biroq, kapitalning boshqa, pul bo'lmagan qismi ham mavjud. Kapitalning bu qismi mehnatni tashkil etish darajasidan, kadrlar tarkibiy qismidan va ishlab chiqarishni tashkil etish darajasidan iborat. Bu qismni miqdoriy aniqlash shart emas. Ammo bu qismsiz korxonaning ishlab chiqarish salohiyati deyarli yo'q. Buning sababi, nomoddiy aktivlar va asosiy vositalarning o'z-o'zidan ishlashi mumkin emas.

4. Joylashuv. Bu omil ko'pincha korxonaning investitsion jozibadorligida, ayniqsa mamlakatimizda hal qiluvchi ahamiyatga ega. Aytish kerakki, hozirgi vaqtda Rossiyaning har bir mintaqasida, aytmoqchi, shaharni tashkil etuvchi, ammo noqulay hududiy joylashuvi tufayli raqobatbardosh bo'lmagan korxonalar mavjud. Agar ushbu korxonalarni raqobatbardoshlikka olib chiqish qiyin bo'lsa, ularga kiritilgan investitsiyalarni qoplash ham mumkin emas. Albatta, bunday "o'lik zona" holati potentsial investor uchun jozibador bo'lmaydi.

5. Korxonani boshqarish. Menejmentni tahlil qilishda tashkilotni boshqarishning makro darajasini o'rganish kerak. Bu erda strategik boshqaruv bilan bevosita bog'liq bo'lgan hujjatlarni ishlab chiqishning sifat xususiyatlarini hisobga olish kerak. Bundan tashqari, kompaniyaning soliq rejalashtirish tizimini o'rganish va uning qanchalik mukammal ekanligini baholash muhimdir.

6. Investitsiya dasturi. Investitsiya loyihasi aniq, ixcham investitsiya dasturiga ega bo‘lishi kerak, unda investitsiya ob’ektlari va ularning xususiyatlari, moliyalashtirish miqdori, shuningdek, investisiya loyihasini amalga oshirish muddatlari ko‘rsatilishi kerak. Albatta, investor ushbu dastur bilan tanishib, tadbirlar soni va ularni amalga oshirish muddatlarini, moliyalashtirish miqdorini bilishi kerak. Investitsion dasturni tahlil qilish juda nozik jarayondir. U investitsiya dasturini amalga oshirishda ishtirok etuvchi barcha tomonlarning manfaatlarini, shuningdek, real bozor jarayonlarini baholashni hisobga olgan holda amalga oshirilishi kerak. Bundan tashqari, imkoniyatni esga olish muhimdir.

7. Hokimiyat organlari bilan munosabatlar. Menejer va potentsial investor o'rtasidagi munosabatlarning dastlabki bosqichida ikkinchisi kompaniya menejeri va mahalliy hokimiyat vakillarini qanday munosabatlar bog'lashini aniqlashi kerak. Bu investitsiya loyihasini ishga tushirishdan oldin amalga oshirilishi kerak.

Agar korxona egasi mahalliy hokimiyat organlari bilan yaxshi munosabatlarga ega bo'lsa, unda ularning vakillari investitsiya loyihasini ilgari surish uchun qo'llaridan kelganini qiladilar va loyihaning amalga oshirilishidan va ijobiy yakuniy natijadan manfaatdor bo'ladilar. Tanlangan korxonaning hokimiyat organlari va vakillari keskin munosabatlarga ega bo'lgan taqdirda, birinchisi loyihani amalga oshirishga to'siqlar o'rnatib, investitsiya loyihasini amalga oshirishga har tomonlama zarar etkazishga harakat qiladi. Shuning uchun hokimiyat bilan munosabatlar kompaniyaning investitsion jozibadorligiga ta'sir qiluvchi muhim omil hisoblanadi.

Buni korxona rahbari va potentsial investor o'rtasidagi munosabatlarning dastlabki bosqichida hisobga olish maqsadga muvofiqdir. Shunday qilib, korxonaning investitsion faoliyati uning uzoq muddatli rivojlanishining muhim shartidir. Biz tashkilot investitsiya faoliyatining muhim jihatini - kompaniyaning investitsion jozibadorligini ko'rib chiqdik. Investitsion jozibadorlikning asosiy tarkibiy qismlari, kompaniyaning investitsion jozibadorligini baholashda e'tiborga olinishi kerak bo'lgan omillar o'rganildi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Abryutina M.S. Moliyaviy tahlil: darslik / M.S.Abryutina. – M: Biznes va xizmat, 2019. – 192 b.
2. Avdeeva A.S. Moliyaviy tahlil: nazariya va amaliyot / A.S. Avdeeva. – M.: Alfa, 2018. – 199 b.
3. Markin S.A. Zamonaviy Rossiya sharoitida kompaniyalarning investitsion jozibadorligi / S.A. Markin. – M.:Alfa, 2018. – 194 b.
4. Chinenov M.V. Korxonaning investitsion jozibadorligi / M.V. Chinenov – M.: Alfa, 2019. – 106 b.
5. Kazeikin V.S. Investitsion tahlil: Darslik / V.S. Kazeykin. – M.: NIC INFRA-M, 2019. – 176 b.
6. O‘zbekiston Respublikasining “Tijorat banklari va bank faoliyati to‘g‘risida”gi (25.04.1996-y.) qonuni. – T.: O‘zbekiston, 1997-y. 17-b.
7. O‘zbekiston Respublikasining 1995-yil 30-avgustdagi 110-I-sonli “Konsessiyalar to‘g‘risida”gi qonuni.
8. O‘zbekiston Respublikasining 1998-yil 30-apreldagi 609-I-sonli “Chet el investitsiyalari to‘g‘risida”gi qonuni.
9. O‘zbekiston Respublikasining 2014-yil 9-dekabrdagi O‘RQ-380-sonli ““Investitsiya faoliyati to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi qonuniga o‘zgartish va qo‘shimchalar kiritish haqida”gi qonuni.
10. O‘zbekiston Respublikasining 1998-yil 30-apreldagi 611-I-sonli “Chet ellik investorlar huquqlarining kafolatlari va ularni himoya qilish choralari to‘g‘risida”gi qonuni.
11. O‘zbekiston Respublikasining 1996-yil 25-apreldagi 220-I-sonli “Erkin iqtisodiy zonalar to‘g‘risida”gi qonuni.

Маликова Д.М.
Самаркандский институт экономики и сервиса,
и.о. доцента кафедры «Инвестиции и инновации»

ПРОЦЕНТНАЯ ПОЛИТИКА ЦЕНТРАЛЬНОГО БАНКА И ЕЕ ВОЗДЕЙСТВИЕ НА РАЗВИТИЕ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Аннотация: *Ключевой целью экономической политики любого государства является стимулирование и поддержание высоких темпов инвестиционной активности и экономического роста в стране. Важная роль при этом отводится денежно-кредитной политике. Основная ставка Центрального банка является одним из основных инструментов денежно-кредитной политики. В статье рассматривается сущность денежно-кредитной политики, ее влияние на инвестиционную активность.*

Ключевые слова: *монетарная политика, инвестиционная активность, Центральный банк, процентная политика, процентные ставки, привлекательность.*

Монетарная политика относится к использованию денежно-кредитных инструментов и мер для достижения макроэкономических целей. Одной из основных целей монетарной политики является создание устойчивых условий для роста и стабильности экономики.

Монетарная политика может оказывать влияние на инвестиционную деятельность следующими способами:

1. Процентные ставки: Центральный банк может регулировать процентные ставки, которые оказывают влияние на стоимость заемных средств. Повышение процентных ставок делает инвестиции менее привлекательными, так как это увеличивает затраты на

заемные средства. Снижение процентных ставок, напротив, стимулирует инвестиции, как более дешевый доступ к капиталу.

2. Денежное предложение: Центральный банк также может контролировать количество денег в обращении в экономике. Увеличение денежного предложения может способствовать более легкому доступу к кредитам и, следовательно, стимулировать инвестиции. Сокращение денежного предложения может, напротив, затруднить доступ к кредитам и сдерживать инвестиции.

3. Инфляция: Монетарная политика также оказывает влияние на уровень инфляции. Умеренная инфляция может стимулировать инвестиции, так как это повышает ожидания по доходности капитала. Однако, высокая инфляция может повлиять на принятие решений об инвестициях, так как она делает будущие доходы менее стабильными и предсказуемыми.

4. Курс валюты: Монетарная политика может также оказывать влияние на курс национальной валюты. Например, повышение процентных ставок может привести к укреплению валюты, что делает импорт дешевле и экспорт дороже. Это может повлиять на инвестиционные решения, так как обменный курс влияет на конкурентоспособность товаров и услуг на мировом рынке.Процентная политика может оказывать влияние на инвестиционную деятельность, влияя на стоимость привлечения капитала. Так, повышение процентных ставок приводит к увеличению стоимости кредитов и займов, что может снизить инвестиционную активность. Снижение процентных ставок, напротив, может привести к снижению стоимости кредитов и займов, что может стимулировать инвестиционную активность.

Процентная политика может оказывать влияние на различные виды инвестиций, в том числе:

Инвестиции в основной капитал. Процентная политика может оказывать влияние на инвестиционные проекты, связанные с увеличением производственных мощностей, расширением ассортимента продукции или услуг, внедрением новых технологий. Так, повышение процентных ставок может привести к снижению рентабельности инвестиционных проектов, что может снизить инвестиционную активность в этой сфере. Снижение процентных ставок, напротив, может привести к повышению рентабельности инвестиционных проектов, что может стимулировать инвестиционную активность в этой сфере.

Инвестиции в ценные бумаги. Процентная политика может оказывать влияние на спрос на ценные бумаги, в том числе акции, облигации и другие. Так, повышение процентных ставок может привести к снижению доходности инвестиций в ценные бумаги, что может снизить спрос на них. Снижение процентных ставок, напротив, может привести к повышению доходности инвестиций в ценные бумаги, что может стимулировать спрос на них.

Инвестиции в недвижимость. Процентная политика может оказывать влияние на спрос на недвижимость, в том числе жилую, коммерческую и другую. Так, повышение процентных ставок может привести к снижению доступности ипотечных кредитов, что может снизить спрос на жилую недвижимость. Снижение процентных ставок, напротив, может привести к повышению доступности ипотечных кредитов, что может стимулировать спрос на жилую недвижимость.

В заключении можно отметить, что монетарная политика может иметь существенное воздействие на инвестиционную деятельность, обусловленное изменением ставок по заемным средствам, доступностью кредитов, уровнем инфляции и обменным курсом валюты. Эти факторы могут повлиять на привлекательность инвестиций и, следовательно, на объем и направление инвестиционной активности в экономике. Поэтому для того чтобы повысить эффективность процентной политики в стимулировании инвестиционной деятельности, центральные банки могут использовать следующие инструменты:

Прямые инструменты, такие как изменение базовой процентной ставки, установление коридора процентных ставок, проведение операций на открытом рынке и др.

Косвенные инструменты, такие как предоставление льготных кредитов для инвестиционных проектов, субсидирование процентных ставок и др.

Список использованной литературы:

1. Z.Bodie, A.Kane, A.Marcus. Investments. -10th Edition. McGraw-Hill Education, New York, 2014.
2. Хашимов А.А., Маджидов Ш.А., Мўминова Н.М. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2014. – 247 б.
3. Зайиров Л., Насиров Э., Ханова Н., Асамходжаева Ш. Инвестиции. Учебное пособие. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2019. – 448 с.
4. Маликова Д. М., Толибжонова Д. С. ЦЕНТРАЛЬНЫЙ БАНК УЗБЕКИСТАНА–ФИНАНСОВЫЙ РЕГУЛЯТОР СТРАНЫ //Journal of new century innovations. – 2023. – Т. 30. – №. 1. – С. 134-137.

Malikova D. Methodology for effective assessment of the level of economic security of banks //Innovative Society: Problems, Analysis and Development Prospects (Spain). – 2023. – С. 96-98.

Shirinboyeva Dilora Dilmurod qizi
SamISI, “Investitsiya va innovatsiyalar” kafedrasi assistenti
Ergashova Feruza Rustam qizi
SamISI, Bank-moliya xizmatlari fakulteti talabasi

INNOVATSION IQTISODIYOT SHAROITIDA INVESTITSION FAOLIYATNI RIVOJLANTIRISHNING NAZARIY VA METADOLOGIK MUAMMOLARI

Annotatsiya. *Mazkur maqolada mamlakatimiz iqtisodiy rivojlanishida investitsion muhitning roli va ahamiyati, 2021- 2023 yillarga mo‘ljallangan investitsiya dasturining mazmuni, O‘zbekiston Respublikasida asosiy kapitalga investitsiyalar markazlashgan moliyalashtirish manbalari, markazlashmagan moliyalashtirish manbalariga oid ma’lumotlar yoritilgan. Shuningdek, investitsion jozibadorlikni oshirish, chet el investitsiyalarini jalb qilish bo‘yicha olib borilayotgan islohotlar, xalqaro moliya institutlari tomonidan kiritilayotgan investitsiyalar kabi masalalar ko‘rilgan va tavsiyalar berilgan.*

Аннотация. *В данной статье рассмотрены вопросы о роли и значение инвестиционного климата в экономическом развитии страны, содержание инвестиционной программы на 2021-2023 годы, источники централизованного финансирования инвестиций в основной капитал в Республике Узбекистан, децентрализованные источники финансирование, а также были рассмотрены такие вопросы, как реформы в области привлечения инвестиций, осуществляемых международными финансовыми институтами, и даны рекомендации.*

Annotation: *This article describes the role and importance of the investment climate in the economic development of the country, the content of the Investment Program for 2021-2023, sources of centralized financing of investments in fixed assets in the Republic of Uzbekistan, decentralized sources of financing. issues such as reforms in attraction, investments made by international financial institutions were considered and recommendations were made.*

Kalit so‘zlar: *investitsion jozibadorlik, xorijiy investitsiyalar, xalqaro savdo, xalqaro moliya institutlari*

Ключевые слова: *инвестиционная привлекательность, иностранные инвестиции, международная торговля, международные финансовые институты.*

Keywords: *investment attractiveness, foreign investment, international trade, international financial institutions.*

Har bir mamlakat, avvalo, iqtisodiy rivojlanishga, dunyodagi rivojlangan mamlakatlar qatoriga qo‘shilishga harakat qiladi. Shu orqali makro va mikro muhitni rivojlantirishga, yalpi ichki mahsulotni oshirishga intiladi. Bunday keng ko‘lamli ishlarni bajarish uchun xorijiy investitsiyalarni jalb qilish ham katta ahamiyat kasb etadi.

2022-2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasida mamlakatda investitsiya muhitini yanada yaxshilash va uning jozibadorligini oshirishga doir qator maqsad va vazifalar nazarda tutildi. Jumladan, Taraqqiyot strategiyasining 26-maqsadida, mamlakatda investitsiya muhitini yanada yaxshilash va uning jozibadorligini oshirish, kelgusi besh yilda 120 milliard AQSH dollari, jumladan 70 milliard dollar xorijiy investitsiyalarni jalb etish choralarini ko‘rish ko‘zda tutilgan.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning 2022-yil 21-dekabrdagi Oliy Majlisga murojaatnomasida “Iqtisodiyotimizga shu yilning o‘zida 8 milliard dollar to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar kirib keldi, eksportimiz esa, 19 milliard dollarga yetganligini” e’tirof etib, 2023-yildagi eng ustuvor yo‘nalishlardan oltinchisi iqtisodiyotga mahalliy va xorijiy xususiy investitsiyalarni ko‘paytirish uchun sharoitlarni yanada yaxshilaymiz deb belgilab berdi. Bu esa xorijiy investitsiyalarning kirib kelishi uchun qulay investitsiya muhiti va uni jozibadorligini yanada oshirish zaruriyatini ko‘rsatadi. Mamlakatimiz Prezidenti Sh.Mirziyoyevning investitsion muhitning jozibadorligini oshirish maqsadida qabul qilingan 2018-yil 2-avgustdagi “O‘zbekiston Respublikasida investitsiya muhitini tubdan yaxshilash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmoniga ko‘ra O‘zbekiston Respublikasiga investitsiya kiritgan chet el fuqarolari va fuqaroligi bo‘lmagan shaxslarga ko‘p martalik uch yillik viza olish va uning amal qilish muddatini O‘zbekiston Respublikasi hududidan chiqish zaruratisiz cheklanmagan miqdorda uzaytirish huquqi berildi. Ushbu maqolada respublikadagi investitsion muhit va uni jozibadorligini oshirish masalalarini atloflicha tahlil qilish, shuningdek, induktsiya va deduktsiya, tizimli va qiyosiy tahlil, iqtisodiy statistik kabi usullardan keng foydalanildi. Bugungi kunda mamlakatimizda investitsion muhit va uning jozibardorligini yanada oshirish milliy iqtisodiyotimizni rivojlantirishida muhim o‘rin egallaydi. Buning asosiy sabablari bo‘lib quyidagilar:

birinchidan, ishlab chiqarish quvvatlarining eskirganligi, ularning qayta tiklashga yoki texnik jihatdan qayta jihozlashga yoki umuman yangilash kerakligi;

ikkinchidan, sanoat tarmog‘i moddiy texnika bazasining pastligi, zarar ko‘rib ishlaydigan korxonalarning mavjudligi;

uchinchidan, mamlakatimizning tabiiy boyliklarga boyligi va bu yerda koplab qayta ishlovchi korxonalarni qurish imkoniyatining mavjudligi;

to‘rtinchidan, qishloq hududlariga yaqin joylarda kichik zamonaviy ixcham korxonalarni barpo etish zarurligi;

beshinchidan, respublikamizda ko‘plab tayyor mahsulot ishlab chiqarish zarurligi va boshqalar hisoblanadi.

Fikrimizcha, to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilishdagi asosiy muammolardan biri bu qulay investitsiya muhitining yo‘qligi, ya’ni xususiy mulk huquqlarini tartibga solish va himoya qilish sohasining takomillashtirish bo‘lib hisoblanadi. Bunday holat iqtisodiy o‘sish sur’atlarini pasaytirishi mumkin. Davlat statistika qo‘mitasining ma’lumotlariga ko‘ra, 2021-yilda jami 10 milliard dollardan ortiq, jumladan, 8 milliard 100 million dollar to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiya o‘zlashtirilgan. Buning natijasida 318 ta yirik va 15

mingdan ziyod hududiy loyihalar amalga oshirilib, 273 mingdan ortiq ish o‘rni tashkil etilgan. Yangi korxonalar jami 1 milliard dollardan ziyod eksport va 530 million dollarlik import o‘rnini to‘ldirish imkoniyatiga ega. Shu bilan bir qatorda, to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarning yuqori texnologiyali va inson kapitaliga faol yo‘naltirilmaganligini ham ko‘rishimiz mumkin. 2022-yilda 9 milliard 500 million dollardan ziyod to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy sarmoyalarni o‘zlashtirish, 282 ta yirik va 9 mingdan ortiq hududiy loyihalar ishga tushirish mo‘ljallangan. Eksport hajmini 14 milliard dollarga yetkazish hisob-kitob qilingan.

2021-2023-yillarga mo‘ljallangan investitsiya dasturida Respublika xomashyo bazasini kengaytirish va uni qayta ishlashni chuqurlashtirish, yuqori qo‘shilgan qiymatli raqobatbardosh tayyor mahsulotlar ishlab chiqarish hajmlarini oshirish, iqtisodiyot tarmoqlariga to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar va yuqori texnologiyalarni keng jalb qilish, investitsiya loyihalarining ijtimoiy-iqtisodiy samaradorligini ta’minlash, shu asosda yuqori daromadli ish o‘rinlarini yaratish hamda hududlarni jadal ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish belgilangan. Jumladan: 928,3 trln so‘m miqdoridagi markazlashgan va markazlashmagan investitsiyalar, 37,5 mlrd AQSH dollari miqdoridagi xorijiy investitsiyalar o‘zlashtirilishini nazarda tutuvchi 2021-2023-yillarda kapital qo‘yilmalarni o‘zlashtirishning yig‘ma prognoz parametrlari; 226 ta yangi ishlab chiqarish quvvati va 34 mingdan ziyod ish o‘rni yaratilishini nazarda tutuvchi 2021-yilda yirik ishlab chiqarish obyektlari va quvvatlarini ishga tushirish bo‘yicha manzilli dasturi ma’qullangan. Ushbu me’yoriy hujjatga ko‘ra qurilish hamda to‘qimachilik sohasidagi ishlarni izchil davom ettirish maqsadida, 2021-2023-yillar uchun qiymati 109 trln. so‘mdan ziyod 1 ming 277 ta investitsiya loyihasi shakllantirilgan. Shundan deyarli 4,9 mlrd. dollari xorijiy investitsiya va kreditlarga to‘g‘ri keladi. Bu harakatlar 86 mingga yaqin ish o‘rni tashkil etish imkonini yaratadi. Ushbu dasturga muvofiq 2021-yil 1-yanvardan boshlab esa xalqaro moliya institutlari kredit mablag‘lari hisobiga amalga oshiriladigan loyihalar bo‘yicha yangi tizim yaratilib, har bir loyihada belgilangan mablag‘larni samarali taqsimlash va natijadorligini ta’minlash maqsadida «Loyiha ofislari» rahbar va xodimlarini malakasi oshirilib, o‘qitildi. 2022-2024-yillarga mo‘ljallangan investitsiya dasturida 1 trln. so‘m miqdoridagi markazlashgan va markazlashmagan investitsiyalar, jumladan 41,4 mlrd. AQSH dollari miqdoridagi xorijiy investitsiyalar o‘zlashtirilishi belgilangan. Bu esa o‘z navbatida 230 ta yangi ishlab chiqarish quvvati va 50 mingdan ziyod ish o‘rnini yaratish imkonini beradi.

Davlat statistika qo‘mitasi ma’lumotlariga ko‘ra, 2021-yilda O‘zbekiston Respublikasida asosiy kapitalga investitsiyalar quyidagicha bo‘lgan: asosiy kapitalga o‘zlashtirilgan jami investitsiyalar – 245 trln. so‘m, markazlashgan investitsiyalar – 44,8 trln. so‘m, markazlashmagan investitsiyalar – 200,2 trln. so‘m, asosiy kapitalga o‘zlashtirilgan xorijiy investitsiya va kreditlar – 104,5 trln. so‘m, O‘zbekiston Respublikasi kafolati ostidagi xorijiy kreditlar – 17,3 trln. so‘m, to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiya va kreditlar – 87,2 trln. so‘m bo‘lgan. Bugungi kunda O‘zbekiston iqtisodiyotiga 50 dan ortiq davlat investitsiya kiritmoqda. Strategik rivojlanish agentligi rahbari o‘rinbosari Aleksey Simning «Iqtisodiy sharh» nashriga bergan intervyusida bergan ma’lumotlariga ko‘ra 2021-yilda O‘zbekistonga eng ko‘p quyidagi davlatlar investitsiya kiritgan: Xitoy – 2,2 mlrd dollar; Rossiya – 2,1 mlrd dollar; Turkiya – 1,18 mlrd dollar; Germaniya – 800,7 mln dollar; Janubiy Koreya – 137,4 mln dollar.

2021-yil yakuniga ko‘ra, o‘zlashtirilgan xorijiy investitsiyalar hajmi 11,1 mlrd dollarni tashkil etib, yillik prognozga nisbatan 113 foizga bajarilgan. Shu jumladan, asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalar 9,8 mlrd dollarga yetgan (2020-yil ko‘rsatkichlariga nisbatan o‘sish sur’ati 110 foiz). To‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar (TTXI) va kreditlar 9 mlrd dollarga

yoki prognozga nisbatan 117 foizga, shu jumladan, asosiy kapitalga 2020- yilga nisbatan 124 foizlik o‘sish bilan 8,2 mlrd dollar o‘zlashtirilgan. Xalqaro moliya institutlari va xorijiy hukumat moliya tashkilotlari mablag‘larining o‘zlashtirilishi 2,1 mlrd dollar yoki yillik prognozning 100 foizini tashkil etgan. 2021-yilda TTXI va kreditlar hisobidan tarmoq korxonalari tomonidan 3,8 mlrd dollar yoki prognozga nisbatan 103 foizga, hududiy loyihalar bo‘yicha esa 5,2 mlrd dollar yoki prognozga nisbatan 130 foizga o‘zlashtirilgan. Investitsiyalarning asosiy hajmi energetika sektori, metallurgiya, kimyo sanoati, elektrotexnika mahsulotlari ishlab chiqarish, IT-texnologiyalar, qurilish, farmatsevtika, yengil sanoat, qishloq xo‘jaligi va boshqa sohalarga to‘g‘ri kelgan. 2021-yilda O‘zbekistonda 10 mlrd dollardan ortiq xorijiy investitsiyalar o‘zlashtirilib, 12 mlrd. dollarlik mahsulot va xizmatlar eksport qilingan. Prognozlashtirish va makroiqtisodiy tadqiqotlar institutining bergan ma’lumotlariga ko‘ra: “2022-yilning yanvar-mart oylarida asosiy kapitalga kiritilgan 50,1 trln. so‘m investitsiyalar o‘zlashtirilgan. Bu 2021-yilning mos davridagiga nisbatan 26,6 foiz ko‘p bo‘lib, YaIMning 30,8 foizini tashkil etdi. Investitsiyalarning asosiy qismi to‘g‘ridan-to‘g‘ri, kafolatlanmagan xorijiy investitsiyalar va kreditlar (43,2 foiz), korxona va aholi mablag‘lari (38,3 foiz) hisobidan moliyalshtirildi. Hukumat kafolati ostidagi xorijiy kreditlar 38,4 foizga qisqartirilganiga qaramay, to‘g‘ridanto‘g‘ri xorijiy investitsiyalar, boshqa xorijiy investitsiyalar va kafolatlanmagan xorijiy kreditlar hajmi 56,5 foizga keskin oshgani tufayli asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalarning 46,2 foizi tashqi resurslar hisobidan moliyalashtirildi. Tiklanish va taraqqiyot jamg‘armasi hisobidan investitsiyalarni moliyalashtirish hajmi 74,9 foizga qisqargani bois, davlat resurslarining asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalarni moliyalashtirishdagi ulushi ham pasayib ketdi. Aholi mabalag‘lari hisobidan moliyalashtirilgan investitsiaylar hajmi 3,4 foizga qisqargan bo‘lsada, korxona mablag‘lari va bank kreditlari hisobidan moliyalashtirilgan investitsiyalar hajmining ortishi ichki resurslar asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalarning eng yirik manbaiga qolishiga sabab bo‘ldi.” Xulosa va takliflar. Olib borilgan tadqiqotlar natijasida mamlakatimizga xorijiy investitsiyalarning investitsion mablag‘larini jalb etish bo‘yicha bir qator masala va muammolar mavjudligi aniqlandi.

Birinchidan, bank kredit tizimini yanada rivojlantirish masalasi;

Ҳар қандай фаолият нима бўлишидан қатъи назар, самарали натижа билан якунланиши лозим. Шундагина фаолиятни бошлаган кишининг ҳам, инвесторнинг ҳам, фаолият иштирокчиларининг ҳам, давлат ва жамиятнинг манфаатлари ҳам мос равишда қондирилади. Яна бир муҳим жиҳат шу натижага эришган субъектнинг (корхона, ташкилот, МЧЖ, акциядорлик жамияти, тармоқ ва ҳ.к.) рақобатбардошлиги ошади. Рақобатбардошликни оширишнинг бир қанча йўллари бор. Ҳозирги пайтда улардан бири турли соҳаларда кластер ва синертетика усулларидан ҳамкорликда фойдаланишдан иборат бўлмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 28 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Аграр тармоқда фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш билан бирга, пахта ва ғалла етиштиришни кластер шаклига босқичма-босқич ўтказиш бўйича изланишларимизни давом эттирамиз. Мева-сабзавот, шоличилик, чорвачилик, ипакчилик каби бошқа тармоқларда ҳам бугунги кун талабига жавоб берадиган кластерларни ташкил этиш ишларини давом эттирамиз. Бу йил 2 миллиард долларлик, кейинги 5-7 йилда эса 3-4 баробар кўп мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш учун маҳсулот етиштиришни кескин кўпайтириш чораларини кўриш зарур. Парламентимиз ушбу ислоҳотларимизнинг ҳуқуқий асоси бўлган “Кооперация ва кластерлар тўғрисида”ги янги қонунни тезроқ қабул қилса, ушбу катта режа ва ниятларимизга мос иш бўлур эди”[37], деб таъкидлаган эди. Бугунги кунда кластер усули кирмаган тармоқ қолмади, деса хато бўлмайди. Шу туфайли кооперация ва кластерлар тўғрисидаги қонунга ҳам эҳтиёж туғулмоқда. Ушбу далилларнинг ҳаммаси пировардида мазкур тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Бугунги кунда кластердан фойдаланиш нима учун керак, деган савол туғилиши табиий. Чунки ушбу янги синалмаган йўналиш бўлганлиги туфайли ҳамиша ҳам самара бериши мумкинми, деган яна бир қанча саволлар ҳам ўзининг жавобини кутмоқда. Тадқиқотларимиз кўрсатдики, кластер орқали кучлар бирлашади, бирлашган жойда натижага тезроқ эришилади. Зеро синергетик самарага эришиш жараёни юз беради. Бу ўз навбатида маҳсулотлар (иш хизматлар) таннархининг арзонлашишига, шу йўналишда фаолият кўрсатаётган субъектларнинг рақобатбардошлигининг мустаҳкамланишига олиб келади. Бу жараён пировардида аҳоли фаровонлигини таъминлаш имкониятини яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти “аҳоли даромадларини кўтариш борасида белгилаб олинган мақсад-мудаоларимизга эришиш учун “хом ашёдан – таёр маҳсулотгача” тамойили асосида кластер тизими ривожлантирилишини алоҳида

[37] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 28 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.// “Халқ сўзи” газетаси 2020 йил 30 январь.- 1-3 бетлар.

таъкилади”[38]. Чунки “Биз учун стратегик тармоқ бўлган қишлоқ хўжалиги самарадорлигини тубдан ошириш ва уни диверсификация қилиш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, аграр соҳани ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кластер асосида қайта ишлаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш долзарб вазифаларимиз бўлиб қолади”[39]. Демак жуда кўп муаммоларимизни ҳал қилишда кластер усули мамлакатимиз учун қўл келмоқда.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, кластер ва синергетикадан фойдаланиш самарадорлигини оширишда ўзаро боғлиқ бўлган МФКССН моделининг имкониятларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ экан. Шу туфайли МФКССН моделини ишлаб чиқдик. Унинг мазмунига тўхталадиган бўлсак, у қуйидагилардан иборат. М – манфаат, Ф – фаолият, К – кластерни қўллаш, С – синергетикадан фойдаланиш, С – самарадорликка эришиш, Н – натижанинг юқори бўлишлиги. Бунинг ўзаро боғлиқлиги қуйидаги расмда келтирамиз (3.1-расм).



3.1-расм. Кластер ва синергетик самараларидан фойдаланиб юқори самарадорликка эришишга қаратилган омилларнинг ўзаоро боғлиқлиги

Мамлакатимизда кластер усулидан фойдаланиш бўйича жуда катта чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Чунки кластер орқали кучларни бирлаштирган ҳолда синергетик самарадорликка эришишнинг муҳим омили ҳисобланади. Олдинлари қишлоқ хўжалиги фақат озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириб, аҳолининг талабини қондириб келган бўлса, эндиликда ушбу соҳа маҳсулотларни етиштириш билан бирга, бунга кластер усулини жорий қилиб, уни қайта ишлаш, сақлаш, экспорт қилиш, сотиш каби жараёнларни ҳам мувоффақиятли бажариб келмоқда. Шу туфайли ушбу омилларнинг ўзаоро боғлиқлигидан фойдаланиб юқори самарадорликка эришишга қаратилган инновацион модель ишлаб чиқилди. Ушбу моделга киритилган барча фаолият, жараён омилларнинг изоҳини беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Бу қуйидаги жадвалда келтирилган (3.1-жадвал).

[38] Мансур Эшов. Бозор иқтисодиётининг синалган ва самарали усули.// “Халқ сўзи” газетаси. 231-сон. 2021 йил 13 ноябрь. – 2 бет.
[39] Ўша жойда. – 2 бет.

3.1-жадвал

МФКССН моделининг таркиби ва уларнинг изоҳи

/р	Моделдаги фаолият ва жараён турлари	Моделдаги фаолият ва жараён турларининг изоҳи
.	М - манфаат	Ҳар қандай ишни бошлашдан мақсад маълум даражада манфаат олишдан иборат. Манфаат бўлмаса ҳеч қандай фаолият ҳам бўлмайди ва мос равишда кластер, синеретика усулларини қўллаш бўйича бош ҳам қотирилмайди. Шу туфайли ҳар бир ишнинг бошланишида манфаатдорлик ётгани каби кластер ва синергетикадан фойдаланишда ҳам манфаатдорлик юқори ўринни эгаллайди.
.	Ф – фаолият	Иқтисодиётнинг турли соҳаларида (ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, моддий ва номоддий неъматларни яратиш ва ҳ.к.) олиб бориладиган фаолиятни олиш мумкин. Орзуларнинг ошишида фаолият кўрсатилмаса, ҳеч қандай манфаатдорлик амалга ошмайди. Бунда тадбиркорнинг, ишловчи ходимнинг, кластер ёки синергетик субъектларнинг, давлат ва халқнинг манфаатлари ётади. Шу туфайли ҳамма субъектлар фаолиятни амалга оширишга манфаатдор.
.	К – кластер-ни қўллаш	Танланган фаолиятнинг бошланишидан то охирги натижасига қадар (масалан, даладан дастурхонгача) битта субъектнинг масъуллиги ва унинг бутун фаолият занжирини назорат қилишини таъминлаш учун кластер усулидан фойдаланилади. Ушбу услда барча босқичларда маҳсулотлар бир-бирига сотилмайди, балки бир-биридан ўтказилиб борилади. Натижада маҳсулот (хизматлар)нинг арзонлиги таъминланади ва шунга мос равишда рақобатбардош-лиги ҳам мустаҳкамланади. Олинган фойда ҳар бирининг ҳиссасига мос равишда тенг тақсимланади. Бу рақобатда ўта муҳим саналади.
.	С – синерге-тикадан фойдаланиш	Кластер йўли билан самарали мақсадга эришиш учун турли кучлар бирлаштирилади ва ҳаммасининг бир хил тизимда ўз функциясини тизимли равишда бажариш йўлга қўйилади. Келажакда рақобатбар-дошликни мунтазам таъминлаб бориши учун доимий равишда ишларни такомиллаштириб боради. Бунинг натижасида синергетик самарага эришилади.
.	С – самара-дорликка эришиш	Ушбу тизимдаги барча ҳаракатлар юқори самарадор-ликка эришишга қаратилган. Чунки натижадан ҳамма иштирокчилар манфаатдор бўлганлиги туфайли, улар барча кучларни бирлаштириб, тежамкорликка, натижадорликка ҳаракт қилади. Бунинг натижасида субъектнинг самарадорлиги ошиши билан бирга рақобатбардошлиги ҳам ошиб боради.
.	Н – натижа-нинг юқори бўлишлиги	Юқоридаги жараёнлар ва омилларнинг барчаси фаолиятнинг натижадорлигини таъминлаш имкони-ятини яратади. Бу эса ўз навбатида субъектларнинг рақобатбардошлигини ошириш билан бирга барча иштирокчиларнинг манффатдолгини ҳам таъминлайди.

Бугунги кунда мамлакатимизда “Янги Ўзбекистон”ни шакллантириш борасида қизғин ишлар амалга оширилмоқда. Бунда нафақат давлат ислоҳотчи, балки жамият ислоҳотлар ташаббускори сифатида майдонга чиқмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 28 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Биз янги Ўзбекистонни халқимиз билан биргаликда барпо этамиз, деган улуғвор мақсадни ўз олдимизга қўйганмиз. Бу борада “**Жамият – ислоҳотлар ташаббускори**” деган янги ғоя кундалик фаолиятимизга тобора чуқур кириб бормоқда. Ислоҳотларнинг амалий натижадорлигини оширишда, жойларда янги ташаббусларни илгари суришда аҳолимизнинг янада фаолроқ, янада ташаббускор бўлишига эришмоғимиз лозим. Энг асосийси, бу ислоҳотлар натижасида халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиб беришимиз керак. Одамларимиз етарли даромад топиши учун энг қулай бизнес ва инвестиция муҳитини шакллантириб, янги-янги корхоналар ва иш жойларини кўпайтиришимиз зарур. Бу ғоят долзарб ишларни ўзимиз қилмасак, ҳеч ким бизга четдан келиб қилиб бермайди”[40], деб таъкидлаган эди. Бу ишларни амалга оширишда ҳам асосий ташаббускор ҳақиқатда жамиятнинг ўзи бўлмоқда. Чунки кластерларнинг деярли ҳаммаси хусусий мулкка асосланган ҳолда ташкил қилинмоқда ва фаолият кўрсатмоқда. Зарур ҳолларда уларга тижорат банкларидан кредит берилмоқда.

Бугунги кунда ҳамма шуни яхши билиши керакки, “Янги Ўзбекистон”ни қуриш ўзидан ўзи амалга ошиб қолмайди. Бунинг учун инсон тафаккури ва дунёқараши ҳам ўзгариши керак. Чунки илғор технологияларни, роботларни хориждан импорт қилиб олиб келтириб ишга тушурсак, бу орқали иқтисодиётда жуда тез ривожланишга эришамиз. Аммо инсоннинг онги, тафаккури ва дунёқарашини импорт қилиб олиб келиб тезда ўзгартириб бўлмайди. Бу борада олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Чунки мана мустақиллика эришганимизга 30 йилдан ошди, аммо ҳамон эски тоталитар замоннинг тафаккуридан, дунёқараши ва мафкурасидан тўлиқ қутила олган эмасмиз. Биз бугун барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, қадриятларимизга амал қилсак, иймон-эътиқодни тиклай олиш билан бирга замонавий билимларни эгалласак, ишимизни мукаммал ва унумли бажарсак, коррупциясиз жамиятни шакллантириб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради. Бироқ бу унчалик осон кечмайди.

Муҳтарам Прехидентимиз таъкидлаганидек, “Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради. Шу билан бирга, мени жуда қаттиқ ташвишга соладиган ва безовта қиладиган энг оғир иллат – коррупция балосини йўқотишда ҳам улар самарали воситадир. Буни барчамиз теран англаб олишимиз даркор”. Чунки, бугунги кунда ҳам коррупция элементлари турли ноқонуний ҳаракатлар содир бўлмоқда. Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан 2021 йилнинг 9 ойида бюджет интизомига риоя этилиши ва бюджет маблағларнинг мақсадли фойдаланилиши юзасидан ўтказилган назорат тадбирларида аниқланган. “Молия вазирлиги ахборот хизмати хабарига кўра, тадбирларда аниқланган камомад ва ўзлаштиришлар 83,7 млрд сўмни, бюджет маблағларидан асоссиз ва ортиқча тўловлар 457,7 млрд сўмни ва мақсадсиз харажатлар 187,3 млрд сўмни ташкил этган. Ҳисобот даврида 365 млрд сўм миқдоридаги бюджет маблағларининг ноқонуний сарфланиши олди олинган”[41]. Кўзриниб турибдики, бу борада ҳали қилинадиган ишларимиз жуда кўп.

Ачинарли жиҳатлари шундаки, ноқонуний ўзлаштириш ҳолатлари, шунчалик чора-тадбирларнинг қўлланилишига қарамасдан, камайиш ўрнига кескин ошиб бормоқда. Бу борадаги “аниқланган пул маблағлари ва моддий бойликларнинг камомади ҳамда ноқонуний ўзлаштириш ҳолатлари (83,7 млрд сўм) 2020 йилнинг 9 ойига (28 млрд сўм)

[40] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 28 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.// “Халқ сўзи” газетаси 2020 йил 30 январь.- 1-3 бетлар.
[41] https://kun.uz/53617426. 08:14 / 30.10.2021.40597

нисбатан 3 мартага ошган”[42]лиги тўғрисида маълумотлар келтирилган. Ушбу кўрсаткичлар тегишли вазирликлар кесимида ҳам келтирилган. Умумий таҳлиллардан кўриниб турибдики, деярли барча бюджет мамлағлари билан таъминланадиган вазирликлар ушбу рўйхатдан жой олган. Шунингдек, ҳокимликларнинг ободонлаштириш бошқармаларида ҳам бундай ҳолат сусайган эмас. Ушбу бошқармаларда жами 2,5 млрд сўм ўзлаштирилган. Бу 2020 йил 9 ойда 1 млрд сўм бўлган. Демак, бу ерда ҳам ўсиш 2,5 баробарни ташкил қилмоқда.

Булардан ташқари “ўтказилган назорат тадбирлари натижасида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг асоссиз ортиқча тўланиши, қурилиш таъмирлаш ишларида нархларнинг ошириб қўлланилиши ва бажарилмаган иш ҳажмларини қўшиб ёзиш, товар моддий қийматликларни қиммат нархда харид қилиш каби 457,7 млрд сўмлик молиявий хато ва камчиликлар аниқланган. Бу ҳолатлар 2020 йилнинг 9 ойига (101,4 млрд сўм) нисбатан 4,5 мартага ошган”[43]. Буларнинг олдини олиш ва барҳам бериш мумкинми, деган ҳақли савол туғулади. Коррупция бор жойда рақобат ҳақида гапиришнинг ўзи ортиқча. Чунки ҳақиқий рақобатда ютишни истаган тадбиркор межозини алдамайди, унга хиёнат қилмайди, това (иш, хизмат)лар сифатини пасайтирмайди. Буларнинг ҳаммаси ҳалоликни ташкил қилади. Демак рақобат муҳити яхши бўлиш учун ҳам ҳалоллик устувор бўлиши керак экан. Бу ҳақда “Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари”[44] номли монографиямизда батафсил айтилган.

Коррупция бор жойда ҳалоллик бўлмайди. Шу туфайли ушбу иллатни батомом тугатиш чораларини кўриш лозим бўлади. Президентимиз таъкидлаганидек, “Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “**ҳалоллик вакцинаси**” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак”[45]. Бу борада етарлича маълумот биз ишлаб чиққан “Ҳалоллик вакцинаси” билан эмлаш – инсон вужуди ва сийратини поклаш демакдир”[46] мавзусидаги илмий тавсияда берилган.

Бу борада Абдуллоҳ разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ушбу ҳадисни келтирамиз: “**Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассаллам дедилар: “Ҳалол касб талаб қилиш фарздан кейинги фарздир**”. Кўриниб турибдики ҳалол касбни “фарздан кейинги фарздир”, деб айтилмоқда. Шунингдек, уломаларимиз “Ҳалол касб ҳар доим жорий бўлиб турувчи, фарзлиги доимий бўлган, барча фарзлар адо бўлгандан кейин ҳам фарз бўлиб турувчи фарздир”, деб таъкидлаганлар. Демак шаърий манбаларда ҳалоллик фарз экан. Бугунги кунда, яъни асл қадриятларимиз тикланаётган янги Ўзбекистонда “Ҳалоллик вакцинаси” ҳар бир инсон учун, жамиятимиз учун тан олиниши лозим бўлган ўта зарур амаллардандир. Ҳар бир одам ҳалолликка амал қилиш учун маънавий соғлом бўлиши керак. Айнан шунинг учун ҳам “Ҳалоллик вакцинаси” билан эмланиши керак. Юқорида келтирилган молиявий соҳадаги ноқонуний ҳаракатлар ҳам инсонлар томонидан содир этилган. Улар ҳалоликни фарз сифатида тан ҳам олмаган кимсалардир. Ҳалолликни англаш учун ҳам инсонда иймон бутун бўлиши керак.

Бизнинг фикримизча, кластер усулида иш жараёнлари занжири ташкил қилинади ва турли касб эгаларидан таркиб топган жамоа тўпланади. Бунда бир-бирини алдаш, ноқонуний ҳаракатларга бироз чек қўйилади. Кўпчилик тўпланган жойда ҳаммаси ҳам

---

[42] Ўша жойда.
[43] Ўша жойда.
[44] Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. Монография. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2007. – 97-122 бетлар.
[45] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 28 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.// “Халқ сўзи” газетаси 2020 йил 30 январь.- 1-3 бетлар.
[46] Пардаев Мамаюнус. “Ҳалоллик вакцинаси” билан эмлаш – инсон вужуди ва сийратини поклаш демакдир. – Самарқанд, самИСИ, 2021. – 44 бет.

қонунбузарликка мойил бўлмаса керак. Уларнинг ичида ҳалоликни фарз деб билгувчилар албатта топилади. Бу жамоавий назоратнинг бир кўриниши сифатида намоён бўлади. Демак, қонунбузарликларнинг олдини олишда ҳам кластер усули маълум даражада хизмат қилиши мумкин. Кластер усули орқали синергетик самара вужудга келади. Чунки инсонлар, аниқроғи ходимларнинг бир жойга жам бўлишининг содир бўлиши ҳам коррупциянинг олдини олишга бир омил сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган **хулоса ва тавсияларимиз** қуйидагилардан иборат:

1. Ўқув муассасаларининг барча босқичларида жорий қилинган “Тарбия” фанига “Ҳалоллик вакцинаси” ва у билан эмаланиш лозимлигини атрофлича ўргатадиган қисмни киритиш керак.

2. Ходимларни, айниқса раҳбар ходимларни “Ҳалоллик вакцинаси” билан эмалаш тадбирларини мунтазам ўтказиб бориш керак. Ҳаромдан топилган бойликдан инсон икки дунёсида ҳам ялчимаслигини, охиратда катта зарарлигини сингдириш лозим бўлади.

3. Ҳозирги ташкил қилинаётган кластер субъектларида барча бўғинларда фаолият кўрсатаётган ходимларининг ҳам “Ҳалоллик вакцинаси” билан эмлаш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, кластер ва синергетикадан фойдаланиш самарадорлигини оширишда МФКССН моделининг имкониятлари катта экан. Шу йўл билан нафақат ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) самарадорлигининг оширилишига, балки шу соҳада фаолият кўрсатадиган субъектлар рақобатбардошлигини мустаҳкамлашга, коррупциянинг олдини олиш эвазига турли ноқонуний ҳаракатларнинг барҳам топишига ҳам хизмат қилади.

Алиева С.С.,
к.э.н., доцент,
Самаркандский институт экономики и сервиса

ЗЕЛЕНЫЕ ОБЛИГАЦИИ КАК ИНСТРУМЕНТ ФИНАНСИРОВАНИЯ

Аннотация. *В работе рассматривается эволюция и развитие рынка «зеленых» облигаций в мобилизации финансирования адаптации и смягчения последствий при реализации борьбы с негативными последствиями изменения климата. Также подробно раскрыты условия, а именно принципы, которым должны соответствовать проекты «зеленого» финансирования, поскольку в целом подобные проекты могут быть как «социальными», так и проектами «устойчивого развития», однако, их статус все же различен. По итогам проведенного исследования, автором сформулирован вывод о том, что данный рынок является эффективным способом привлечения финансирования на рынок «зеленых» инвестиций и дана рекомендация по использованию в Узбекистане в качестве инструмента развития «зеленой» экономики.*

Ключевые слова: *«зеленые» облигации, «зеленая» экономика, «зеленые» инвестиции, эволюция рынка «зеленых облигаций», механизм работы «зеленых» облигаций, Принципы зеленых облигаций.*

Abstract. *The paper examines the evolution and development of the green bond market in mobilizing financing for adaptation and mitigation while combating the negative impacts of climate change. The conditions are also disclosed in detail, namely the principles that green financing projects must comply with, since in general such projects can be both “social” and “sustainable development” projects, however, their status is still different. Based on the results of the study, the author formulated the conclusion that this market is an effective way to attract financing to the green investment market and made a recommendation for use in Uzbekistan as a tool for the development of the green economy.*

Key words: *"green" bonds, "green" economy, "green" investments, evolution of the "green" bond market, mechanism of work of "green" bonds, The Green Bonds Principles.*

Annotatsiya. *Maqola iqlim o'zgarishining salbiy ta'siriga qarshi kurashda moslashish va yumshatish uchun moliyalashtirishni safarbar qilishda yashil obligatsiyalar bozorining evolyutsiyasi va rivojlanishini o'rganadi. Shartlar, ya'ni yashil moliyalashtirish loyihalari mos kelishi kerak bo'lgan*

tamoyillar ham batafsil ochib berilgan, umuman olganda, bunday loyihalar ham "ijtimoiy" ham, "barqaror rivojlanish" loyihalari bo'lishi mumkin, ammo ularning holati hali ham boshqacha. Muallif tadqiqot natijalariga asoslanib, ushbu yashil obligatsiyalar investitsiya bozoriga moliyalashtirishni jalb qilishning samarali usuli degan xulosaga keldi va O'zbekistonda yashil iqtisodiyotni rivojlantirish vositasi sifatida foydalanish bo'yicha tavsiya berdi.

***Kalit so'zla**r: yashil obligatsiyalar, yashil iqtisodiyot, yashil investitsiyalar, yashil obligatsiyalar bozori evolyutsiyasi, yashil obligatsiyalar mexanizmi, yashil obligatsiyalar tamoyillari.*

Изменение климата во всем мире заставляет страны искать способы уменьшить его негативное влияние на людей сейчас и в будущем. Одним из таких способов является внедрение технологий, которые не загрязняют окружающую среду.

Зеленые облигации — это долговые инструменты, которые используются для финансирования проектов, связанных с охраной окружающей среды. Такие облигации стали популярными в последние годы, поскольку все больше инвесторов хотят поддержать компании, которые заботятся об окружающей среде. Компании выпускают «зеленые» облигации, чтобы привлечь деньги на экологические проекты. Эти облигации соответствуют строгим стандартам Международной ассоциации рынков капитала (ICMA). Благодаря высокому спросу на «зеленые» облигации, компании могут получить финансирование по более низким ставкам, чем по обычным долговым бумагам. Это помогает им сэкономить средства и повысить свою репутацию как экологически ответственных компаний. Компании, выпускающие «зеленые» облигации, должны использовать полученные средства строго по назначению и предоставлять полную информацию о ходе реализации проекта.

2008	•Первый информационный бюллетень ВБ для инвесторов в «зеленые» облигации
2009	•Первый информационный бюллетень ВБ для инвесторов в «зеленые» облигации
2010	•Создан Зеленый климатический фонд ООН
2011	•G20, МВФ и ОЭСР официально признали потенциал рынка зеленых облигаций
2013	•Первые корпоративные «зеленые» облигации
2014	•Принципы «зеленых» облигаций
2015	•Публикация первых согласованных отчетов о вкладе "зеленых" облигаций
2016	•Первые суверенные «зеленые» облигация. Китай создает исследовательскую группу по зеленым финансам G20
2017	•Первый «зеленый» Сукук
2023	•С момента создания рынка в 2008 году их совокупная эмиссия превысила 2 трлн долларов, а к 2025 году она может достигнуть 5 трлн долларов.

Рис. 1. Эволюция развития «зеленых облигаций»[47]

«Зеленые» облигации не предлагают инвесторам особых финансовых преимуществ по сравнению с классическими бумагами. Они могут быть интересны только в случае высокой доходности. Основное преимущество «зеленых» облигаций заключается в их социальной функции: они позволяют инвесторам участвовать в финансировании проектов, направленных на улучшение окружающей среды. «Зеленая» повестка остается

[47] THE WORLD BANK GREEN BOND IMPACT REPORT 2018. – P.5 https://thedocs.worldbank.org/en/doc/632251542641579226-0340022018/original/reportimpactgreenbond2018.pdf

актуальной независимо от экономической ситуации. «Зеленые» облигации могут сделать портфель инвестора более устойчивым к колебаниям цен на сырьевые товары и защитить инвестиции от снижения стоимости активов в сырьевом секторе.

История «зеленых» облигаций относительно коротка, но она уже привлекла внимание многих ученых. Исследователи пришли к выводу, что «зеленые» облигации дают эмитентам возможность привлечь средства для финансирования проектов в области охраны окружающей среды, а инвесторам — диверсифицировать свои портфели и внести вклад в решение проблемы изменения климата.

Банга Дж.[48] считает, что рынок «зеленых» облигаций растет как в развитых, так и в развивающихся странах. Однако в развивающихся странах рынок находится в начальной стадии развития, и его потенциал недооценен.

К основным четырем компонентам Принципов зеленых облигаций (GBP) относятся:

1. Использование средств. Этот принцип означает, что деньги, полученные от продажи «зеленых» облигаций, должны быть использованы для финансирования конкретных экологических проектов. Эти проекты должны быть подробно описаны в проектной документации, чтобы инвесторы могли убедиться, что их деньги используются по назначению.

Этот принцип также распространяется на рефинансирование существующих экологических проектов. В этом случае эмитент должен предоставить информацию о том, как средства использовались в прошлом, чтобы инвесторы могли оценить эффективность проекта.

«Зеленые» проекты — это проекты, которые направлены на защиту окружающей среды. Они могут включать в себя следующие активы, инвестиции и расходы:

Возобновляемая энергетика (все аспекты): строительство и модернизация объектов возобновляемых источников энергии, таких как солнечные, ветряные, гидро- и геотермальные электростанции.

Энергоэффективность в различных технико-технологических аспектах: внедрение энергосберегающих технологий в промышленности, строительстве, транспорте и других сферах экономики.

Экологически устойчивое землепользование: сохранение и восстановление лесов, рациональное использование сельскохозяйственных земель, предотвращение загрязнения почвы и воды.

Защита растений: внедрение методов защиты растений, которые не наносят вреда окружающей среде.

Капельное орошение: внедрение капельного орошения, которое позволяет сократить расход воды.

Экологически устойчивое лесное хозяйство: ведение лесного хозяйства таким образом, чтобы не нарушать баланс экосистем.

Животноводство: внедрение методов животноводства, которые не наносят вреда окружающей среде.

Рыбоводство: внедрение методов рыбоводства, которые не наносят вреда окружающей среде.

Электрический, гибридный общественный транспорт с сокращением выбросов вредных веществ: внедрение электрического и гибридного общественного транспорта, который снижает выбросы вредных веществ в атмосферу.

Создание и надлежащее содержание мелиоративных сооружений: строительство и ремонт мелиоративных сооружений, которые позволяют предотвращать засоление и опустынивание земель.

[48] Закон Республики Узбекистан № ЗРУ-491 от 10 октября 2018 года «О ратификации Парижского соглашения».

Бережное отношение к водным ресурсам: внедрение методов использования воды, которые позволяют сократить ее потребление.

Предупреждение или снижение вредного воздействия на изменение климата: внедрение методов, которые позволяют снизить выбросы парниковых газов и предотвратить изменение климата.

Очистительные сооружения для воды: строительство и модернизация очистных сооружений для воды, которые позволяют очищать воду от загрязнений.

Предупреждение загрязнения воды: внедрение методов, которые позволяют предотвращать загрязнение воды.

Создание и использование повторно применяемых, перерабатываемых и восстановленных материалов: использование материалов, которые можно повторно использовать, переработать или восстановить, вместо материалов, которые после использования становятся отходами.

«Зеленые» здания, которые соответствуют национальным или международным стандартам экологических показателей: строительство и реконструкция зданий с учетом экологических требований.

Этот список не является исчерпывающим, и он может быть дополнен другими видами проектов, которые приносят пользу окружающей среде.

Принципы зеленых облигаций не устанавливают конкретных технологий или стандартов для «зеленых» проектов. Однако существует несколько международных и национальных инициатив по созданию таксономий, которые могут помочь инвесторам и эмитентам «зеленых» облигаций определить, какие проекты соответствуют критериям «зелености».

Таксономии продолжают разрабатываться и совершенствоваться. Заинтересованные лица могут использовать таксономии, представленные на веб-сайте ICMA (https://www.icmagroup.org).

2. Процесс оценки и отбора проектов

Эмитентам «зеленых» облигаций необходимо предоставить инвесторам информацию о том, как они планируют использовать средства, полученные от размещения облигаций, для достижения экологических целей. Эта информация должна включать в себя конкретные цели, критерии отбора проектов, оценку рисков и соответствие проектам национальным и международным стандартам.

3. Управление средствами

Как правило, средства, полученные от размещения «зеленых» облигаций, должны поступать на отдельный счет и учитываться отдельно от других операций. Способ учета должен быть четко определен в внутренней процедуре, которая должна быть разработана эмитентом.

Эмитент обязан информировать инвесторов о том, как он размещает средства, полученные от размещения «зеленых» облигаций, и как он использует доходы от реализации «зеленых» проектов. При учете доходов может использоваться два подхода: поэтапный подход, при котором доходы учитываются по каждой облигации, и портфельный подход, при котором доходы учитываются по портфелю облигаций.

«Зеленые» проекты должны быть прозрачными и понятными. Это требование закреплено в принципах «зеленых» облигаций и должно соблюдаться при управлении средствами, полученными от их размещения.

4. Отчетность

Эмитент обязан формировать отчетность о реализации «зеленых» проектов и регулярно обновлять ее до полного завершения проекта. Ежегодный отчет должен содержать список проектов, на которые были направлены средства, полученные от размещения «зеленых» облигаций, а также краткую характеристику этих проектов, включая сумму инвестированных средств.

При этом принципы «зеленых» облигаций рекомендуют предоставлять эту информацию в обобщенном виде, на основе портфельного подхода. Это связано с тем, что в некоторых случаях информация о конкретных проектах может быть конфиденциальной. При этом прозрачность и высокая конкретика касаются экологического воздействия проектов на окружающую среду.



Рис. 2. Динамика выпуска зеленых облигаций в 2022 г. (трлн. долларов США)[49]



Рис. 3. Рэнкинг ТОП-15 (из 500) эмитентов зеленых облигаций, янв-окт 2023, на 03.11.2023[50]

Объем выпуска устойчивых облигаций в мире за первые шесть месяцев 2023 года составил более полумиллиарда долларов. Это на 18,6% больше, чем за аналогичный период прошлого года. Основным драйвером роста стал выпуск «зеленых» облигаций, которые предназначены для финансирования проектов, способствующих защите окружающей среды. В июне 2023 года было выпущено рекордные 53,6 миллиарда долларов в рамках «зеленых» облигаций.

Государственный сектор занял наибольшую долю рынка устойчивых облигаций. В июне 2023 года правительства Германии и Франции выпустили облигации на общую сумму 28,2 миллиарда долларов.[51]

[49] https://tp-bioenergy.ru/sitenews/Obiem-vypuska-zelenyh-obligacij-prevysil-500-mlrd-dollarov/
[50] https://cbonds.ru/rankings/847/2609/

Продажи «зеленых» облигаций в первой половине 2023 года составили рекордные 351,9 миллиарда долларов, что на 22,2% больше, чем за аналогичный период 2022 года.

В апреле правительство Италии выпустило крупнейшие «зеленые» облигации года на сумму 10 миллиардов евро.

Также наблюдался рост выпуска социальных облигаций. Продажи социальных облигаций выросли до 79,5 миллиарда долларов, что на 16,7% больше, чем за первую половину 2022 года.

Второй квартал 2023 года стал самым активным для выпуска социальных облигаций с момента второго квартала 2021 года, когда заемщики привлекли 59 миллиардов долларов.

Этот рост связан с восстановлением предложения после значительного всплеска выпуска социальных облигаций в конце 2020 и начале 2021 года, когда заемщики бросились финансировать помощь в связи с последствиями пандемии.

Компания La Caisse d'amortissement de la dette sociale (CADES), принадлежащая правительству Франции, обеспечила четверть всех выпусков социальных облигаций в первой половине 2023 года, включая крупнейший разовый выпуск за год в январе на 5 миллиардов евро.[52]

Глобальные индексы облигаций «зеленых», социальных и устойчивых (GSS) от Bloomberg - это надежный инструмент для оценки мирового рынка облигаций, направленных на устойчивое развитие.

За первые шесть месяцев 2023 года доходность индекса GSS составила 3,79%, что примерно на 236 базисных пунктов выше, чем доходность Глобального индекса Agg. Это означает, что инвесторы, которые предпочитают инвестиции, ориентированные на устойчивое развитие, получили более высокую доходность, чем инвесторы, которые не делали таких предпочтений.

Таблица 1

Сводка общего объема выпуска ESG за первое полугодие 2023 года[53]

	H1 Issuance	2022 H1 Issuance	YoY Change
Green Bonds	384.6 bn	325.5 bn	+18.2%
Social Bonds	86.1 bn	76.0 bn	+13.3%
Sustainability Bonds	103.6 bn	94.2 bn	+10.0%

Узбекистаном особый подход к перспективе выпуска «зеленых» облигаций был выбран с момента ратификации в 2018 г. Парижского соглашения об изменении климата от 12.12.2015 г. Одной из основных рекомендаций Оценки финансирования развития ПРООН по использованию частного финансирования ЦУР был выпуск «зеленых» облигаций с целью стимулирования инвестиций частного сектора в инфраструктуру[54].

Альтернативная энергетика является тенденцией развития энергетического комплекса многих стран мира, в частности всех, кто, как и Узбекистан присоединился (ратифицировал Соглашение в 2018 г.) к Целям в области устойчивого развития ООН до

---

[51] Рейтинговые таблицы Bloomberg: Выпуск "зеленых", социальных и устойчивых облигаций в первом полугодии 2023 года. https://translated.turbopages.org/proxy_u/en-ru.ru.4b92a09d-6565e5a9-3ca1b8a1-74722d776562/https/www.bloomberg.com/professional/blog/green-bonds-boom-in-first-half-of-2023/

[52] Там же

[53] Green bonds boom in first half of 2023. https://translated.turbopages.org/proxy_u/en-ru.ru.4b92a09d-6565e5a9-3ca1b8a1-74722d776562/https/www.bloomberg.com/professional/blog/green-bonds-boom-in-first-half-of-2023/

[54] Аналитический отчёт «Оценка финансирования развития для Республики Узбекистан» в рамках реализации совместного проекта Программы Развития ООН и Министерства финансов Республики Узбекистан. UNDP, 2021 (www.uz.undp.org)

2030 года (2015 г.) и Парижскому соглашению об изменении климата (12.12.2015 (разработано), 22.04.2016 (подписано)).

В Узбекистане не менее 300 дней в году являются солнечными. В связи с этим **к 2030 году** страна ***планирует*** получать **более четверти электричества из ВИЭ.**

К 2030 году планируется (см.: рис. 4.):

- снижение выбросов парниковых газов на единицу ВВП на 35 % от уровня 2010 года;
- доведение доли ВИЭ до более 30 процентов;
- повышение энергоэффективности в промышленности не менее чем на 20%;
- снижение энергоемкости, на единицу ВВП на 30%;
- повышение эффективности водопользования во всех отраслях экономики;
- расширение зеленых зон в городах до более 30%; увеличение лесного фонда республики до более 90 млн. куб.м;
- увеличение уровня переработки бытовых отходов до более 65 %.



Рис. 5. Концепция развития энергетической отрасли РУз на 2020–2030 годы[55]

Предусмотрены следующие меры по финансированию возведения источников «зеленой» энергетики:

- 30% затрат на приобретение СФС, солнечных водонагревателей, а также энергоэффективных газогорелочных устройств компенсируется для физических лиц, в пределах:

3 млн. сумов – для солнечных фотоэлектрических станций;

1,5 млн. сумов – для солнечных водонагревателей;

200 тыс. сумов – для газогорелочных устройств;

- компенсируется покрытие расходов на проценты по кредитам коммерческих банков на приобретение установок ВИЭ, энергоэффективных газогорелочных устройств и

[55] Возобновляемые источники энергии к 2030 году должны закрыть около 15% энергобаланса РУз. https://uz.kursiv.media/2021-07-29/vozobnovlyaemye-istochniki-energii-k-2030-godu-dolzhny-zakryt-okolo-15/

котлов, а также другого энергоэффективного оборудования для физических и юридических лиц:

физическим лицам – по кредитам не более 500 млн. сумов – на объем, который превышает основную ставку Центрального банка Республики Узбекистан, но не более чем на 8 %;

юридическим лицам – по кредитам не более 5 млрд. сумов, – в части, превышающей основную ставку Центрального банка Республики Узбекистан, но не более чем на 5 %.

Узбекистан разместил свои первые «зелёные» бонды на 4,25 трлн сумов. В ходе размещения «зелёных» облигаций было привлечено 4,25 трлн сумов сроком на три года (2026-2028 гг). За счёт высокого спроса со стороны покупателей купонную ставку снизили с 18% до 16,25% годовых.

«зелёные» суверенные бонды Узбекистана стали первыми в СНГ. Часть привлечённых средств пошла на досрочное погашение ранее эмитированных ценных бумаг на 1,9 трлн сумов, срок которых подходил 23 ноября.

В перспективе на наш взгляд, необходимо:

- Обеспечить выпуск корпоративных «зеленых» облигаций;
- «Зеленые» облигации могут стать надежным инструментом и для инвестирования сбережений населения, для которых характерны относительно высокие норма и темпы роста;
- Участвовать в финансировании разработок, связанных с повышением уровня КПД солнечных панелей
- Участвовать в финансировании разработок, связанных с переработкой солнечных панелей и связанных с ними сопутствующих установок.

Собиров Илхом
Сам ИСИ, ўқитувчи
Нишонов Жаъфар
Самарқанд Иқтисодиёт ва Сервис институти магистранти.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ТЎЛОВ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: *Мақолада рақамли иқтисодиётга ўтиш жараёнида тижорат банкларида тўлов тизимини такомиллаштиришнинг моҳияти, мамлакатимизда тўлов тизимини ривожланиш даражаси бўйича маълумотлар келтирилиб, ҳозирги глобаллашув шароитида мамлакатимиз барча соҳаларини, жумладан банк тизимини ҳам рақамли иқтисодиётга ўтишининг обьектив зарурият эканлигини ёритиб беришга ҳаракат қилинган.*

Калит сўзлари: *рақамли иқтисодиёт, тўлов тизими, интернет, мобил тармоқ алоқалари, бизнес, "ахборотлашган жамият"*

Аннотация: *В статье делается попытка раскрыт сущности совершенствование платёжной системы при развитии цифровой экономики, приводя материалы на примере развитию платежной системы страны и освещается объективная необходимости перехода нашей страны к цифровой экономике.*

Ключевые слова: *цифровая экономика, платёжная система, интернет, мобильные сети, бизнес, "информированное общество"*

Annotation: *The purpose of this article is to reveal the importance of the digital economy, the definitions which is given to it in the existing scientific and methodological literature, the needs of countries around the world, including our republic, in the current globalization of the transition to the digital economy.*

Keywords: *digital economy, Internet, mobile networks, business, "informed society"*

Рақамли иқтисодиётга ўтиш барча давлатлар ва албатта хўжалик юритувчи субъектлар учун кечиктириб бўлмайдиган, ўта долзарб масала бўлиб қолмоқда. Илмий адабиётларда ва матбуот саҳифаларида рақамли иқтисодиётга кўплаб таърифлар берилган, жумладан, хорижий манбаларда рақамли иқтисодиётга рақамли ахборот технологиялари ва иқтисодий агентлар ўртасидаги ўзаро боғланиш деб, бошқаларида эса уни хўжалик субъектларининг интернет билан боғланган ҳолдаги иқтисодий ривожланиш натижаси деб, айримларида рақамли технологиялар ва тегишли маҳсулотлар ва хизматларни яратиш, тарқатиш ва улардан фойдаланиш бўйича фаолият, деган, таърифлар мавжуд.

Рақамли иқтисодиётга берилган бошқа таърифларни ҳам келтириш мумкин. Дарҳақиқат, рақамли иқтисодиётга берилган бу каби таърифлар унинг моҳиятини тўғри ифодалаб беради, чунки рақамли иқтисодиётга технологиялар ва иқтисодий агентлар ёки интернет билан боғланган ривожланиш жараёни сифатида қараш ўринли, аммо унчалик етарли эмас, чунки рақамли иқтисодиёт, аввало рақамли ахборот технологияларининг ривожланиши ва барча давлатлар ижтимоий-иқтисодий йўналишлари тараққиётини таъминлаш билан боғланган. Шу сабабдан рақамли иқтисодиётга ҳар бир мамлакат миллий иқтисодиётининг барча тармоқларига ва ижтимоий ҳаётининг турли жабҳаларига замонавий ахборот технологиялари ютуқларини жорий қилиш ва ундан унумли фойдаланиш натижасида иқтисодий-ижтимоий тараққиётни таъминлаш, деб таъриф берилса янада тўлароқ бўлар эди, деб ҳисоблаймиз.

Рақамли иқтисодиёт ахборот технологиялари билан боғланган электрон тижорат, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳалари билангина чекланиб қолмасдан, шу билан бирга, миллий иқтисодиётнинг соғликни сақлаш, фан ва таълим, қурилиш, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт, геология, кадастр, архив, интернетбанкинг каби тармоқларига, ижтимоий ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳаларига ҳам жадал кириб бормоқда ва уларнинг ҳар бирида юқори самара бериши таъминланмоқда.

Рақамли иқтисодиётнинг дастлабки пойдевори ахборот технологиялари ҳисобланади. Уни рақамли ахборот технологиялари, деб аташса тўғрироқ бўлар эди, чунки ахборот технологияларининг асосида тегишли рақамлар ётади. Уларнинг эволюцияси бир неча босқичларга бўлинади ва ўзига хос хусусиятларга эга. Шубҳасиз, рақамли ахборот технологияларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши жамият тараққиётининг талабидан келиб чиққан обьектив жараёндир. Бугунги кунда рақамли ахборот технологияларини тарғиб қилишнинг асосий мақсади ҳар қандай стратегик вазифаларни ҳал этишга, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни оптимал бошқаришни амалга ошириш бўйича қарорлар қабул қилишга имкон берадиган даражадаги ахборот технологиялари тизимини яратишдир. Бу эса рақамли иқтисодиётнинг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, шахсий компьютерларнинг пайдо бўлиши рақамли ахборот технологияларини ривожлантиришда муҳим босқич бўлди.

Янги ахборот технологиялари тизимларини яратиш ва ундан фойдаланиш - бу мавжуд эҳтиёжларни қондириш имкониятидир. Бундай ҳолатда барча фойдаланувчилар рақамли ахборот технологияларини илгари суришда фаол иштирок этадилар.

Бугунга келиб рақамли ахборот технологиялари ахборотларни оммавий ва тезкор ишлов беришга йўналтирилган. Улар раҳбарларнинг оқилона қарорлар қабул қилишига, ўзгарувчан бозорнинг мумкин бўлган кутилмаган ҳодисаларидан ҳимояланишига, рақобатбардошликни таъминлаш учун керакли шарт-шароитлар яратиб, натижада муваффақиятга эришишларига ёрдам беришлари керак. Ҳозирги даврда рақамли ахборот технологияларини ривожлантиришнинг энг машҳур ва кенг тарқалган технологик воситалари “Интернет” ҳисобланади.

Жаҳонда ахборот технологияларининг узоқ вақт давомида тарқалиши мамлакатлар миллий иқтисодиётининг ривожланиш йўлларини белгилаб берди, инсонлар ҳаётидаги туб ўзгаришларга сабаб бўлди ва фанда рақамли иқтисодиёт терминининг

пайдо бўлишига тамал тошини қўйди. Бу ҳар бир мамлакат миллий иқтисодиётини оптимал даражада ривожлантириш ва шу орқали халқнинг моддий фаровонлигини таъминлашдан иборатдир.

Миллий иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳанинг барча жабҳаларида рақамли ахборот технологияларини жадал суръатлар билан жорий этиш барча мамлакатлар учун устувор масаладир. Материаллар ва усуллар. Бугун жадаллик билан кечаётган рақамлашув жараёни «янги иқтисодиёт»ни, яъни рақамли иқтисодиётни вужудга келтирди. Кам ўрганилган ва кун сайин чуқур томир отиб бораётган бу иқтисодиёт ишлаб чиқарувчиларга тадбиркорликда ва ижтимоий соҳаларда самарали маркетинг фаолиятини уюштириш, харажатларни минимал миқдорда камайтириб, максимал фойда олиш, товарларни сотиш ва хизматлар кўрсатишни муваффакиятли амалга оширишга катта имкониятлар яратиб бермоқда.

Кейинги йилларда дунё миқиёсида тадбиркорлик ва бошқа ижтимоий-иқтисодий фаолиятда рақамли ахборот технологияларининг янги авлоди пайдо бўлиб, уларнинг ривожланиш кўлами туфайли фанда “сунъий интеллект”, “робототехника”, “нарсаларнинг интернети”, “симсиз технологиялар” ва бошқа терминлар пайдо бўлди. Буларнинг барчаси рақамли иқтисодиётнинг элементларидир.

Ҳисоб-китобларга кўра рақамли иқтисодиётга ўтиш мамлакат миллий иқтисодиётида фаолият олиб бораётган фирмалардаги меҳнат унумдорлигини, уларнинг иш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришда ўсиш, фаолият шаффофлигини таъминлаш, маҳсулот мутлоқ миқдорининг ўсиши ва унинг таннархини кескин камайтириш имконини беради. Бу унинг энг катта устунлик томонидир.

Рақамли иқтисодиёт воситасида истеъмолчи, харидор ва мижозларга сифатли хизмат кўрсатилади ва бошқа бир қатор қўлайликлар яратилади. Бу вактингиз тиғиз пайтида тушликка буюртма бериш, такси чақиртириш, узокдаги якинингизга пул жўнатиш, трансчегаравий бизнес ҳамкорлик, электрон тижорат майдони, масофавий офис кабиларни ҳам қамраб олмоқда.

Рақамли технологияларни жорий қилиш ва уни жадал суръатларда ривожлантириш қатор давлатлар учун устувор йўналишларнинг энг асосийсига айланиб улгурди. Улар рақамли ривожланишни амалга ошириш даврининг узоқ давом этиши, устуворликларнинг узлуксизлиги, асосий ахборот-коммуникация технологияларини яратишдан бошлаб, ушбу соҳада мақбул сиёсатни шакллантиришга ва рақамли технологияларни кенг жорий этиш дастурларини қўллаб-қувватлаши билан ажралиб туради.

Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек, иқтисодий ўсишни юқори даражада таъминлаган ҳолда коррупция иллатининг олдини олади ва унга барҳам беради. Иқтисодчи олимлар томонидан 2025 йилга келиб дунё ялпи ички маҳсўлотининг қарийб ярми рақамли иқтисодиёт ҳиссасига тўғри келиши башорат қилинаётган бир шароитда янги иқтисодиётни ривожлантириш зарурияти янада долзарб тус олади.

Айрим манбаларда иқтисодий ривожлантиришда дунёда етакчилик қилиб келаётган давлатлардан бири бўлмиш Англияда рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 12 фоизни ташкил қилгани ҳолда, мамлакатимизда бу кўрсаткич 2020 йилда 8 фоизни ташкил қилган, холос. Юртимизда 2025 йилга келиб, бу кўрсаткични 3 мартага ошириш кўзда тутилган. Дунёнинг кўпчилик тараққий этган давлатлари рақамли иқтисодиёт асосида ривожланаётган бир пайтда мамлакатимиз миллий иқтисодиёти барча тармоқ ва соҳаларини рақамлаштириш - жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув, дунё бозорида ўз ўрнига эга бўлиш, иқтисодий баркарорликни таъминлаш, самарадорликка эришиш ва фуқароларимизга етарли қулайликлар яратиб беришнинг асосий шартидир.

Мамлакатимизда 2020 йилни «Илм - фан, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» деб эълон қилиниши натижасида банкларни рақамлаштиришда катта ютуқларга эришилди. Шу йилнинг ўзида банк тизимини тўлиқ рақамлаштириш

белгиланди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини барча манфаатдор вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига кўриб чиқиш, электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда келишиш (виза қўйиш) учун ягона электрон тизим-«project.gov.uz» жороий этилди.

Юртимизда интернет тизимини кенг жорий қилиш негизида рақамли иқтисодиётга ўтишда жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари билан алоқа қилиш шаклларини янада ривожлантириш юзасидан «Ягона интерактив давлат хизматлари» портали янги версиясининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чикиши учун виртуал қабулхонаси – «business.gov.uz» порталининг ишга тушурилиши муҳим тадбирларнинг бошланиши, деб қаралиши мумкин.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги ахборот хизмати берган маълумотларга кўра, телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш йўналишида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилган, жумладан, республика бўйича 237 та объектда магистрал телекоммуникация тармоқлари кенгайтирилиб, уларнинг ускуналари модернизация қилиниб, магистрал телекоммуникация тармоқлари ўтказувчанлик қобилияти вилоятлараро даражада 200 Г бит с.га, туманлараро даражада эса 40 Гбит с.га етказилди. Бироқ буларнинг барчаси етарли, деган хулосани бермайди. Демак, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётга ўтиш борасида айрим ижобий силжишлар билан бирга ечимини кутаётган масалалар ҳам етарлича.

Президентимиз таъкидлаганидек, «Юртимиз халқаро ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш индекси бўйича 2019 йилда 8 поғонага кўтарилган бўлсада, ҳали жуда ҳам орқадамиз. Аксарият вазирлик ва идоралар, корхоналар рақамли технологиялардан мутлақо йироқ десак, бу ҳам ҳақиқат». Эътиборлиси, мамлакатимизда терминал орқали тўловлар сонини ошириб боришга кенг имкониятлар яратилмокда. Бу борада шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон интернет тезлиги бўйича Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги ўртача кўрсаткичдан икки баробар пастдир.

Тадбиркорлар мана шу жиҳатни инобатга олган ҳолда дунёга машҳур «бизнес бизнес учун» эмас, «бизнес истеъмолчи учун тамойили асосида ўз фаолиятини ташкил этиши мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, узоқ вақт давомида бюджет ташкилотларида техник ходим ҳисобланган ахборот технологиялари мутахассисларига юқори маош берилмагани ҳам рақамли иқтисодиётни жорий этишдаги муаммо бўлган. Сабаби, малакали дастурчилар бу лавозимда узоқ қолмаган. Улар халқаро ташкилотлар, қўшма корхоналар, чет эллик буюртмачилар учун ишлашни маъқул кўрган. Эндиликда уларга устама бериш механизми жорий этилган. Демак, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни кенг жорий қилишдаги муаммолар етарли. Буларнинг ечимида шу йилнинг октябр ойида Президент Фармони билан тасдиқланган “Рақамли Ўзбекистон – 2030” Дастурининг қабул қилиниши дастурил амал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси.//Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь, 19-сони.
2. Уткин В.Б.,Балдин К.В. Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари.-Ўқув қўлланма (рус тилида).- М.: УНИТИ, 2008.
3. Лойко В.И., Луценко Е.В., Орлов А.И. Современная цифровая экономика.- Краснодар, КубГАУ, 2018.
4. Жуманова С. Рақамли иқтисодиёт: тараққиёт сари йўл.//Янги Ўзбекистон, 2020 йил 28 январь, 2-сони

Собиров Илхом Хусанович
СамИСИ “Инвестиция ва инновациялар” кафедраси доценти, и.ф.н.
Каражанова Гулноза
СамИСИ “Инвестиция ва инновациялар” кафедраси ўқитувчиси

БИЗНЕС ҚИЙМАТИНИ ДАРОМАД ЁНДАШУВИДА БАХОЛАШНИНГ АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: *Мазкур мақолада даромад ёндошув асосида пул оқимларини дисконтлаш усули ёрдамида бизнес(корхона) қийматини аниқлашнинг назарий масалалари тадқиқ этилиб, аниқ бир амалий холат бўйича бизнес қийматини даромад ёндошувидан фойдаланилиб пул оқимларини дисконтлаш усули асосида бахолаш кўрсатилган.*

Калит сузлар: *даромад ёндашуви, мулкнинг бозор қиймати, кўчмас мулк, кадастр қиймати, дисконтлаш, пул оқими, бизнес қиймати .*

Пул оқимларини дисконтлаш усули ёрдамида ҳар қандай бизнес(корхона)ни бахолаш мумкин, бу усул бизнес(корхона)нинг аниқ бозор қийматини аниқлаб беради ва бу усули муаян молиявий-хўжалик фаолиятига эга бўлган фирмалар бизнеси қийматини бахолашда ўзини оқлаган усул бўлиб ҳисобланилади.

Бу усулнинг қўлланилиши иқтисодий ўсишдаги ялпи харажатлар ва даромадлари мавжуд бўлган салоҳиятли корхонани бахолаш учун тўлиқ асосланилган.

Кейинги хисоб-китоблар учун хусусий капитал учун пул оқимлари танлаб олинди.

Пул оқимларининг истиқболини белгилаш фойда ва зарар хақидаги хисоботдан бошланилиб, охирги мақсад якуний соф фойдани аниқлаб олиш билан якунланилади.

Соф фойдадан пул оқимларига ўтиш мазкур модел доирасида хусусий капитал учун қуйидаги тартибда амалга оширилади:

ДП = ЧП + АМ ± ДЗ ± ОК ± КВ,

Бу ерда: ЧП – соф фойда;

АМ – хисобот давридаги амартизация ажратмаларининг миқдори;

ДЗ – ўзоқ муддатли қарздорликнинг ўсиш/камайиш;

ОК – айланма капиталнинг ўсиши/камайиши;

КБ – капитал қўйилмалар.

Хулоса ва таклифлар. Юқорида айтиб ўтилган барча маълумотлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб топдик. Айтиш лозимки, ушбу айтиладиган фикр ва мулоҳазаларимиз ўз навбатида солиқ текширувларини ҳолисона амалга оширишда самарадорликка эришишга олиб келади:

Биринчидан, солиқ хизмати органи доимий назоратни амалга оширишда тижорат банклари билан хамкорликда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий маълумотларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш лозим.

Иккинчидан, хўжалик юритувчи субъектларимиз фаолиятида камерал солиқ текшируви ўтказилган давр учун қайта камерал солиқ текшируви ўтказилмаслик кераклиги.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органларида оқилона солиқ назорат тизими тўғри йўлга қўйилиши, солиқ тизими қонунчилигига тўлиқ риоя этилишида хуфиёна иқтисодиётга бархам бериш асосий вазифамиз бўлиб хизмат қилади. Солиқ тизимидаги иқтисодий ислоҳотларни янада такомиллаштириш ва уларни амалга ошириш, солиқ назоратини тартибга солишда хўжалик юритувчи субектларнинг молиявий хўжалик фаолиятини солиқ қонунчилигига риоя этиш устидан ҳуқуқий ва ташкилий тарзда назоратни кучайтириш, кичик бизнес субъектлар фаолиятини ривожлантириш ва унинг иқтисодиётда тутган ўрнини янада мустаҳкамлашда солиқ назоратининг ташкилиш хамда услубий жиҳатларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабр Олий Мажлисга Мурожаатномаси. / Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь. Мирзиёев Ш.М. 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепсияси тўғрисида” ги ПФ-5468-сонли фармон// Халқ сўзи 2018 йил 30 июн.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 25 июндаги 522-сон қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. – Тошкент Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2020. – 640 б.

Д.Ш.Хикматова
Тошкент Амалий Фанлар Университет, Ўқитувчи
Телефон рақами: +998(99)7272999
E-mail почта: dildosh.dh@gmail.com

ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИКТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ МУАММОЛАРИ

Аннотация: *Хозирда мамдакатимизда инвестиция салоҳияти ва уни ривожлантиришга катта ахамият бериляпти. Бундан ташқари инвестицияларни жалб қилиш ва иқтисодий сохаларни ривожлантириш нафақат Давлатимизнинг, балки барча тадбиркорларнинг ҳам мақсадига айланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги сиёсати корхоналар, фирмалар ва ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил қилиш, уларнинг ички ва ташқи иқтисодий муносабатларининг бозор*

талабларига мослаштириш зарурияти келтириб чиқаради. Ушбу мақолада инвестиция ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг иқтисодий ва ижтимоий мазмун-моҳияти, унинг барқарор иқтисодий юксалишни таъминлашда муҳим омил сифатида аҳамияти ва фаол инвестиция сиёсатини юритишда давлат бошқаруви, Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицион жараёнлар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: *Инвестиция, инвестиция салоҳияти, инвестицион фаолият, молиявий менежмент, реал инвестициялар, рақамли трансформация, инновацион платформалар, инновацион технологиялар, иқтисодиёт тармоқлари.*

Кириш

Бугунги иқтисодий ва ижтимоий глобаллашув жараёнида инвестицион фаолият ҳар бир давлат иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга элемент ҳисобланади. Чунки ушбу фаолият мамлакатда саноат ишлаб чиқариш даражасини кенгайтиришга ва ривожлантиришга, иқтисодиётнинг барқарор ҳамда прогрессив ўсишига хизмат килади. Мамлакатни ижтимоий - иқтисодий ва сиёсий ривожланишида инвестицияларининг жумладан, хорижий инвестицияларнинг аҳамияти каттадир. Шу боис ҳам инвестицияларни турли соҳаларга жалб этиш, уларнинг оқимини кенгайтириш, инвестицион фаолиятни рағбатлантириш бўйича турли режа ва дастурлар ишлаб чиқилмоқда.

Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-сонли Президент Фармонини таъкидлаб ўтиш жоиз. Мазкур Фармонда мамлакатимизда инвестиция жозибадорлигини оширишни, бизнес муҳитини яхшилашни назарда тутувчи аниқ режалар ўз ифодасини топган. Булар қаторида маҳаллий ва хорижий инвесторларга Ўзбекистоннинг инвестициявий салоҳиятини намоён этишга ҳамда маҳаллий ва хорижий инвесторлар билан ўзаро мулоқотни йўлга қўйишга қаратилган “Тошкент халқаро инвестиция форуми”ни ҳар йили ўтказишни йўлга қўйиш алоҳида эътирофга эга. Инвестицион фаолиятнинг ривожланишини кўзловчи музкур ҳаракатлар унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тўлиқ тушуниш ҳамда ёритиб беришни тақозо этади. Инвестицион фаолият тушунчаси инвестиция ҳамда инвестор каби тушунчаларга асосланган бўлиб, бу бўйича аввал мазкур тушунчалар ҳақида сўз юритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. “Инвестиция” атамаси лотинча сўздан олинган бўлиб, “invest”, яъни “қўйилма” деган маънони англатади. Умуман олганда, инвестиция деганда, фойда олиш ёки бошқа фойдали мақсадга эришиш учун тадбиркорлик ёки бошқа фаолиятга жалб қилинадиган пул маблағлари, қимматли қоғозлар, моддий ва номоддий бойликлар, шу жумладан мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар назарда тутилади.

Ўзбекистон бугунги кунда йирик хорижий инвестицияларни қабул қилувчи мамлакатлар қаторига кириш учун барча иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва хуқуқий асосларга эга. Лекин бу дегани Ўзбекистонда хорижий инвесторларни жалб қилиш учун барча ишлар қилиб бўлинди дегани эмас. Эндиги навбатда бу асосларга таянган ҳолда инвестициялар жалб этишнинг механизмлари такомиллаштириш масалалари туради. Жахон тажрибаси шуни кўрсатадики, стратегик инвесторлар кўп миқдордаги маблағларни биринчи навбатда иқтисодиёти ўз ички имкониятлари асосида барқарор ва изчил равишда ривожланаётган мамлакатга йўналтиради. Айнан шундай мамлакатлардагина қўйилган маблағлар сақланишига ва барқарор фойда олишга мўлжал қилса бўлади. Ички ва чет эл инвесторларини биринчи навбатда минимал даражадаги солиқ имтиёзлари эмас, балки бизнесдаги кейинги қулай ва мақбул истиқболлар қизиқтиради.

МДХ давлатларининг пайдо бўлиши билан хорижий инвесторларнинг инвестицион фаолиятларини амалга оширишдаги янги имкониятлар майдони пайдо бўлди. Шуни айтиш керакки хорижий инвесторлар бу масалада катта тажрибага эга. Албатта бу масаланинг бир томони бўлса, иккинчи томони инвестициялар қабул қилувчи (МДХ) давлатлари учун замонавий ишлаб чиқариш воситаларини қабул қилишдаги инвестицион танлов имконияти яратилди. Бунга оддий ҳол деб қараш керак эмас, чунки, инвестициялар

– иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи, уни олға силжитувчи кучдир. Мамлакатни иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ривожланишида инвестицияларнинг, жумладан, хорижий инвестицияларнинг аҳамияти каттадир. Маълумки, ҳар қандай 135 та давлат дунёдан ажралган ҳолда жаҳон тажрибаларини ўрганмасдан, дунёнинг етакчи давлатлари илм, фан ва техника соҳасида эришган ютуқларини қабул қилмасдан ривожланиши мумкин эмас.

Ўзбекистон иқтисодиётида чуқур иқтисодий ислоҳатлар, таркибий ўзгаришлар амалга оширилар экан, хорижий инвестициялар ривожисиз тасаввур этиб бўлмайди. Глобаллашув жараёнига қўшилиш – бу дунёнинг етакчи давлатлари билан ҳамкорликда бўлиш, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳадаги давлат сиёсатининг ўзаро манфаатли асосда бу давлатлар сиёсатига мос келишидир. Замонавий жаҳон иқтосидиёти учун инвестиция фаоллиги ва жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг кучайиши муҳим аҳамият касб этади. Ривожланаётган мамлакатлар ва бозор иқтисодиётига ўтиш даврини бошидан кечираётган давлатларнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги роли ортиб бораётганлиги ҳам унга ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, глобаллашув жараёнига иқтисодиётни эркинлаштириш, илмий-техника тараққиётининг тезлашиши, рақобатнинг кучайиши ва бошқа бир қатор ҳам хосдир.

Республика иқтисодиётининг устувор тармоқларида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг зарурияти қуйидагилардан келиб чиқади:

- Ишлаб чиқариш қувватларининг жисмоний ва маънавий эскирганлиги, уларнинг қайта тиклашга ёки техник жихатдан қайта жихозлашга ёки умуман янгилашга оид бўлиб қолганлиги;
- Саноат тармоғида моддий техника базасининг ўта пастлиги ва кўпгина зарар кўриб ишлайдиган корхоналарнинг мавжудлиги;
- Республика миллий даромадида жамғариш билан истеъмол ўртасидаги нисбатнинг истеъмол томонга кўплаб сарфланаётган ва жамғаришнинг инвестиция манбаи сифатида камайиб бораётганлиги;
- Ўзбекистоннинг табиий бойликларга бойлиги ва бу ерда кўплаб қайта ишловчи корхоналарни қуриш имконияти мавжудлиги;
- Аҳоли сонининг ўсиб бораётганлиги (меҳнат ресурслари) ва кичик замонавий ихчам корхоналарни барпо этиш, уларни меҳнат ресурсларининг манбаи бўлмиш қишлоққа яқинлаштириш зарурлиги;
- Республика экспортида хомашё салмоғини камайтириш ва кўплаб тайёр маҳсулотлар чиқариш имкониятига эга бўлиш зарурлиги ва бошқалар.

Хулоса

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг мақсади ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини муваффақиятли жорий этиш ҳисобланади. Қабул қилинган қонунлар ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини кенг қўллашга имкон берадиган кўп укладли иқтисодиётни шакллантиришда аниқ ижтимоий-хуқуқий асослар яратади.

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи сезиларли даражада ва мунтазам ошиб бормоқда. Бунда мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Миромонович томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги, иқтисодий ислоҳотлар мақсади ва вазифалари, амалга ошириш йўлларининг аниқ ва тўгри кўрсатиб берилганлиги бош мақсад йўлидаги ютуқ ва марраларнинг салмоқли бўлишига имкон яратади. Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш орқали иқтисодиётда туб ўзгаришларни амалга ошириш имконини беради ва бу иқтисодиётда янги иш ўринларини ташкил этиш ва ривожланиш гарови бўлиб хизмат қилади. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида юртимизга замонавий технологиялар олиб келиб, саноат ишлаб чиқаришини янгилаш ва модернизациялаш жараёнларини олиб боришни инвестиция фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Инвестиция лойиҳаларини жалб қилиш нафақат давлат иқтисодиётини юксалтиради, балки аҳоли турмуш

даражасини яхшилашда ҳам катта самара беради. Яъни маиший мухтожликларнинг катта бўлими қаноатлантирилади, ишлаб чиқариш кенгаяди, янги меҳнат кучлари шаклланади, эски ва огир меҳнат турмушидан янги, енгил ва самарали меҳнат фаолиятига ўтилади. Давлатнинг келажакдаги иқтисодий юксалиш даражасини бугунги жалб қилинган инвестиция лойихалари ва инвестицион фаолиятлар белгилаб беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг «Республика иқтисодиётида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори Тошкент шахри, 2019 йил 29 апрель.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 апрелдаги «Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда маъмурий тартиб-таомилларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ–4297-сон қарори.
3. www.tsue.uz - Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети расмий сайти маълумотлари.
4. М.С.Қосимов, Г.Я.Мухамеджанова «Инвестиция лойихалари ва тахлили», Тошкент ш., 2011й.
5. Ендовицкий Д.А. «Комплексный анализ и контроль инвестиционной деятельноси: методология и практика», Финансы и статистика, 2011г., изд.№2
6. А.В.Вахабов, Ш.Х.Хожибакиев, Н.Г.Муминов «Хорижий инвестициялар», Ўқув қўлланма. Тошкент ш., «Молия», 2010й.
7. М.Р.Турсунова «Халқаро менежмент», Ўқув қўлланма, Иқтисодиёт дунёси, 2022й.

Nozimov Eldor Anvarovich
Samarqand iqtisodiyot va servis institute
"Investitsiya va innovatsiyalar" kafedrasi assistenti

Ergasheva Feruza Rustam qizi
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti
Bank ishi ta'lim yo'nalishi 3-bosqich talabasi

INVESTITSION FAOLIYATRNI RIVOJLANTIRISHNING UMUMIQTISODIY-IJTIMOIY MUAMMOLARI

Annotatsiya. *Mamlakatimizda bozor iqtisodiyoti shakllanishi iste'mol talabiga oid yangi muammolarning kelib chiqishiga sabab bo'ladi. Bozor munosabatlariga o'tish bozor ishtirokchilariga yangi talablarni qo'ymoqda – ularni ma'lum iste'mol talabi uchun foydalanilgan mahsulotlarni ishlab chiqarish va sotishga majbur qilmoqda. O'zbekiston Respublikasining ijtimoiy yo'naltirilgan bozor iqtisodiyotiga bosqichma-bosqich o'tishiga asoslangan hozirgi siyosati korxonalar, firmalar va tashkilotlar faoliyatini samarali tashkil qilish, ularning ichki va tashqi iqtisodiy munosabatlarining bozor talablariga moslashtirish zaruratini keltirib chiqaradi. Ushbu maqolada mamlakatimiz iqtisodiyotiga investitsiyalarni jalb qilish masalalari va ularning tashqi savdo sohasida tutgan o'rni, shuningdek, iinvestitsiyalar va tashqi iqtisodiy faoliyatning iqtisodiy mohiyati, uning faol investitsiya siyosatini amalga oshirishda barqaror iqtisodiy o'sish va davlat boshqaruvini ta'minlashning muhim omili, jumladan, O'zbekiston iqtisodiyotida investitsiya jarayonlari to'g'risidagi ma'lumotlar keltirilgan.*

Kalit so'zlar: *eksport, import, yalpi ichki mahsulot, bozor, tashqi iqtisodiy siyosat, tashqi iqtisodiy faoliyat, xalqaro kompaniya, tashqi savdo, investitsiya, marketing, raqobat.*

Kirish. Iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida investitsiya faoliyati muhim ahamiyat kasb etadi. Har bir mamlakatning rivojlanish darajasi, ya'ni iqtisodiyotning rivojlanishi va iqtisodiy o'sishi ko'p jihatdan mamlakatdagi investitsion jarayonlarga bog'liq. Har qanday

jamiyatning baraqaror iqtisodiy rivojlanishini investitsiyalarsiz tasavvur etib bo‘lmaydi. Ayniqsa, bugungi kunda bu narsa yaqqol namoyon bo‘lmoqdaki, har qanday mamlakatning bundan keyingi yuksalishi investitsiyalarni jalb etish holatiga bog‘liq. Barchamizga ma’lum, islohotlar va yangilanishlar o‘z-o‘zicha amaliyotga tatbiq qilinganda, oxirgi, ya’ni yakuniy samara kutilganidek bo‘lmasligi yoki kutilgan natijaga keyinroq erishish mumkin bo‘ladi.

O‘zbekiston bugungi kunda yirik xorijiy investitsiyalarni qabul qiluvchi mamlakatlar qatoriga kirish uchun barcha iqtisodiy, siyosiy va huquqiy asoslarga ega. Lekin bu degani O‘zbekistonda xorijiy investorlarni jalb qilish uchun barcha ishlar qilib bo‘lindi, degani emas. Endigi navbatda bu asoslarga tayangan holda investitsiyalar jalb etishning mexanizmlarini takomillashtirish masalalari turadi. Jahon tajribasi shuni ko‘rsatadiki, strategik investorlar ko‘p miqdordagi mablag‘larni, birinchi navbatda, iqtisodiyoti o‘z ichki imkoniyatlari asosida barqaror va izchil ravishda rivojlanayotgan mamlakatga yo‘naltiradi. Aynan shunday mamlakatlardagina qo‘yilgan mablag‘lar saqlanishi va barqaror foyda olishga mo‘ljal qilsa bo‘ladi. Ichki va chet el investorlarini, birinchi navbatda, minimal darajadagi soliq imtiyozlari emas, balki biznesdagi keyingi qulay va maqbul istiqbollar qiziqtiradi.

MDH davlatlarining paydo bo‘lishi bilan xorijiy investorlarning investitsion faoliyatlarini amalga oshirishdagi yangi imkoniyatlar maydoni paydo bo‘ldi. Shuni aytish kerakki, xorijiy investorlar bu masalada katta tajribaga ega. Albatta, bu masalaning bir tomoni bo‘lsa, ikkinchi tomoni investitsiyalar qabul qiluvchi (MDH) davlatlar uchun zamonaviy ishlab chiqarish vositalarini qabul qilishdagi investitson tanlov imkoniyati yaratildi. Bunga oddiy hol deb qarash kerak emas, chunki investitsiyalar – iqtisodiyotni harakatga keltiruvchi, uni olg‘a siljituvchi kuch. Mamlakatning ijtimoiy, iqtisodiy va siyosiy rivojlanishida investitsiyalarning, jumladan, xorijiy investitsiyalarning ahamiyati kattadir. Ma’lumki, har qanday davlat dunyodan ajralgan holda jahon tajribalarini o‘rganmasdan, dunyoning yetakchi davlatlari ilm, fan va texnika sohasida erishgan yutuqlarini qabul qilmasdan rivojlanishi mumkin emas. O‘zbekiston iqtisodiyotida chuqur iqtisodiy islohotlar, tarkibiy o‘zgarishlar amalga oshirilar ekan, xorijiy investitsiyalar rivojisiz tasavvur etib bo‘lmaydi. Globallashuv jarayoniga qo‘shilish dunyoning yetakchi davlatlari bilan hamkorlikda bo‘lish, ijtimoiy-iqtisodiy va siyosiy sohadagi davlat siyosatining o‘zaro manfaatli asosda bu davlatlar siyosatiga mos kelishidir. Zamonaviy jahon iqtisodiyoti uchun investitsiya faolligi va jahon iqtisodiyoti globallashuvining kuchayishi muhim ahamiyat kasb etadi. Rivojlanayotgan mamlakatlar va bozor iqtisodiyotiga o‘tish davrini boshidan kechirayotgan davlatlarning xalqaro mehnat taqsimotidagi roli ortib borayotganligi ham unga ijobiy ta’sir ko‘rsatadi. Shuningdek, globallashuv jarayoniga iqtisodiyotni erkinlashtirish, fan-texnika taraqqiyotining tezlashishi, raqobatning kuchayishi va boshqa bir qator omillar ham xosdir.

Tadqiqot metodologiyasi. Tadqiqot jarayonida statistik, analitik, qiyosiy, kuzatuv, induktiv, deduktik, mantiqiy, monitoring, ekspress-baholash va boshqa tahlil usullaridan foydalanildi. O‘rganilgan adabiyotlar natijasida mavzu to‘liq yoritib berildi. Xorijiy mamlakatlar bilan hamkorlikda olib borilayotgan islohotlar ko‘rib chiqildi. Jadvallarda tegishlicha shakllantirildi va solishtirildi.

Tahlil va natijalar. Davlatimiz mustaqillikka erishgan yillardan boshlab, bozor iqtisodiyotiga o‘tishning o‘ziga xos iqtisodiy rivojlanish yo‘lidan bormoqda. Bu yo‘lda investitsiya siyosatining ahamiyati juda katta. Chunki investitsiyalar iqtisodiyotda tarkibiy o‘zgarishlar, texnik va texnologik yangilanishlar, korxonalarni qayta ta’mirlash ishlarini amalga oshirishni rag‘batlantiradi, mamlakat eksport va import salohiyatini oshirishga imkon yaratadi.

Shu jihatdan O‘zbekiston davlati o‘z tuzilmaviy investitsiya siyosatini olib bormoqda. Investitsiya siyosati iqtisodiyotning ustuvor tarmoqlarini rivojlantirish, qo‘llab-quvatlash, markazlashgan investitsiya jarayonidan nomarkazlashgan investitsiya jarayoniga o‘tish, ustuvor investitsion loyihalarni qo‘llab-quvvatlashga qaratilgan mexanizm, uslublar yig‘indisi hisoblanadi. Davlat investitsiya siyosatini amalga oshirishda ko‘proq ustuvorlik kichik biznes subyektlari, xorijiy investitsiya ishtirokidagi korxonalar tuzishga hamda mavjud kamchiliklarni bartaraf etish, muammolarni tezkorlik bilan hal etish va shu asnoda investitsiya

ishtirokchilarining erkin harakat qila olishlari uchun qulay iqtisodiy, investitsion muhit yaratishga qaratilgan. Davlat investitsiya siyosati hududlar, tarmoq va korxona investitsiya siyosatidan tarkib topib, ular o‘zaro bog‘liqdir. Hududlar investitsiya siyosati investitsiya’ni sarflashda aholi, hudud va investor manfaatlarini hisobga olgan holda samarali ishlatishga imkon beruvchi hududda olib boriladigan chora-tadbirlar majmuyidir. Tarmoq investitsiya siyosati esa mamlakat iqtisodiyotining rivojlanishini ta’minlovchi tarmoqlar, sanoat mahsulotlarini eskport qilish, import o‘rnini bosuvchi ishlab chiqarishni yo‘lga qo‘yish, fan-texnika taraqqiyotini investitsiya yo‘li bilan qo‘llab-quvvatlash hisoblanadi.

O‘zbekiston iqtisodiyotiga investitsiyalar kiritish, avvalo, ichki manbalarni safarbar etish hisobidan iqtisodiyotimizning muhim tarmoqlarini jadal modernizatsiya qilish, texnik va texnologik qayta jihozlash, transport va aloqa sohasini yanada rivojlantirish hamda ijtimoiy infratuzilma obyektlarini barpo etish hal qiluvchi ustuvor yo‘nalishlarga aylandi. Respublika iqtisodiyotining ustuvor tarmoqlarida investitsiya loyihalarini amalga oshirishning zarurati quyidagilardan kelib chiqadi:

- ishlab chiqarish quvvatlarining jismoniy va ma'naviy eskirganligi, ularning qayta tiklash yoki texnik jihatdan qayta jihozlashga yoxud umuman yangilashga oid bo‘lib qolganligi;
- sanoat tarmog‘ida moddiy texnika bazasining o‘ta pastligi va ko‘pgina zarar ko‘rib ishlaydigan korxonalarning mavjudligi; respublika milliy daromadida jamg‘arish bilan iste’mol o‘rtasidagi nisbatning iste’mol tomonga ko‘plab sarflanayotgani va jamg‘arishning investitsiya manbayi sifatida kamayib borayotganligi;
- O‘zbekistonning tabiiy boyliklarga boyligi va bu yerda ko‘plab qayta ishlovchi korxonalarni qurish imkoniyatining mavjudligi;
- aholi sonining o‘sib borayotganligi (mehnat resurslari) va kichik zamonaviy ixcham korxonalarni barpo etish, ularni mehnat resurslarining manbayi bo‘lmish qishloqqa yaqinlashtirish zarurligi.

Asosiy kapitalga xorijiy investitsiya va kreditlarning 2019-yilning mos davriga nisbatan o‘sish sur‘ati 90,6 %ni tashkil etdi. Tashqi iqtisodiy faoliyat deganda, O‘zbekiston Respublikasi yuridik va jismoniy shaxslarining xorijiy davlatlarning yuridik va jismoniy shaxslari, shuningdek, xalqaro tashkilotlar bilan o‘zaro foydali iqtisodiy aloqalarni o‘rnatish va rivojlantirishga qaratilgan faoliyati tushuniladi. “Tashqi iqtisodiy faoliyat deganda, O‘zbekiston Respublikasi yuridik va jismoniy shaxslarining xorijiy davlatlarning yuridik va jismoniy shaxslari, shuningdek, xalqaro tashkilotlar bilan o‘zaro foydali iqtisodiy aloqalarni o‘rnatish va rivojlantirishga qaratilgan faoliyati tushuniladi”.

O‘zbekiston Respublikasida ro‘yxatga olingan yuridik shaxslar, shuningdek, O‘zbekiston Respublikasining hududida doimiy yashash joyiga ega bo‘lgan va yakka tartibdagi tadbirkor sifatida ro‘yxatga olingan jismoniy shaxslar tashqi iqtisodiy faoliyat bilan shug‘ullanishga haqlidir. Tashqi iqtisodiy faoliyatni davlat tomonidan tartibga solish quyidagi yo‘llar bilan amalga oshiriladi:

− tashqi iqtisodiy faoliyatning qonunchilik negizini shakllantirish va takomillashtirish;

− valyuta bilan tartibga solish;

− soliq bilan tartibga solish;

− tarif va notarif tartibga solish;

− O‘zbekiston Respublikasining iqtisodiy manfaatlariga rioya etilishi uchun himoya, kompensatsiya va dempingga qarshi choralarni qo‘llash;

− tashqi savdo faoliyatini amalga oshirish tartibini belgilash, shu jumladan, miqdoriy cheklovlar o‘rnatish hamda tovarlarning ayrim turlari eksport va import qilinishi ustidan davlat monopoliyasini o‘rnatish;

− eksport-import operatsiyalarini amalga oshirishda talab qilinadigan hujjatlarning to‘liq ro‘yxatini belgilash;

− o‘z xossa hamda xususiyatlariga ko‘ra yalpi qirg‘in qurolini (yadroviy, kimyoviy, bakteriologik (biologik) va zaharlovchi qurol) hamda uni yetkazib berish vositalarini (raketalar va yalpi qirg‘in qurolini yetkazib berishga qodir boshqa texnika vositalarini), boshqa turdagi

qurol-yarog‘ hamda harbiy texnikani yaratishda muhim hissa qo‘shishi mumkin bo‘lgan, eksport nazorati obyektlari ro‘yxatlarida ko‘rsatilgan tovarlar, asbob-uskunalar, ilmiy-texnika axboroti, ishlar va xizmatlar, intellektual faoliyat natijalariga nisbatan eksport nazoratini o‘rnatish;

− olib kiriladigan va olib chiqiladigan tovarlarni sertifikatlash;

− texnikaviy, farmakologiya, sanitariya, veterinariya, veterinariya-sanitariya, fitosanitariya, ekologiya standartlari, talablari, qoidalari va normalarini belgilash;

− tashqi iqtisodiy faoliyat subyektlari uchun preferensiya va imtiyozlar berish.

Tashqi iqtisodiy faoliyatni davlat tomonidan tartibga solish qonun hujjatlariga muvofiq boshqacha usullarda ham amalga oshirilishi mumkin. Tashqi iqtisodiy faoliyatni davlat tomonidan boshqarish uni moliyaviy, valyuta, kredit, bojxona tarif va tarifdan tashqari tartibga solish, eksport nazoratini ta’minlash, tovarlarni olib kirish va olib ketish munosabati bilan sertifikatsiyalash sohasidagi siyosatini belgilab olishdan iborat. Bunday boshqarishning barcha yo‘nalishlari amaldagi qonunchilikka asoslanadi. Davlatning eng muhim vazifalaridan biri tashqi iqtisodiy faoliyat va u asosida tashqi iqtisodiy siyosatning boshqa mamlakatlar bilan hamkorlik qiladigan qoidasini ishlab chiqishdir. Davlat tomonidan boshqarish (tartibga solish)ning maqsadi barcha darajadagi, foydali tashqi iqtisodiy faoliyatni ta’minlovchi huquqiy-iqtisodiy va tashkiliy sharoitlarni yaratishdir. Bu bosqichda eksportni rivojlantirish davlat dasturida belgilangan strategik maqsadni amalga oshirish uchun sharoit yaratish zarur: eksport qilinadigan mahsulot sifatini yaratish, eksportning tovar va geografik tuzilmasini takomillashtirish kerak. Xalqaro amaliyotga ko‘ra, O‘zbekiston o‘z strategik maqsadlarga erishishiga yordam beradigan tashqi savdo sohasidagi masalalarni hal etishi zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyevning “Respublika iqtisodiyotiga to‘g‘ridan to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish mexanizmlarini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori. Toshkent shahri, 2019-yil 29-aprel.
2. Игошина Л.Л. Инвестиции. Уч. пис. − М.: Экономист, 2005. С. 23.
3. Нешитой А.С. Инвестиции. Учебник. 4-е изд. − М.: Дашков и К., 2006. С. 13.
4. Староверова Г.С., Медведов А.Ю., Сорокина И.В. Экономическая оценка инвестиций. Учебное пособие. − М.: КНОРУС, 2006. С. 11.
5. Подшинваленко и др. Инвестиции. Учеб. пос. 3-е изд. − М.: КНОРУС, 2006.
6. Шарп У., Александр Г., Бейли Дж. Инвестиции. Пер.с англ. − М.: Инфра-М, 1997. С. 16. – 979 с. 7. Vaxabov A.V., Xajibakiyev Sh.X., Muminov N.G. Xorijiy investitsiyalar. O‘quv qo‘llanma. − T.: Moliya, 2010. – 303.
7. G‘ozibekov D.G‘. Investitsiyalarni moliyalashtirish masalalari. − T.: Moliya, 2003. 26-b.
8. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Tashqi iqtisodiy faoliyatni amalga oshirishda ma’muriy tartib-taomillarni yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2019-yil 23-apreldagi PQ-4297-sonli qarori.

Olimova Nodira Xamrakulovna,
FDU, i.f.n., dotsent,
Djuraboyeva Diyora Muzaffar qizi,
FDU, talaba
e-mail: olimova_nh@mail.ru

IQTISODIYOTGA INVESTITSIYALARNI JALB ETISH ORQALI IQTISODIY O‘SISHNI RAG‘BATLANTIRISH TENDENTSIYALARI

Annotatsiya. *Mamlakatimizda yangi ishlab chiqarish korxonalarini tashkil etish va korxonalarni modernizatsiya qilish, iqtisodiyotning xom ashyoga yo‘naltirilganligini tugatish va uni yuqori sifat darajasiga olib chiqish uchun faol investitsiya siyosati yuritilmoqda. Aynan ana shu jihatdan mazkur ishda mamlakatimiz iqtisodiyotga investitsiyalarni jalb etish orqali iqtisodiy o‘sishni rag‘batlantirish tendentsiyalari tadqiq etilgan.*

Kalit so‘zlar: *iqtisodiyot, investitsiyalar, iqtisodiy o‘sish, strategiya, rivojlanish.*

Har qanday mamlakatning barqaror iqtisodiy rivojlanishini investitsiyalarsiz tasavvur qilib bo‘lmaydi. Ayniqsa, bugungi kunda shu narsa yaqqol namoyon bo‘lmoqdaki, har qanday mamlakat iqtisodiyotining bundan keyingi yuksalishi investitsiyalarni jalb etish holatiga bevosita bog‘liq. Chunki investitsiya strategiyasini amalga oshirish iqtisodiyotda o‘sishni, ishlab chiqarishning rivojlanishini ta`minlovchi muhim omildir. Keynschilik ta`limotiga ko‘ra, 1 %li iqtisodiy o‘sishga erishish uchun 1,5 %li kapital o‘sishini (investitsiya) ta`minlash lozim [4]. Ayniqsa iqtisodiyotimiz tarmoqlariga ichki sarmoyalarni safarbar etish va xorijiy sarmoyalarni keng jalb etish bilangina tub o‘zgarishlarga erishish mumkin.

Mamlakatimizda faoliyat ko‘rsatayotgan korxonalarni modernizatsiya qilish, texnik va texnologik qayta jihozlash hamda zamonaviy, yuksak texnologiyalarga asoslangan yangi ishlab chiqarishni tashkil etishni tezlashtirish borasida olib borilayotgan faol investitsiya siyosati natijasida iqtisodiyotimizga kiritilayotgan kapital qo‘yilmalar hajmi yildan-yilga ortib bormoqda.

Rrezidentimiz Sh.Mirziyoyev Islom Hamkorlik Tashkiloti Tashqi ishlar vazirlari kengashining 43-sessiyasida so‘zga chiqib, “Islom olami ulkan iqtisodiy, investitsion salohiyat, energetika resurslariga ega. Ulardan to‘g‘ri foydalanish, Islom hamkorlik tashkilotiga a`zo davlatlarning xalqaro savdo-iqtisodiy, moliyaviy, investitsion hamkorligini kengaytirish, mamlakatlarimizni birlashtiradigan transport yo‘llarini tashkil etish, yuksak iqtisodiy taraqqiyot ko‘rsatkichlariga erishish imkonini beradi va bu rirovard natijada boshqa barcha sohalarning rivojlanishida asos bo‘lib xizmat qiladi”, - deya bu mavzuga o‘z munosabatini bildirgan edi [3].

Hozirgi globallashuv sharoitida, bozor munosabatlari talablaridan kelib chiqib, jahonda investitsiyalar uchun qat`iy keskin kurash davom etmoqda. Tashqi iqtisodiy faoliyatni erkinlashtirish, mamlakatimiz iqtisodiyotiga bevosita xorijiy investitsiyalarning jalb qilinishini ta`minlaydigan huquqiy, ijtimoiy-iqtisodiy shart-sharoitlarni takomillashtirish, xorijiy investitsiyalarni keng jalb etish, mablag‘larni eng ustuvor yo‘nalishlarda hamda raqobatdosh mahsulotlar ishlab chiqarish bilan bog‘liq yo‘nalishlarda mujassam qilish respublikada o‘tkazilayotgan investitsiya siyosatining asosiy tamoyillaridir.

O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiy taraqqiyot va kambag‘allikni qisqartirish vazirligi ma`lumotlariga ko‘ra Birlashgan Millatlar Tashkilotining Sanoatni rivojlantirish tashkiloti tomonidan 2020 yil uchun «Raqobatbardosh sanoat unumdorligi indeksi - 2022» hisobotini [8] e`lon qilindi. Indeks metodologiyasiga asosan «Raqobatbardosh sanoat unumdorligi indeksi - 2022» hisobot natijalari 2020 yildagi statistik ma`lumotlarga asosan shakllantirilgan. O‘zbekiston 8 ta indikatorning 6 tasida ijobiy o‘zgarishlarni qayd etgan, shu bilan birga 2 ta indikatorda pasaygan (jadval).

Jadval

O`zbekistonning makroiqtisodiy rivojlanish ko‘rsatkichlari [10]

Indikatorlar nomi	Reyting 2020	Ko'rsatkich 2020	Dunyo bo‘yicha o‘rtachasi	Reyting 2019
1. Aholi jon boshiga ishlab chiqarishda qo'shilgan qiymat indeksi	92 ↑	0,015	0,066	96
	–	451,92*	1963,84*	–
2. YalMdagi ishlab chiqarish sanoati qo'shilgan qiymat ulushi indeksi	51↑	0,391	0,330	58
3. Ishlab chiqarish sanoatining umumiy qo'shilgan qiymatida o'rta va yuqori texnologiyali faoliyat ulushi indeksi	83↓	0,249	0,302	80
4. Ishlab chiqarish sanoatining jahon qo'shilgan qiymatidagi ulushi indeksi	57↑	0,004	0,021	60
5. Aholi jon boshiga ishlab chiqarish eksporti	122↑	0,003	0,096	123
	–	106,92*	3406,36*	–
6. Ishlab chiqarish eksportining umumiy eksportdagi ulushi indeksi	128↑	0,273	0,609	133
7. O‘rta-yuqori va yuqori texnologiyali mahsulotlar eksportining ishlab chiqarish mahsulotlari umumiy eksportidagi ulushi indeksi	84↓	0,323	0,414	81
8. Ishlab chiqarish sanoatining jahon eksportidagi ulushi indeksi	86↑	0,001	0,034	88

Ishlab chiqarish tarkibida eng katta ulush (82,0 foiz) ishlab chiqarish korxonalariga to‘g‘ri keladi hamda ishlab chiqarish hajmi 305,9 trln. so‘mni tashkil etadi. Shuningdek, MDH davlatlari orasida O‘zbekiston Rossiya, Belarus, Qozog‘istondan keyin 4-o‘rinni egallagan. Dunyo reytingining eng yuqori 5 ta pog‘onasida Germaniya (0,416), Xitoy (0,369), Irlandiya (0,347), Yaponiya (0,325) va Koreya Respublikasi (0,324) o‘rin egallagan.

So‘nggi o‘n yilda investitsiyalarni moliyalashtirish manbalarida davlat byudjetining salmog‘i boshqa bozor iqtisodiyotiga xos bo‘lgan moliyalashtirish manbalarini oshishi evaziga kamayib borgan. Negaki, investitsiya bozori infratuzilmasini shakllantirishda iqtisodiy sub`yektlarning investitsiya va moliyaviy ehtiyojlariga xizmat ko‘rsatish bo‘yicha keng imkoniyatlarga ega bo‘lgan tijorat banklari, bankdan tashqari moliyaviy tashkilotlar, investitsiya fondlari va boshqa moliyaviy vositachilar bu borada muhim rol o‘ynamoqda.

Tiklanish va taraqqiyot jamg‘armasi hisobidan o‘zlashtirilgan investitsiyalar hajmi 2,5 trln. so‘mni (dollar ekvivalentida 223,6 mln. AQSh dollari) va jami investitsiyalardagi ulushi 2021 yilning mos davridagi ko‘rsatkichga nisbatan 0,3 % punktga kamayib, 0,9 %ni tashkil etdi. 2022 yil davomida Tiklanish va taraqqiyot jamg‘armasi mablag‘lari hisobidan amalga oshirilgan yirik investitsiya loyihalari [11]: - *Quyuv-prokat majmuasini qurish;* - *Shovot-Qorao‘zak temir yo‘l liniyasini hamda Amudaryo ustidan o‘tuvchi temir yo‘l va avtomobil yo‘li qo‘shma ko‘prigini qurish;* - *Toshkent shahrida yer usti halqa metropolitenini qurish (II bosqich).*

Fikrimizcha, davlat investitsiya dasturining manzilli ro‘yxatiga kiritilayotgan investitsiya loyihalarini texnik-iqtisodiy asoslanganligi, ularning yuqori qo‘shilgan qiymatni innovatsion mahsulot ishlab chiqarishga yo‘naltirilganligi va loyihalarning ijtimoiy-iqtisodiy samaradorlik mezonlariga to‘liq javob berishini baholovchi va moliyalashtiruvchi maxsus institut shakllantirilishi lozim. Bugungi kunda investitsiya loyihalarini moliyalashtirishning noan`anaviy turlarini milliy iqtisodiyotimizga keng joriy etishda islomiy moliyalashtirish mexanizmlarini o‘zida mujassam etgan usullarni qo‘llashni taqozo etmoqda.

Ma`lumki, korxonalarda sanoat siyosati va investitsion jarayonlarni takomillashtirish, ularning istiqbolli yo`nalishlarini ishlab chiqish hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Xalqaro reyting va indekslar bilan ishlashda ilmiy salohiyat hamda amaliy faoliyat uyg‘unligini ta`minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2022 yil 18 maydagi RQ-246-son Qarori ijrosini ta`minlash maqsadida https://regulation.gov.uz/uz/d/66998 saytida Vazirlar Mahkamasining “O‘zbekistonning raqobatbardosh sanoat unumdorligi indeksida ko‘rsatkichlarini yaxshilash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori loyihasi [9] e`lon qilindi. Unda ta`kidlanishicha, 2022-2030

yillarda raqobatbardosh sanoat unumdorligi indeksida O‘zbekiston o‘rnini yaxshilash strategiyasi, 2022-2026 yillarda raqobatbardosh sanoat unumdorligi indeksida O‘zbekiston o‘rnini yaxshilash strategiyasini amalga oshirish bo‘yicha chora-tadbirlar dasturi va iqtisodiy faoliyat turlari umumdavlat tasniflagichi bo‘yicha yuqori va o‘rta-yuqori texnologiyali mahsulot ishlab chiqarishga ixtisoslashgan tarmoq va sohalarda faoliyat yurituvchi davlat va xo‘jalik boshqaruvi organlari ro‘yxati tasdiqlanadi. Mazkur hujjatda belgilanishicha:

- Iqtisodiy taraqqiyot vazirligi, Investitsiyalar vazirligi hamda Tarmoq bozorlari va ishlab chiqarishda mehnat unumdorligi tadqiqotlari markazi bilan birgalikda BMT Sanoatni rivojlantirish tashkiloti tomonidan e`lon qilinadigan raqobatbardosh sanoat unumdorligi indeksi yillik hisobotlari asosida hisobot rasmiy e`lon qilinganidan so‘ng bir oy muddatda past indikatorlar bo‘yicha tizimli kamchiliklarni bartaraf etish yuzasidan takliflarni ishlab chiqadi hamda Xalqaro reyting va indekslar bilan ishlash bo‘yicha respublika kengashi ishchi organlariga kiritib boradi;
- Respublika kengashi ishchi organlari indeksdagi past indikatorlarga mas`ul davlat organlari bo‘yicha soha va tarmoqlardagi mavjud kamchiliklarni bartaraf etish loyihalarini 2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekiston taraqqiyot strategiyasini amalga oshirishga qaratilgan har yillik davlat dasturlariga kiritadi.
- 2025 yil 1 sentyabrga qadar Iqtisodiy taraqqiyot vazirligi indeks tarkibidagi indikatorlarga mas`ul davlat organlari bilan birgalikda strategiyani amalga oshirish ikkinchi bosqichi bo‘yicha 2027-2030 yillarga mo‘ljallangan chora-tadbirlar rejasi va indeks past ko‘rsatkichlar bo‘yicha ilmiy tadqiqot loyihalarini amalga oshirish dasturini o‘rnatilgan tartibda Vazirlar Mahkamasiga kiritadi.

Jahon hamjamiyati mamlakatlarining rivojlanishi shuni ko‘rsatadiki, iqtisodiy rivojlanish modellari o‘zining abstraktligiga qaramay, bu modellar ijtimoiy-iqtisodiy vaziyatning o‘ziga xos xususiyatlarini hisobga olgan holda sezilarli natijalar berdi va o‘z samaradorligini ko‘rsatdi [6].

O‘zbekiston Respublikasining ijtimoiy-iqtisodiy holatini va uning o‘ziga xos xususiyatlarining tahlilini hisobga olib, biz import o‘rnini bosuvchi iqtisodiy o‘sish modelini taqdim etishga harakat qilamiz. Import o‘rnini bosuvchi iqtisodiy o‘sishning taklif etilayotgan modelimizning tizimi va murakkabligi shundaki, har bir qayd etilgan chora-tadbirlarning bir paytda qo‘llanilishi sharoitidagina, ijobiy natijaga erishishimiz mumkin:

Birinchidan, davlat mustaqilligi qo‘lga kiritilib, bozor islohotlarini amalga oshirishga kirishilgach, mamlakatimizda restriktsion pul-kredit siyosati amalga oshirilab boshlandi va bu jarayon hozirgacha davom etib kelmoqda. Shu bois, import o‘rnini bosuvchi ishlab chiqarishlarni tashkil etishga asoslangan sanoat siyosatini rag‘batlantirish maqsadida pul-kredit siyosati mexanizmlarini uumshatishni taklif qilamiz.

Ikkinchidan, maqbul chegaralar doirasida selektiv protektsionizm chora-tadbirlari mamlakatimizda ishlab chiqarish imkoniyati mavjud bo‘lgan muayyan tovarlarni mahalliy darajada ishlab chiqarishni qo‘llab-quvvatlash va rag‘batlantirish imkoniyatini beradi. Shu sababli, selektiv chora-tadbirlarning amalga oshirilishi mavjud vaziyatni ijobiy tomonga burishga xizmat qiladi.

Uchinchidan, selektiv rrotektsionizm choralaridan amaliyotda qo‘llanish va uning natijasida ko‘zlangan natijalarga erishish ushbu chora-tadbirlar qo‘llanilayotgan mahsulotlarga nisbatan import kvotalari qo‘llanilganda yanada samaraliroq hisoblanadi. Buning uchun ushbu tovarlarga bo‘lgan ichki talab hajmini, uni qondirishdagi mahalliy ishlab chiqarish ulushini aniqlash lozim.

To‘rtinchidan, mulkni davlat tasarrufidan chiqarish va xususiylashtirish bilan bog‘liq bozor o‘zgarishlari natijasida o‘z faoliyatini to‘xtatgan yoki belgilangan tartibda ishlamayotgan mavjud korxonalarning ishlab chiqarish faoliyatini qayta tiklash borasida ularni tiklash bo‘yicha zarur choralarni ko‘rish kerak.

Beshinchidan, qo‘shilgan qiymat solig‘i (QQS) dan ozod qilish shaklida import o‘rnini bosuvchi korxonalar (tarmoqlar)ni fiskal rag‘batlantirish import o‘rnini bosuvchi mahsulotlar

ishlab chiqarish bilan shug‘ullanuvchi korxonalarning xorijiy korxonalarga nisbatan raqobat mavqelarini mustahkamlashga xizmat qiladi.

Oltinchidan, xom ashyoni qayta ishlash bosqichi darajasidan kelib chiqqan holda adekvat bojxona tarif setkasidan foydalanish xom ashyoni chuqur qayta ishlash va yuqori qo‘shilgan qiymatli mahsulotlar yaratishni rag‘batlantiradi. Bu yo‘nalishda ham eksport, ham import uchun tarif stavkalaridan foydalanishni zarur deb hisoblaymiz.

Iqtisodiyotdagi tarkibiy islohotlarni yanada chuqurlashtirish, korxonalarning investitsion faoliyatini yanada jonlantirish, xorijiy investitsiyalarni, avvalo to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni keng jalb etish va ulardan samarali foydalanish, ishlab chiqarishni modernizatsiya qilish, texnik va texnologik qayta qurollantirish, yangi ish o‘rinlarini shakllantirish va shu asosda milliy iqtisodiyotimizni barqaror va jadal rivojlantirishni ta`minlash maqsadida respublika byudjetidan katta miqdorda mablag‘lar ajratilmoqda.

O‘zbekiston jahon hamjamiyati oldida o‘zining ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish darajasi, dunyo xaritasida geografik joylashishi, tabiiy resurslarining tarkibi va zaxirasi, hukumat olib borayotgan iqtisodiy siyosat va boshqa jihatlari bilan muhim rol o‘ynaydi. Xorijiy investitsiyalarni, avvalo to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni keng jalb qilish va ulardan samarali foydalanish, iqtisodiyotdagi tarkibiy islohotlarni yanada chuqurlashtirishda, korxonalarning investitsion faoliyatini yanada jonlantirishda, ishlab chiqarishni modernizatsiyalash, texnik va texnologik qayta qurollantirishda, yangi ish o‘rinlarini shakllantirish va shular asosida milliy iqtisodiyotimizni barqaror o‘sishini ta`minlashda muhim omil bo‘lmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномаси. / Халқ сўзи, 2020 йил 24 январь.

2. Абдувохидов А. Глобал инқироздан чиқишнинг ягона йўли-иқтисодий иммунитетни мустаҳкамлашдир. // Биржа газетаси. #55(2682) 19.05.2020

3. Baydaulet, E.A. Islomiy moliya asoslari - Toshkent: «O‘zbekiston» NMIU, 2019. - 432 b.

4. Ивонин С.В. Инвестиционная стратегия и рост экономического потенциала / М. Улуғбек номидаги Ўз МУ конференция материаллари. Тошкент. 2006. 267-бет.

5. Маматов М.А. “Инвестицияларнинг иқтисодий ўсиш сифатига таъсирини оширишнинг назарий асосларини такомиллаштириш” Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тақдим етилган диссертация автореферати. - Т.2019.

6. Otamurodova Z. O’zbekistonda investitsion muhitni rivojlantirish orqali mamlakat imijiga ijobiy ta’sirini kuchaytirish masalalari. “Intercultural Communication and Mutual Understanding” // Journal of Advanced Research and Stability. ISSN: 2181-2608 // Special Issue. www.sciencebox.uz/ | 2022 y., 294-298 b.

7. Супян В. Американская модель экономики. Характерные черты и современные особенности «Экономические стратегии - Центральная Азия», №4-2007, стр. 20-29. http://www.inesnet.ru/article/amerikanskaya-model-ekonomiki-xarakternye-cherty-i-sovremennye-osobennosti/

8. Ўзбекистон саноати қанчалик рақобатбардош? https://daryo.uz/k/2022/06/29/ozbekiston-sanoati-qanchalik-raqobatbardosh

9. Ҳукумат Ўзбекистоннинг рақобатбардош саноат унумдорлиги индексидаги кўрсаткичини яхшиламоқчи. https://kun.uz/news/2022/08/29/hukumat-ozbekistonning-raqobatbardosh-sanoat-unumdorligi-indeksidagi-korsatkichini-yaxshilamoqchi

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги маълумотлари. https://daryo.uz/k/2022/06/29/ozbekiston-sanoati-qanchalik-raqobatbardosh

11. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi statistika agentligi. O‘zbekiston Respublikasining ijtimoiy-iqtisodiy holati. 2022-yil yanvar-dekabr

Sobirov Ilxom Xusanovich
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti,
“Investitsiyalar va innovatsiyalar” kafedrasi dotsenti v.b.
Ashurova Nigora
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti 3 kurs talabasi

DAROMAD VA XARAJATLARNI BYUDJETLASHTIRISH MASALALARI

Annotatsiya: *Mazkur maqolada daromad va xarajatlar byudjetining shakllanishi tadqiq silingan hamda ishlab chitsarish korxonasining daromad va xarajatlari byudjetining namunasi tavsiya etilgan. Shuningdek daromadlar va xarajatlar byudjetini shakllantirish metodologiyasini takomillashtirish bo'yicha tavsiyalar ishlab chiqilgan.*

Kalit so‘zlar: *boshqaruv hisobi, byudjet, byudjetlashtirish, daromad va xarajatlar byudjeti, moliyaviy natija, sotilgan mahsulot tannarxi, sotish xarajatlari, ma’muriy-boshqaruv xarajatlari, asosiy faoliyatning foydasi, soliq to‘langunga qadar foyda, sof foyda, rentabellik.*

Respublikamizning iqtisodiy rivojlanishi va jahonning etakchi davlatlari safiga ko‘shilishi borasida izchil iqtisodiy islohotlar olib borilmoqda. Bank-moliya tizimi barqarorligini ta’minlash va byudjet-solik siyosatini izchil amalga oshirish, korxonalar faoliyatida kat’iy tejamkorlikka amal qilish kabi tadbirlar barqaror iqtisodiy rivojlanishning garovidir.

Bu xususda Prezidentimiz SH.M. Mirziyoev quyidagilarni ta’kidlaydi: “Barchamiz so‘zsiz tushunamiz, iqtisodiy isloxotlar va ijtimoiy o‘zgarishlarni muvaffakiyatli amalga oshirish eng avvalo iqtisodiy va moliyaviy organlarning faoliyati samaradorligiga bog‘liqdir. Ular yakin va uzoq istikbolga mo‘ljallangan, mamlakatimiz iqtisodiy qudratini mustaxkamlashga doir strategik vazifalarni nafakat ishlab chiqishi, balki amalga oshirishni ta’minlashi zarur”[1].

Darhaqiqat, moliyaviy va iqtisodiy organlarning samarali faoliyati orqali sanoat, qishloq xo‘jaligi, qurilish, transport va boshqa tarmoqlarni barqaror rivojlantirish mumkin. Iqtisodiyot tarmoqlari korxonalarida qat’iy tejamkorlikka rioya qilish, maxsulot sifatini oshirib borishda faoliyatni puxta ishlab chiqilgan rejalar asosida to‘g‘ri tashkil qilish muxim o‘rin tutadi.

Keyingi yillarda iqtisodiyot tarmoqlaridagi tarkibiy, mulkiy va huquqiy o‘zgarishlar xo‘jalik yurituvchi sub’ektlar faoliyatini rivojlantirishda rejalashtirish jarayonini byudjetlashtirish bilan to‘ldirib borishni taqozo etmoqda. Korxona moliya-xo‘jalik faoliyatini boshqarishga bo'lgan yondashuvdan kelib chiqqan xolda byudjetlashtirish ishonchli va xaqqoniy axborotlar asosida keyingi faoliyatni rejalashtirishda muxim o‘rin tutadi. Ko'pchilik iqtisodiy adabiyotlarda byudjetlashtirish va byudjet atamalariga turlicha fikr bildiriladi. Byudjetlashtirish o'z mohiyatiga ko‘ra moliyaviy natijalarni bashorat qilish, moliyaviy samaradorlikning maksadli ko‘rsatkichlarini belgilash, xarajatlarni minimallashtirish chora-tadbirlarini belgilash, faoliyatning moliyaviy barqarorligini asoslash va amalga oshirilayotgan loyihalar ustidan nazorat qilish maqsadida korxona faoliyatini tartibga solishga qaratilgan rejalashtirish, xisob, nazoratning umumlashgan texnologiyasini o‘zida mujassam qiladi. Byudjet esa muayyan byudjet davri uchun tuzilgan moliyaviy va miqdor ko‘rsatkichlarini o‘zaro aloqadorlikda korxona faoliyatini qamrab oluvchi muvofiqlashtirilgan moliyaviy rejadir.

Iqtisodiy adabiyotlar tahlil qilinganida byudjet va byudjetlashtirish, daromad va xarajatlar byudjetiga doir umumiy metodologik usullar yoritilganligini ko‘rishimiz mumkin.

“Byudjet” so'zi qadimgi normand tilidan olingan bo‘lib, “bougette” xalta, karmon, charm qop, pul to‘la qop degan ma’nolarni anglatadi [2]. B.Nidlz, M.Pauers, S.Millz va G.Andersonlarning fikricha: “byudjet - kelgusidagi iqtisodiy operatsiyalar, xo‘jalik faoliyati va natijalarni moliyaviy va nomoliyaviy ko‘rsatkichlar ifodasida bashorat qiluvchi xarakatlar

rejasidir” [3]. Rossiyalik iqtisodchi olimlar E.A.Anankina, S.V.Danilochkin va N.G.Danilochkinlarning fikricha, “byudjet - korxonaning yaxlit yoki alohida bo‘limlari faoliyatini miqdoriy aks etgan rejasidir” [4]. Respublikamiz iqtisodchi olimlari A.X.Pardaev va Z.A.Pardaevalarning fikricha, “byudjet - bu rejalashtirilgan faoliyatni amalga oshirishdan oldin tuziladigan moliyaviy hujjat xisoblanadi”.

Buyuk Britaniyadagi boshqaruv xisobi bo‘yicha Qirollik universiteti (CIMA) ma’lumotlariga kura, byudjetlashtirish iqtisodiy boshqaruvning eng mashhur vositasi xisoblanib, 80% kompaniyalarda qo‘llaniladi.

Ko‘pgina iqtisodchi olimlar byudjetlashtirishga turlicha yondashishadi, masalan - moliyaviy rejalashtirish jarayoni [7], moliyaviy nazoratni optimallashtirish vositasi [8], boshkaruv xisobi vositasi [9], korxona faoliyatini rejalashtirish va nazorat qilish vositasida byudjetlarni ishlab chiqish jarayoni [10], operativ boshkaruv uslubi [11].

Jahon tajribasiga ko‘ra byudjetlashtirish quyidagi ijobiy jihatlarga
ega:

- jamoaning ruhiyatini ko‘tarishga ijobiy ta’sir ko‘rsatadi;
- korxona faoliyatini yaxlit holda muvofiklashtirish imkonini beradi;
- byudjetga o‘z vaqtida tuzatishlar kiritish imkoniyati mavjud;
- oldingi davrlarda tuzilgan byudjetlarning ijobiy jihatlarini olish imkoniyati mavjud;
- resurslarni taqsimlash jarayonini takomillashtirish imkoniyati mavjud;
- rejalashtirilgan va erishilgan natijalarni taqqoslash vositasi bo‘lib xizmat qiladi.

Byudjetlashtirishning salbiy jihatlariga quyidagilarni kiritish mumkin:

- Byudjetlashtirish tizimining murakkabligi va qimmatga tushishi;
- Byudjet buyicha ma’lumotlarning har bir xodimga etib bormasligi ularning ish natijalariga va ruhiyatiga ta’sir etmasligi;
- Byudjetlashtirish tizimidagi arzimagan o‘zgartirish reja va xisobot ko‘rsatkichlarini qaytadan ko‘rib chiqish va byudjetni boshqatdan tuzishni taqozo etishi mumkin.

Umuman olganda byudjetlashtirishning ahamiyati quyidagilarda ko‘rinadi: rejalashtirish va boshqaruv qarorlarini qabul qilish; kompaniya moliyaviy barqarorligining barcha jihatlarini baholash; korxona tashkiliy tuzilmalari tomonidan moliyaviy tartib-intizomni mustahkamlash; alohida xo‘jalik faoliyati va tarkibiy tuzilmalar faoliyati samaradorligini uzluksiz nazorat qilish; kompaniya moliyaviy xolatidagi o‘zgarishlar ustidan doimiy nazorat qilish.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida aynan byudjetlashtirish asosiy rejalashtirish jarayoni bo‘lib, boshqaruvning muhim funksiyasini tashkil qiladi. Byudjetlashtirishning jahon tajribasiga e’tibor qaratiladigan bo‘lsa, uning tashkiliy, metodologik va dasturiy -texnik muammolarini ko'rib o'tish mumkin. Metodologik xarakterdagi asosiy kamchiliklar sifatida byudjetlarning yagona tasnifi, byudjetlarni ijro etishda taxlil va nazorat qilish texnologiyasi, moliyaviy natijalar va moliyaviy xolatni baholashning optimal metodikasi mavjud emasligini keltirib o‘tish mumkin.

Byudjetlarni tasniflashning asosiy muammolariga quyidagilarni kiritish mumkin: byudjet moddalari bo‘ysunuvchanligi belgilanmagan; byudjet nomlanishida yagona terminologiya mavjud emas; muayyan bir xil ko‘rsatkich turlicha talqin etiladi. Korxona moliya-xo‘jalik faoliyatidan kelib chiqqan holda uning faoliyatini xar tomonlama qamrab olgan, shuningdek yakuniy moliyaviy natijalarni tavsiflovchi byudjetlarning kompleks tizimi samarali hisoblanadi. Bu kabi byudjetlarni tuzish yagona axborot bazasini shakllantirishni taqozo etadi. Mazkur axborot bazasi xar bir byudjet uchun xisob-kitob ko‘rsatkichlarini aniklash, ularni xisob-kitob qilish, ma’lumotlar bazasini shakllantirish imkonini berishi kerak.

Daromad va xarajatlar byudjeti kompaniya faoliyati samaradorligini boshqarishni ta’minlaydi. Amaliyotda foydaning bir nechta turlari mavjud: yalpi foyda, marjinal foyda, operatsion foyda, solik to‘langunga qadar foyda va sof foyda. Daromad va xarajatlar byudjetining mazkur ko‘rsatkichlari muayyan maqsadga xizmat qiladi.

Menejerlar uchun xisob siyosati masalalari murakkab va unchalik muhim emas bo‘lib tuyuladi. Ammo menejerlar boshqaruv xisobotlari, masalan daromad va xarajatlar byudjetini

qabul qilishda foyda va zarar miqdori xususida juda ko‘plab savollar (nima uchun o‘tgan yilga nisbatan foyda kam, nima uchun xarajatlar oshib bormoqda) berishadi.

Xisob siyosatining asosiy qoidalarini tushunmaslik oqibatida menejerlar moliyaviy xisobot ma’lumotlarini, daromad va xarajatlar byudjeti ma’lumotlarini talqin qiladi.

YAna bir bor shuni ta’kidlash joizki, buxgalteriya xisobining asosiy tamoyillarini bilmaslik, samarasiz qarorlarni qabul qilinishiga va muammoli vaziyatlarning o'z vaqtida aniqlanmasligiga olib keladi.

Moliyaviy byudjetlarning uchta asosiy turi mavjud: daromad va xarajatlar byudjeti, pul mablag‘lari xarakati byudjeti, balans moddalari byudjeti.

Moliyaviy byudjetlar bilan birgalikda operatsion byudjetlarning 10 dan ortiq turi ham mavjud. Operatsion byudjetlar byudjetlashtirish ob’ektlariga karab turlicha buladi (sotish byudjeti, ishlab chikarish byudjeti, sotish xarajatlari byudjeti va xokazo).

Ўзбекистондаги замонавий шароитда агротуризм соҳасининг асосий йўналиши, биринчи навбатда, ички туристик бозорга йўналтирилиши керак. Бир қатор ҳудудлар агротуризмни ташкил этишда амалий тажрибага эга. Шундай қилиб, мамлакат ҳудудлари орасида биринчилардан бўлиб агротуризмни ривожлантириш зарур ҳисобланади.

Шундай қилиб, агротуризмнинг фаол ривожланиши ҳар қандай мамлакат учун жуда муҳимдир. Агротуризм миллий даражада рағбатлантирилади ва қишлоқни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг ажралмас қисми ҳисобланади. Баъзи мамлакатларда қишлоқлар ва қишлоқларга сайёҳлик саёҳатлари денгизда дам олишдан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Бундан ташқари, туризмнинг ушбу турини ривожлантириш миллий қишлоқ ландшафтларини муҳофаза қилиш ва дам олишнинг асосий йўналишига айланди.

Агротуризмни ривожлантириш Ўзбекистоннинг деярли барча минтақалари учун долзарб ва истиқболли. Бой маданий мерос ва табиий хилма-хиллик мамлакатни туризм ўсиши мумкин бўлган мамлакатлар орасида дунёда таниқли ўринга қўяди. Ўзбекистонда ва чет элларда туризмни ривожлантириш тенденциялари шуни кўрсатадики, Ўзбекистон учун туризмнинг янги турлари ривожланиши керак бўлган имкониятларга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Туризм: проблемы и перспективы развития : сб. науч. ст. / Карельский ин-т туризма филиал НОУ ВПО Рос. междунар. акад. туризма ; [редкол.: Павлова Э.Н. и др.]. - Петрозаводск : Карельский науч. центр РАН, 2015. - 165 с.
2. Туризм - фактор устойчивого развития региона : сб. ст. регион. науч.-практ. конф. с междунар. участием / редкол.: Н.Н. Гировка [и др.]. - Н. Новгород : ННГАСУ, 2013. - Вып 3. - 108 с.
3. Туризм в Республике Карелия : стат. сб. / Карелиястат. - Петрозаводск : Карелиястат, 2012. - 40 с.

Sultonov Shodiyor Abdixalilovich
SamISI dosenti, i.f.n.,
Muxammadiyev Kamoliddin G‘ulomiddinovich
SamISI, mustaqil tadqiqotchisi

XIZMAT KO‘RSATISH SOHASIDA RESURSLARDAN SAMARALI FOYDALANISH YO‘LLARI

Annotasiya: *Ushbu maqolada xizmat ko’rsatish korxonalarida resurslardan samarali foydalanish yo’llari, xizmat ko’rsatish samaradorligini oshirish manbalari va omillari, samaradorlikni tahlil qilishda uning unumdorlik bilan o’zaro aloqadorligini baholash, xizmat ko’rsatish tarmoqlarini rivojlantirish, tarmoqlarida iqtisodiy o’sish sur’atining dinamikasini hamda xizmat ko’rsatish tarmoqlarini samarali rivojlantirishning o’ziga xos xususiyatlari tadqiq qilingan.*

Tayanch so‘zlar: *xizmat ko’rsatish sohasi, xizmat ko’rsatish jarayoni, samaradorlik, mehnat unumdorligi, iqtisodiy o’sish, asosiy fondlar, bandlar, ichki omillar, tashqi omillar, iste’molchilar.*

Аннотасия: *В стате исследуюця способы ефективного исползования ресурсов на предприятиях сферы услуг, источники и факторы повышения ефективности услуг, осенка ее взаимосвязи с производителностю при анализе ефективности, развитие отраслей сферы услуг, динамика экономического роста в отраслях и особенности ефективного развития сферы услуг.*

Ключевые слова: *сфера услуг, просесс обслуживания, ефективност, производителност труда, экономический рост, основные фонды, части, внутренние факторы, внешние факторы, потребители.*

Annotation: *In the article is investigated the ways of efficient use of resources in service enterprises, sources and factors of services efficiency, assessing its effective strength in order to analyze productivity, development of service sectors, the dynamics of economic growth in the sector and the specifics of service sector effective development.*

Key words: *branch of the service, the process of service, effectiveness, productivity of labor, economic growth, basic funds, parts, internal factors, external factors, consumers.*

Raqamli iqtisodiyotni rivojlanishi sharoitida xizmat ko’rsatish korxonalari resurslardan oqilona foydalanish yo’llarini aniqlovchi vosita sifatida ishlab chiqarish (xizmat ko’rsatish) samaradorligini oshirishning manbalari va omillarini tadqiq etish muhim hisoblanadi. Hozirgi vaqtda amalga oshirilayotgan iqtisodiy islohotlar milliy iqtisodiyotning samarali rivojlanishiga qaratilishi zarur. Bunda xizmat ko’rsatish sohasini samarali rivojlantirish aholiga ko’rsatiladigan xizmatlar sifatini oshirishni hamda ularning turli xil talablarini to’liq qondirishni nazarda tutadi. Respublikamizda amalga oshirilayotgan islohotlar milliy iqtisodiyot samaradorligini oshirishga qaratilishi lozim. Uning tarkibiy qismi bo’lib hisoblangan xizmat ko’rsatish sohasini rivojlantirish aholini xizmat sifatini oshirish uning turli xildagi talablarini qondirish muhim yo’nalishlardan biri hisoblanadi. Xizmat ko’rsatish korxonalari samaradorligini tahlil qilishda uning unumdorlik bilan o’zaro aloqadorligini baholash muhim o’ringa ega bo’lib, bunda unumdorlik umumiy samaradorlikni aniqlashda miqdoriy yondashuvni belgilovchi ko’rsatkich hisoblanadi. Xizmat ko’rsatish tarmoqlarining kengayib borishi rivojlangan mamlakatlarning yalpi ichki mahsulot tarkibini ham o’zgarishiga o’z ta’sirini ko’rsatmoqda. Bugungi kunda muayyan davlatni rivojlangan davlatlar qatoriga qo’shish uchun uning yalpi ichki mahsulot tarkibida xizmat ko’rsatish sohasining ulushi 65-70 foizdan yuqori bo’lishi asosiy mezon hisoblanadi. Respublikamiz iqtisodiyoti rivojlanishining bugungi kundagi bosqichida servis xizmatlari soni va sifatiga qo’yilayotgan talablar oshib bormoqda. Bu esa xizmat ko’rsatish tarmoqlarida iqtisodiy o’sishning omillarini aniqlash hamda iqtisodiy samaradorlikka erishishni zarurat etadi. Shuningdek, xizmat ko’rsatish korxonalarining milliy va xalqaro bozorlardagi mavqyei va raqobatbardoshligini oshirish hamda xizmatlar sifatini oshirish hisobiga uning eksporti hajmini ko’paytirish sohada iqtisodiy o’sishga erishishda muhim omil hisoblanadi.

Korxonalarda samaradorlikni tahlil qilishda uning unumdorlik bilan o’zaro aloqadorligini baholash muhim o’ringa ega bo’lib, bunda unumdorlik umumiy samaradorlikni aniqlashda miqdoriy yondashuvni belgilovchi ko’rsatkich hisoblanadi. Xizmat ko’rsatish

korxonalarida mehnat unumdorligini aniqlashda yaxlit soha bo'yicha yalpi mahsulot, ish bilan band bo'lganlar soni ko'rsatkichlaridan foydalaniladi. Hozirgi davrda mehnat unumdorligining yangi konsepsiyasi xarajatlarni kamaytirishga asoslangan, vaqt jihatidan kengayib boradigan samarali va doimiy imkoniyatlarga ega bo'lgan iqtisodiy resurslar tejamkorligini aynan o'zi bo'lmay, balki iste'mol jarayonida ishtirok etuvchi insonning o'zini rivojlanishidagi sifat o'zgarishlardan iboratdir. Ushbu konsepsiyani amalga oshirish ishlab chiqarishning muhim ekanligi bo'yicha darajalashtirilgan. Istiqbolli ijtimoiy ehtiyojlarga qaratishni taqozo etadi. Mehnat unumdorligini oshirish yalpi ichki mahsulot dinamikasini aniqlash bilan birga, ishlab chiqarish chiqimlarini kamaytirish tamoyillariga javob beradi va bu bilan bozor iqtisodiyoti sharoitida boshqaruv jarayonining pirovard natijalar mezoni bo'lib xizmat qiladi. Xizmat ko'rsatish sohasida mehnat unumdorligini oshishining makroiqtisodiy ko'rsatkichlari ijtimoiy va iqtisodiy rivojlanish mutanosibliklarini, ularning bozordagi muvozanat shartlariga muvofiqligini nazorat qilish imkoniyatini beradi.

Xizmat ko'rsatish sohasi tarmoqlarida mehnat unumdorligini hisoblashda tarmoqda yaratilgan yalpi mahsulot hajmini jami tarmoqda band bo'lganlar soniga nisbati aniqlanadi. ,

MUt = YM / B

(1) bu yerda: MUt – xizmat ko'rsatish tarmog'ida mehnat unumdorligi ko'rsatkichi,

(2) YM – tarmoqda yaratilgan yalpi mahsulot,

(3) B – tarmoqda bandlar soni.

Xizmat ko'rsatish tarmoqlarida mehnat unumdorligini aniqlashning ushbu ko'rsatkichini joriy etish quyidagilarga asoslanadi: . Xizmat ko'rsatish sohasida faoliyatning bir qancha turlari bo'yicha xizmatlarni ishlab chiqishning natura ko'rsatkichlarini qo'llash unumdorlikni hisoblash jarayonini murakkab qilib qo'yadi. 2.Respublikamizning milliy hisoblari tizimini tamoyillariga muvofiq statistika uchun ishchi-xodimga xarajatlar va ishlab chiqarish (xizmat ko'rsatish) hajmi kabi ko'rsatkichlar o'rtasida konkret aloqa mavjud emas. Mazkur ko'rsatkichlar o'rtasidagi munosabatlarni moddiy ishlab chiqarishning muayyan tarmoqlarida aniqlash mumkin. Xizmat ko'rsatish sohasining asosiy tarmoqlarida yalpi mahsulot hajmi ishchi kuchining qiymatida sarf-xarajatlar asosida aniqlanadi hamda yalpi qo'shilgan qiymat va mehnat sarfi o'rtasidagi bog'liqlikni ifodalaydi. Shunga ko'ra, ko'pincha iqtisodiy samaradorlik nolga yaqin bo'ladi. Ba'zan noldan past bo'lish ehtimoli ham mavjud bo'ladi. Shuning uchun xizmat ko'rsatish korxonalarida mehnat unumdorligini hisoblashda tarmoqda band bo'lganlar ishchi-xodimlar statistikasidan foydalaniladi. 3. Taqdim etilayotgan tarmoqdagi statistik ma'lumotlarni iqtisodiyotning boshqa tarmoqlaridagi statistik ko'rsatkichlar bilan taqqoslash maqsadida yagona usul hamda yagona statistik baholash asosida amalga oshirish zarurdir. Mazkur holatda ishlab chiqarilgan xizmatlar, ishchi-xodimlarning o'rtacha soni, asosiy fondlar qiymatini turli darajadagi va turli tarmoq ko'rsatkichlari shakllanadi. Xizmat ko'rsatish tarmoqlarida yalpi qo'shilgan qiymat (YQ) ko'rsatkichi qiymatga ega ko'rsatkich bo'lgani uchun, biz, deflyator (taqqoslash) usulini qo'lladik, ya'ni yalpi qo'shilgan qiymat hajmini taqqoslama ko'rinishda bayon qilamiz. Qiymat ko'rsatkichlarini taqqoslash maqsadida deflyatorlardan (taqqoslanuvchi indekslar) foydalaniladi. Xizmat ko'rsatish jarayoni – bu xizmat ko'rsatuvchining iste'molchi bilan o'zaro munosabatda bo'ladigan faoliyati hisoblanadi. Xizmat ko'rsatish jarayoni tarmoq korxonalarining iqtisodiy resurslari orqali ta'minlanadi. Xizmat ko'rsatish jarayoni o'z tarkibiga iste'molchilarning buyurtmalarini tahlil etish, loyihalarni ishlab chiqish, ya'ni tashkiliytexnik vazifalar hamda xizmat ko'rsatish jarayonini realizasiya qilish, xizmat sifatini oshirish hamda ularni iste'molchilarga yetkazish tartibi va sharoitlarini o'z ichiga oladi. Iqtisodiyotning innovasion rivojlanishi sharoitida respublikamizda o'z faoliyatini amalga oshirayotgan soha mutaxassislari xizmatlar jarayonining barcha xususiyatlari yuzasidan yuqori kasbiy bilim darajasi va malaka talablariga ega bo'lishi lozim. Bu esa xizmat ko'rsatish korxonalarida iqtisodiy resurslardan foydalanish samaradorligini oshirish evaziga xizmat ko'rsatish natijadorligiga erishishni hamda xizmatlar sifatini yaxshilashni ta'minlaydi.

Xizmatlar sifati ko’pincha xizmatlarni ishlab chiqarish uslublariga bog’liq bo’ladi. Xizmat ko’rsatish uslublari servis korxonalari va tashkilotlarining turlari va ixtisoslashuviga bog’liq. Xizmat ko’rsatish sifatiga mehnat sharoitlari bevosita bog’liq bo’lib, ushbu jarayonda iste’molchiga ta’sir etadi. Xizmat ko’rsatish korxonasi faoliyatining samaradorligi korxonalar rahbarlarining tashkiliy-boshqaruv va tashkiliy-iqtisodiy jarayonlarini ilmiy asosda tashkil etishiga bog’liq. Xizmat ko’rsatish korxonasining tashkiliy-boshqaruv faoliyati o’z ichiga quyidagilarni oladi:

– xizmat ko’rsatish korxonasining faoliyatini rejalashtirish, xizmatlar bozori kon’yunkturasining yoki xizmatlar assortimentining o’zgarishi natijasida korxona rivojlanishining istiqbolini belgilash;

– ishlab chiqarish va noishlab chiqarish xarajatlarini baholash;

– xizmatlar assortimenti va sifat darajasini inobatga olgan holda texnologik asbob uskunalar va texnik vositalar tarkibini optimallashtirish;

– iste’molchilar bilan ishlash uchun ijtimoiy-psixologik layoqatga ega bo’lgan mutaxassislarni tanlash;

– xizmat ko’rsatish xodimlari kasbiy mahorati va malaka darajasini oshirish;

– mehnat unumdorligini oshirish hisobiga intensiv rivojlanishni ta’minlash;

– ishlab chiqarish jarayoni va xizmat ko’rsatish faoliyatini texnik qurollantirish;

– ishlab chiqarish xizmat ko’rsatish xarajatlari samaradorligini baholash;

– xizmat ko’rsatish natijalarini oshirish.

Эргашев Ислом Исмоилович
И.ф.ф.д., СамИСИ докторанти
Тел. 93 7207977,
e-mail: stern_58@mail.ru

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Аннотация *Мақолада хизмат кўрсатиш корхоналари инвестицион жозибадорлигининг моҳияти, унинг миқёсига кўра таснифланиши келтирилган ҳамда унга таъсир этувчи омиллар таҳлили амалга оширилган.*

Аннотация *В статье представлена сущность инвестиционной привлекательности предприятий сферы услуг, ее классификация по масштабам, а также проведен анализ влияющих на нее факторов.*

Annotation *The article presents the essence of the investment attractiveness of service sector enterprises, its classification by scale, and also an analysis of the factors influencing it.*

Калит сўзлар: *Инвестиция, хизмат кўрсатиш корхонаси, инвестицион жозибадорлик, омиллар.*

Ключевые слова: *Инвестиция, предприятие сферы услуг, инвестиционная привлекательность, факторы.*

Key words: *Investment, service sector enterprise, investment attractiveness, factors.*

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги босқичида миллий ривожланиш стратегиясининг бош масаласи бўлиб, барқарор ва жадал суръатлар билан иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳисобланади. Бу жараённинг асосини ташкил этувчи омиллар сифатида бир қатор ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг ресурслар билан таъминланиши борасида инвестицияларнинг мақсадли шакллантирилиши ва улардан самарали фойдаланиш кабиларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Иқтисодий тизимнинг ривожланиши қўшимча қўйилмаларни, яъни инвестицияларни жалб қилишни талаб қилиб, унинг мақсади, тури ва ҳажмига қараб инвесторлар томонидан амалга оширилади. Мамлакатимизда замонавий иқтисодиёт тармоқларини моддернизациялаш жараёни билан боғлиқ иқтисодий ҳолатнинг ўзгариши инвестициялаш мақсадида қўлланилиши мумкин бўлган вақтинча бўш пул маблағлари ҳажмига таъсир этади ҳамда капитал қўйилмалар самарадорлигини ва инвестицион жозибадорликни аниқловчи барча омиллар ҳисобини тўлиқ баҳолаш заруратини юзага келтиради.

Инвестицион жозибадорлик объект тавсифи сифатида муайян бир миқёсда, яъни бирон бир лойиҳа, корхона, минтақа, тармоқ ҳамда мамлакат даражасида кўрилиши мумкин. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур тизимда корхона асосий таянч нуқта ҳисобланиб, ҳар бир инвестицион лойиҳа муайян бир корхона миқёсида амалга оширилади, ушбу корхона эса иқтисодий фаолияти туридан келиб чиқиб, у ёки бу тармоққа (соҳага) тегишли бўлади. Шунингдек, ушбу корхона маълум бир минтақада жойлашганлиги сабабли у минтақавий инвестицион жозибадорликни акс эттирса, барча минтақалар бирлаштирилганда мазкур кўрсаткич мамлакат даражасида акс эттирилади. Шуни таъкидлаш жоизки, муайян даражадаги инвестицион жозибадорлик бошқа даражадаги кўрсаткичдан фарқланиши мумкин. Масалан, маълум бир тармоқда инвестицион жозибадорлик ушбу тармоқда фаолият юритадиган алоҳида корхонанинг инвестицион жозибадорлигидан паст даражада ёки акси бўлиши мумкин. Шуни ҳам ёддан чиқармаслик керакки, инвестицион жозибадорликни баҳолашда унинг даражалари ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд бўлиб, хорижлик инвесторлар маълум бир лойиҳа ёки корхонага инвестиция киритиш қарорини қабул қилаётганда бутун мамлакат ёки минтақанинг инвестицион жозибадорлигини ҳисобга оладилар. Шундай экан, инвестицион жозибадорликни ички ва ташқи муҳит орқали аниқланадиган инвестициялаш объектининг ҳолати сифатида таърифлаш мумкин.

Иқтисодиётнинг алоҳида тармоқларида инвестицион жозибадорлик унинг алоҳида соҳалари ривожланишининг истиқболлари, инвестицияларнинг даромадлилиги ва инвестицион хавф-хатарлар даражаси нуқтаи назаридан тушунилиши керак.

Корхонанинг инвестицион жозибадорлиги – ушбу корхонанинг инвестор учун жозибадорлик даражаси бўлиб, инвесторга фойда келтира олиш қувватига боғлиқ (инвестицион потенциал) ва қатор ташқи омиллар билан чегараланган бўлади.

Кенг маънода қаралганда, инвестицион жозибадорлик – бу ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, молиявий ва бошқарув муносабатлари тизими бўлиб, муайян бир «хўжалик субъекти»га инвестиция киритишнинг мақсадга мувофиқлигини таҳлил қилиш жараёни ҳисобланади.

Шу билан бирга, инвестицион жозибадорлик инвестициялашдан кутилаётган мақсадларга эришиш эҳтимолининг даражаси билан ифодаланиб, инвестициялаш жараёнининг фаол иштирокчилари бўлган иқтисодий агентларнинг шахсий қизиқишларида ўз ифодасини топади. Инвесторнинг ушбу жараёнда белгиланган мақсадларга эришиш эҳтимолини мукаммал ўрганишининг асосий сабаби, инвестициялаш жараёни – аниқ кафолатланган натижа билан тугамайдиган жараёндир. Инвестициялаш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш маълум даражадаги таваккалчиликни ўз ичига олади.

Инвестицион жозибадорликни бошқариш мақсадида амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалардан бири уни ошириш усулларини ишлаб чиқиш ҳисобланиб, бу инвестицион жозибадорликни ошириш тузулмасини аниқлашнинг зарурати юзага келади.

Мавжуд тасаввурларга кўра, хизмат кўрсатиш соҳасида ташқи муҳитнинг ўзгариши корхоналар фаолияти натижасига ўз таъсирини ўтказади. Ушбу ўзгаришларнинг баъзилари корхонанинг ўзи томонидан белгиланиши ёки мавжуд эҳтиёжларидан келиб

чиқиб, вужудга келиши мумкин. Масалан, инвестициялар жалб қилишга эҳтиёж натижасида корхонанинг инвестицион жозибадорлигини ошириш зарурати вужудга келади. Хизмат кўрсатиш корхонасининг мавжуд ҳолати хусусияти сифатида инвестицион жозибадорликка ички (эндоген) ва ташқи (экзоген) омиллар таъсир қилади. Таъкидлаб ўтилган омиллар ўз моҳиятига кўра, ўзаро алоқадор ҳисобланади, яъни бир-бирига маълум даражада таъсир ўтказади ва натижада инвестицион жозибадорликнинг эндоген омиллари инвестициялашнинг баъзи чекловлари тизими сифатида амал қилади. Буни янада аниқроқ тасаввур қилиш учун қуйидаги далилларни келтирамиз, яъни, корхонанинг инвестицион фаолиятини жадаллаштириш истаги молиявий ҳамда бошқа ресурс имкониятлари билан чекланади, уни кенгайтириш жараёнини бошқариш эса ўз навбатида корхона персонали қаршилиги билан чекланиши мумкин. Бошқача айтганда, хизмат кўрсатиш соҳасида корхона инвестицион жозибадорлигининг ички омиллари бошқарилувчан ва ўзгарувчандир. Шундай экан, ушбу омилларни назорат қилиш ва бошқариш орқали инвесторлар учун алоҳида турдаги инвестицион жозибадор корхонани вужудга келтириш мумкин.

Экзоген омиллар, эндоген омиллардан фарқли ўлароқ, хизмат кўрсатиш соҳаси корхонаси томонидан бошқариш имконига эга эмас, яъни улар томонидан назорат қилинмайди. Шу сабабли ташқи муҳитни мунтазам мониторинг қилиб бориш вазифаси вужудга келади ва унинг таъсирини ҳисоблаш максимал даражада олиб борилиши зарур.

Инвестицион жозибадорликни белгиловчи муайян даражада аҳамиятли омиллар ёки сабабларни аниқлаш масаласига қайтар эканмиз, хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарининг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқишда мавжуд илмий тадқиқот ишларининг таҳлили ва умумлашган натижаларига асосланиб, бизнинг фикримизга кўра, нисбатан аҳамиятли деб ҳисоблаган қуйидаги гуруҳ омилларини келтириб ўтишни ўринли деб топдик, яъни:

– хизматлар бозоридаги рақобат;
– инвестицион муҳит;
– хизматларнинг ижтимоий мазмуни;
– хизмат кўрсатиш корхоналарининг ривожланганлик даражаси.



1-расм. Хизмат кўрсатиш корхонасининг инвестицион жозибадорлигига таъсир этувчи омиллар гуруҳи

Рақобат – хизматлар бозорида инвестицион жозибадорликни баҳоловчи омил сифатида инвесторнинг таваккалчилиги миқдорини белгилайди. Шу сабабли, анъанавий эркин рақобатли бозорларда инвесторнинг даромади олигополия ёки монополия сифатида ривожланаётган бозорларга нисбатан пастроқ бўлади. «Рақобат» омилининг иқтисодий

мазмуни ушбу бозорда вужудга келган тўсиқларга, унинг ривожланганлик даражасига боғлиқ бўлади.

Инвестор маблағлар киритишидан олдин инвестициялаш соҳасидаги инвестицион ҳолатни ҳеч бўлмаганда тахминан билиши керак, қайсики маълум даражада кўрилаётган бозорда рақобатнинг шакли билан белгиланади ҳамда ишончли услубларга асосан унинг динамикасини истиқболлаштирилиши керак.

Инвестицион муҳит деганда ижтимоий, иқисодий, ҳуқуқий, сиёсий, сиёсий-маданий муносабатларнинг умумлашган хусусиятларининг мажмуи тушунилиб, у ёки бу хўжалик тизимига (мамлакат, минтақа, корпорация иқтисодиёти) инвестиция киритишнинг жозибадорлигини олдиндин аниқлаб бериш имконини беради.

Шундай қилиб, инвестицион муҳит деганда кенг маънода хўжалик субъектининг (субъектни тўлиқроқ тавсифловчи ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-маданий ва молиявий кўрсаткичлар мазмунининг мажмуаси) инвестициялаш жараёнига тайёрлиги ҳолатини тушуниш лозимдир. Бу хўжалик субъектининг объектив ижобий тавсифи ҳисоблансада, лекин инвестор томонидан инвестиция киритиш тўғрисида қарор қабул қилинишида инвестицион муҳит ҳал қилувчи аҳамият касб этмайди, балки «инвестицион жозибадорлик» ҳал қилувчи ҳисоблансада, у ҳам «инвестицион муҳитга» асосланади, лекин улар мазмунан бир хил эмас.

Бизнинг фикримизча, хизмат кўрсатиш соҳаси хўжалик субъектларининг инвестицион сиёсатини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқиладиган йўналишлар давлат миқёсида иқтисодий сиёсатни амалга ошириш бўйича қабул қилинаётган чора-тадбирлар дастури билан узвий боғлиқликда қаралиши керак ва бу турли тармоқ ва фаолият соҳаларида мавжуд муаммоларни тизимли ҳал қилиш имконини беради. Инвестицион фаолият ва амалга оширилаётган инвестицион сиёсат бутун бир хўжалик юритишнинг макроиқтисодий тизимидан алоҳида равишда самарали ривожлана олмайди. Шу сабабли давлат ҳокимияти миқёсида қабул қилинаётган бошқарув қарорлари барча даражадаги бошқарув тузилмалари билан мувофиқлаштирилиши ва алоҳида тармоқ ва фаолият соҳаларининг талабларига жавоб бериши керак. Бундай шарт-шароитларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг юқори кўрсаткичларига нафақат алоҳида тармоқлар, ҳудудий тузилмалар миқёсида, балки бутун мамлакат миқёсида эришишнинг имкони туғилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Эргашев И.И. Хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион-инвестицион жараёнларни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Самарқанд, 2018. 170-б.

2. Бланк И.А. Финансовый менеджмент. Учебный курс. 2-е изд., перераб. и доп. – К.: Эльга, Ника-Центр, 2004. - 656с.

Rafiyeva Zarina Xusanovna
SamISI, “Investitsiya va innovatsiyalar” kafedrasi assistenti
Esanov Javohir Mardon o’g’li
SamISI, Bank-moliya xizmatlari fakulteti 4-kurs talabasi

CHIQINDINI QAYTA ISHLASH SOHASIDAGI YANGLIKLAR VA O’ZBEKISTON UCHUN AHAMIYATI

Annotatsiya*: Mazkur maqolada chiqindilarni qayta ishlash texnologiyasi, qayta ishlashdagi moliyaviy va infratuzilmaviy muammolar va Prezidentimiz tomonidan amalga oshrilgan qonun, loyhalarga va jahon miqiyosidagi yangliklarga keng to’xtaldik.*

Kalit so’zlar*: MDH, maishiy chiqindilar, issiqxona gazlari, EPR, plastik, alyuminiy, geotekstil, polimer geomembrana, yengil sanoat uchun sintepon.*

Abstract*. In this article, the recycling technology for waste materials, financial and infrastructural challenges in recycling, and the law enacted by our President are highlighted. The focus is on the significance of the law for local and global sustainability.*

Key terms*: MDH, household waste, greenhouse gases, EPR, plastic, aluminum, geotextile, polymer geomembrane, synthetic fiber for light industry.*

Chiqindini qayta ishlash sohasidagi yangiliklar, O'zbekiston va dunyo uchun muhimlik ta'minlashda katta roli o'ynaydi. Bu yangiliklar, sanoat tarmoqlarini, ishlab chiqarish jarayonlarini, va energiya tizimlarini yanada rivojlantirish orqali, O'zbekistonni iqtisodiy va ekologik o'sishda ilg'or bosqichga olib chiqishi, uning dunyo bo'ylab yangi bosqichlarga olib chiqish imkoniyatini ta'minlaydi.Bu O'zbekistonning va dunyo iqtisodiyoti uchun e'tirof etilgan va katta o'zgarishlar olib kelgan mavzu. O'zbekiston, sanoat va chiqindini qayta ishlash sohasidagi yangiliklarga ilg'orlash va ularda rivojlanish, mamlakatni dunyo bo'ylab iqtisodiy rivojlanishda muhim o'rin egallamoqda. Bu yangiliklar, har bir mamlakatning o'zining sanoat tizimini yanada rivojlantirish va energiya tizimlarini yangilashda katta muhimlik kasb etmoqda. Shu bilan birga, O'zbekiston dunyo bo'ylab xalqaro savdo hamkorliklarini rivojlantirish uchun chiqindini qayta ishlash sohasidagi yangiliklarni qo'llab-quvvatlashda katta qadam tashlagan. Xalqaro savdo aloqalari va innovatsion proyektlar orqali mamlakat, yangi bozorlarga kirish, xorijiy investitsiyalarni jalb qilish, va yangi texnologiyalar bilan tanishish orqali, dunyo iqtisodiyoti bilan integratsiyalashish imkoniyatiga ega bo'ldi. Har yili butun dunyo bo’ylab umumiy hisobda tahminan 2.12 milliard tonna chiqindi tashlanadi. Agar biz bu chiqindilarni yuk mashinalariga joylasak ularning uzunligi yer yuzini 24 marotaba aylanishiga yetadi. Ekalogiya vazirligi vakillari tasdiqlagan malumotlarga ko’ra maishiy chiqindilaring 7 million tonnasi O’zbekiston aholisi hissasiga to’g’ri keladi va bu ko’rsatkich kundan kunga o’sib bormoqda, shuningdek o’zbekistonda 300 ga yaqin chiqindilarni qayta ishlash korxonalari mavjud va bu umumiy chiqindining 25-30 % nigina qayta ishlash imkonini yaratadi. [87]

Bu sohada O’zbekistondagi holat hamda qilinayotgan etibor:

Ekologiya, atrof muhit himoyasi va ikhtiyoriy o'zgarishlar vaziri Aziz Abduxakimov, Osiyo banki rivojlanish bo'sh sohasi direktori Norio Saito bilan uchrashdi. 21-maydagi OON Komiteti sessiyasining ramzida tashkil etilgan, qorong‘i va quruq zonalar bilan kurashish bo'yicha Aziz Abduxakimov, Osiyo banki rivojlanish bilan samarali hamkorlikni ta’kidlagan. Osiyo banki rivojlanishi (ABR) tomonidan Markaziy va G‘arbiy Osiyo hududlarida olib borilayotgan loyihalarining 17 foizi O'zbekistonda amalga oshiriladi. Respublika ushbu ko‘rsatkich bo'yicha hududda ikkinchi o'rinda joylashgan. Uchrashuvda shaharlar kompleks

[87] https://cheapawasteskips.com.au/global-waste-statistics-2022/

rivojlanish, ekologiya sohasidagi kadrlarni malakasini oshirish, Yaponiyadan Qayta ishlash texnikasini O'zbekistonga jalb qilish kabi aktual masalalar muhokama qilindi. [88]

Prezidentning 2019 yil 17 apreldagi qarori bilan, «2019–2028 yillarda O‘zbekistonda qattiq maishiy chiqindilar bilan bog‘liq ishlarni amalga oshirish strategiyasi» tasdiqlangan. Unda, qattiq maishiy chiqindilarni qayta ishlashning samarali va zamonaviy tizimini yaratish ko‘zda tutilgan. Shu bilan birga, chiqindilarni olib chiqib ketish tariflari iste'molchilar tomonidan chiqindilar saralab yig‘ilganini inobatga olib, pasaytirilgan holda belgilanadi. Saralangan chiqindi turi, xususan keng tarqalgan plastikni qayta ishlash muhim ahamiyatga ega. Plastikdan granula olinib, ikkilamchi xomashyoga aylanadi. Mazkur xomashyodan ko‘plab mahsulotlarni ishlab chiqarish mumkin. Xususan, O‘zbekistonda «Sanfa Producs» kompaniyasi – birinchilardan bo‘lib klaster tizimi asosida plastik chiqindilarni qayta ishlab, tayyor mahsulot ishlab chiqarib, eksportga qo‘ygan kompaniyalardan biri. Hozirda mazkur kompaniya bir yilda 2000 tonna plastmassa idishlarini qayta ishlash natijasida linoleum uchun asos, avtoyo‘llar, gidroinshootlarning qurilishi uchun zarur geotekstil, polimer geomembrana, yengil sanoat uchun sintepon va boshqa mahsulotlarni ishlab chiqarmoqda. Shunday korxonalardan yana biri – Surxondaryo viloyatida joylashgan «BioTexno Eko» korxonasi bo‘lib, yillik quvvati 180 000 tonna, bir sutkada 500 tonna maishiy chiqindilarni saralab qayta ishlaydi. Sellofan, plastik, plastmassa kabi maishiy chiqindilardan granulalar, polietilen quvurlarni ishlab chiqaradi. Maishiy chiqindilar butun dunyoda arzon xomashyo hisoblanadi. Rivojlangan mamlakatlar tajribasi uning 85 foizini qayta ishlash mumkinligini ko‘rsatmoqda. Shimoliy Yevropa mamlakatlarida allaqachon chiqindilarni alohida yig‘ish yo‘lga qo‘yilgan, natijada qog‘oz, plastik, alyuminiy kabi xomashyoning katta qismi qayta ishlashga yuboriladi. «Mamlakatimizda chiqindilarni saralab yig‘ish jarayonlariga butunlay o‘tishga qancha vaqt ketishini aytish murakkab bo‘lsa-da, asosiysi O‘zbekiston bu boradagi qadamlarini tashladi. Ayni damda Toshkent shahrida mazkur jarayon uchun zarur sharoitlarni yaratish ishlari boshlandi. Majoziy ma'noda chiqindilar ikkinchi hayotga ega bo‘lmoqda», – deyiladi Ochilboy Ramatovning matbuot xizmati taqdim etgan ma'lumotida.[89]

MDH (Mustaqil Davlatlar Hamdo‘stligi) mamlakatlarida bu sohadagi jarayon va statistikalarga hamda olimlarning nazariyalariga etibor qaratsak:

1. Rossiya: MDHdagi eng yirik davlat sifatida Rossiya eng yuqori issiqxona gazlari chiqindilariga ega. Bunga asosan uning katta aholisi, keng sanoat faoliyati va energiya ishlab chiqarish uchun qazib olinadigan yoqilg'iga tayanishi sabab bo'ladi.

2. Ukraina: Ukraina, birinchi navbatda, sanoat sektori va energiya ishlab chiqarish uchun ko'mirga tayanishi tufayli, shuningdek, issiqxona gazlarining muhim emissiyasidir. U chiqindilarni kamaytirish va qayta tiklanadigan energiya manbalaridan foydalanishni ko‘paytirish choralarini ko‘rmoqda

3. Qozog'iston: Qozog'iston Markaziy Osiyodagi eng ko'p issiqxona gazlarini chiqaradigan davlatlardan biridir. Uning chiqindilari, asosan, neft va gaz sanoati, shuningdek, ko'mir yoqilg'isi bilan ishlaydigan elektr stantsiyalari bilan bog'liq. Shuningdek, mamlakatda chiqindilarni kamaytirish va barqaror rivojlanishga ko‘maklashish bo‘yicha chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda.

4. Belarus: Belorussiya Rossiya, Ukraina va Qozog‘iston bilan solishtirganda emissiya miqdori nisbatan pastroq. Uning chiqindilari asosan sanoat faoliyati, transport va energiya ishlab chiqarishdan iborat.

Mamlakat emissiyalarni kamaytirish uchun energiya samaradorligini oshirish loyihalari ustida ishlamoqda.

[88] ***https://kun.uz/uz/news/2021/01/30/chiqindilarni-qayta-ishlash-boyicha-yolqa-qoyilgan-loyihalar-haqida-malumot-berildi***

[3] O„zbekiston Respublikasining “CHiqindilar to„g„risida”gi Qonuni (2002 yil 5 aprel № 362-II)

Siyosatlardagi o‘zgarishlar, iqtisodiy omillar va texnologik yutuqlar tufayli haqiqiy emissiyalar vaqt o‘tishi bilan farq qilishi mumkin bo‘lgan bu taqqoslashlar umumiy ma’lumotlarga asoslanganligini ta’kidlash muhim.

Olimlar odatda qayta ishlashga ijobiy nuqtai nazarga ega va uning ekologik muammolarni hal qilishdagi ahamiyatini tan olishadi. Qayta ishlashga oid olimlar tomonidan bildirilgan ba'zi umumiy fikrlar:

1. Atrof-muhitga foyda: Olimlarning fikricha, qayta ishlash chiqindixonaga yuboriladigan chiqindilar miqdorini kamaytirishga, tabiiy resurslarni tejashga va xom ashyoni qazib olish va qayta ishlashni minimallashtirishga yordam beradi. Bu, o‘z navbatida, atrof-muhit degradatsiyasini yumshatish va issiqxona gazlari chiqindilarini kamaytirishga yordam beradi.

2. Resurslarni tejash: Qayta ishlash chiqindilardan qimmatbaho materiallarni qayta tiklash va qayta ishlatish imkonini beradi, bu esa toza materiallarga bo'lgan ehtiyojni kamaytiradi. Olimlar cheklangan resurslarni saqlash muhimligini ta’kidlab, qayta ishlash barqaror va aylanma iqtisodiyotga erishishda hal qiluvchi rol o‘ynashiga ishonishadi.

3. Energiyani tejash: Xom ashyodan mahsulot ishlab chiqarishga nisbatan qayta ishlash ko'pincha kamroq energiya talab qiladi. Olimlar qayta ishlash energiyani sezilarli darajada tejashga olib kelishini tan olishadi, bu esa resurslarni qazib olish, ishlab chiqarish va tashish bilan bog‘liq uglerod chiqindilarini kamaytirishga yordam beradi.

4. Chiqindilarni kamaytirish: Olimlar chiqindilarni kamaytirish va "3Rs" yondashuvining ahamiyatini ta'kidlaydilar: kamaytirish, qayta ishlatish va qayta ishlash. Ularning fikricha, qayta ishlash chiqindilarni boshqarish strategiyasining muhim tarkibiy qismidir va chiqindilarni utilizatsiya qilishning atrof-muhitga ta'sirini minimallashtirishga yordam beradi.

Umuman olganda, olimlar qayta ishlashni barqarorlikni ta'minlash, atrof-muhitga ta'sirni kamaytirish va aylanma iqtisodiyotga o'tishda qimmatli vosita sifatida ko'rishadi. Shu bilan birga, ular atrof-muhitdan eng katta foyda olish uchun chiqindilarni kamaytirish va qayta foydalanish kabi boshqa amaliyotlarni o‘z ichiga olgan chiqindilarni boshqarish bo‘yicha kompleks strategiyalar zarurligini ham ta’kidlaydilar.

Qayta ishlash muhim mavzu bo'lib, bu sohada bir nechta yangilanishlar mavjud. Mana bir necha so‘nggi diqqatga sazovor joylar:

1. Elektron chiqindilarni qayta ishlashning ortishi: Ko'pgina mamlakatlar elektron chiqindilarni (elektron chiqindilar) qayta ishlashni yaxshilashga e'tibor qaratmoqda. Bunga qat'iy qoidalarni joriy etish va elektron qurilmalarga mas'uliyat bilan ishlov berish uchun maxsus qayta ishlash korxonalarini yaratish kiradi.

2. Plastikni qayta ishlash innovatsiyalari: Tadqiqotchilar va kompaniyalar doimiy ravishda plastmassani qayta ishlashning innovatsion usullari ustida ishlamoqda. Bunga plastik chiqindilarni parchalash va qurilish materiallari yoki yoqilg‘i kabi foydali mahsulotlarga aylantirish uchun yangi texnologiyalarni ishlab chiqish kiradi.

3. Barqaror qadoqlash yechimlari: Ko'pgina kompaniyalar an'anaviy qadoqlash materiallariga barqaror muqobillarni faol ravishda izlamoqda. Bunga biologik parchalanadigan yoki kompostlanadigan materiallardan foydalanish, shuningdek, iste’molchilarni qadoqlarni to‘g‘ri qayta ishlashga undash kiradi.

4. Qayta ishlash bo'yicha ta'lim va xabardorlik: Hukumatlar va tashkilotlar qayta ishlash muhimligi haqida xabardorlikni oshirish va odamlarni qayta ishlashning to'g'ri usullari haqida xabardor qilish uchun ta'lim kampaniyalariga mablag 'sarflamoqda. Bunga har xil turdagi chiqindilarni saralash va yo‘q qilish bo‘yicha aniq ko‘rsatmalar kiradi.

Yodda tutingki, qayta ishlash chiqindilarni kamaytirish va resurslarni tejashda hal qiluvchi rol o'ynaydi.

Qayta ishlash haqida gap ketganda, tez-tez muhokama qilinadigan bir nechta nazariyalar va tushunchalar mavjud. Mana ulardan bir nechtasi:

1. Diraviy iqtisod: aylanma iqtisod kontseptsiyasi resurslardan mahsulotlarni osonlik bilan qayta ishlash yoki qayta ishlatish uchun mo'ljallangan bo'lgan tsiklda ishlatish kerakligini

ko'rsatadi. Bu nazariya materiallarni iloji boricha uzoq vaqt muomalada ushlab turish orqali chiqindilarni minimallashtirish va resurslar samaradorligini oshirish g‘oyasini ilgari suradi.

2. Kengaytirilgan ishlab chiqaruvchi mas'uliyati (EPR): EPR - bu mahsulotning hayot aylanishini boshqarish mas'uliyatini ishlab chiqaruvchiga yuklaydigan nazariya. Bu shuni anglatadiki, ishlab chiqaruvchilar o‘z mahsulotlarini utilizatsiya qilish va qayta ishlash uchun javobgar bo‘lib, ularni qayta ishlanishi oson bo‘lgan mahsulotlarni ishlab chiqishga va qayta ishlash dasturlarini yaratishga undaydi.

3. Chiqindilar ierarxiyasi: Chiqindilar ierarxiyasi - bu chiqindilarni boshqarish strategiyalariga ularning atrof-muhitga ta'siridan kelib chiqqan holda ustuvorlik beruvchi tushuncha. U odatda variantlar ierarxiyasiga amal qiladi: oldini olish, qayta foydalanish, qayta ishlash, energiyani qayta tiklash va utilizatsiya qilish. Maqsad chiqindilarning oldini olish va qayta ishlashni boshqa variantlardan, masalan, chiqindiga tashlash yoki yoqishdan ustun qo‘yishdir.

Ushbu nazariyalar va tushunchalar qayta ishlash amaliyotini tushunish va takomillashtirish uchun asoslar beradi. Ular siyosatchilar, korxonalar va shaxslarga barqarorlik va resurslarni tejashga yordam beruvchi qarorlar qabul qilishda yordam beradi.

Butun dunyo bo’ylab chiqindini qayta ishlab chiqarish sohasidagi so’ngi yangliklar:

1) Qayta ishlanishi mumkin bo'lgan plastmassa U bir necha yillardan beri ishlamoqda va eng ilg'or fan bo'lib qolmoqda. Hozir har qachongidan ham ko'proq olimlar va tadqiqotchilar plastmassani qayta ishlashning barqaror usullarini kashf qilish uchun tajriba o'tkazmoqdalar. Hozircha uni qayta ishlash texnologiyasi Jon Laymanga tegishli.Procter and Gamble kompaniyasida ishlaydigan Layman "PureCycle Technology" ni ishlab chiqdi - bu polipropilenni ifloslantiruvchi moddalar, hid va rangni qayta ishlatish mumkin bo'lgan qatrondan boshqa hech narsa qolmaguncha olib tashlash orqali qayta ishlash usuli.

2) Kontaminatsiyaga qarshi kurash usullaridan biri RFID texnologiyasi yoki radiochastotani identifikatsiya qilish texnologiyasidir. Kichkina, arzon sxemalar mahsulotlarga o'rnatilishi mumkin va ular muhim ma'lumotlarni saqlashi mumkin - ma'lum bir mahsulotni qanday qilib qayta ishlash, ma'lum bir munitsipalitetda.

RFID chiplari o'tgan yillardagi eski va mutlaqo samarasiz qayta ishlash belgilarini almashtiradi. Ushbu yangi qayta ishlash texnologiyasi yordamida aqlli qayta ishlash qutilari aholi va munitsipalitetlar o'rtasida to'g'ridan-to'g'ri aloqani tashkil qiladi. RFID jurnaliga ko'ra, bu texnologiya endigina foydalanish mumkin bo'ldi.

Bu shuni anglatadiki, biz qayta ishlash tizimlari ko'p jihatdan tez yaxshilanishini ko'ra boshlaymiz. RFID chipi keng qamrovli islohotlarga olib kelishi mumkin bo'lgan kichik siljishning ajoyib namunasidir.[90]

Xulosa

Ekologiya vazirligi vakillari va Osiyo banki rivojlanish bo'sh sohasi direktori bilan olib borilayotgan uchrashuvlar, O'zbekistonning chiqindini qayta ishlash sohasida xalqaro hamkorlik va innovatsiyalarga katta e'tibor berishini ko'rsatmoqda. Oliy sathdagi qarorlar, 2019-yil 17 apreldagi prezidentlik qarori tufayli qattiq maishiy chiqindilar bilan bog'liq ishlarni amalga oshirish strategiyasini tasdiqlash, bu sohadagi mukofotlardan biridir.

Chiqindini qayta ishlash sohasidagi yangiliklar va ularning O'zbekiston uchun ahamiyati mamlakatning ekologik, iqtisodiy rivojlanishi va xalqaro savdo aloqalari muammosini yechishda katta o'rin egallamoqda. Bu yangiliklar, atrof-muhit himoyasi, resurslarni tejash, va ekologik muammolarga samarali javob berishda yordam bera oladi. O'zbekiston bu yo'nalishda atrof-muhitni saqlash, ishlab chiqarish jarayonlarini yanada rivojlantirish, va xalqaro savdo aloqalarini o'z ichiga olgan harakatlarini mustahkam qilmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:

1. https://cheapawasteskips.com.au/global-waste-statistics-2022/

[90] https://cheapawasteskips.com.au/global-waste-statistics-2022/

2. https://kun.uz/uz/news/2021/01/30/chiqindilarni-qayta-ishlash-boyicha-yolga-qoyilgan-loyihalar-haqida-malumot-berildi
3. https://eco.gov.uz/ru/site/news?id=3764
O‘zbekiston Respublikasining “Chiqindilar to`g`risida”gi Qonuni (2002 yil 5 aprel № 362-II)

Омонов Шермухаммад Бекмурод ўғли,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
Институти, мустақил тадқиқотчиси
тел: +998904470001,
Email: sh.b.omonov@gmail.com

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИГИ ЛОЙИҲАЛАРИНИ БОШҚАРИШ

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигини ривожлантириш усулларини жорий этиш, давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигининг институционал асосларини такомиллаштириш, хизмат кўрсатиш соҳасида ижтимоий лойиҳалар самарадорлигини ошириш, соҳасида давлат-хусусий шериклиги лойиҳаларини бошқариш тизимини кабилар илмий-тадқиқотларнинг муҳим йўналишлари ҳисобланади.

ДХШ лойиҳалари сўнгги йилларда тобора оммалашиб бораётган тизимли фикрлаш нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши керак, чунки у лойиҳани унинг атрофидаги реал ўзгаришлардан ажратилган ҳолда эмас, балки яхлитлигича унинг атрофида содир бўлади. Лойиҳани бошқариш соҳасидаги баъзи ёндашувлар синергетик таъсир кўрсатадиган ДХШ лойиҳаларини бошқариш бўйича билимларни бир нечта нуқтаи назардан кўриб чиқишни таклиф қиладилар: билимларни бошқариш, ўзгаришларни бошқариш, умумий бошқарув, лойиҳаларни амалга ошириш моделлари (WOT ва бошқалар), стратегик менежмент, ижтимоий фанлар. Шундай экан, мураккаб, комплекс лойиҳани таркибий қисмларга ажратмасдан, лойиҳани индуктив таҳлил қилиш имкониятини рад этмасдан, бутунлай янги нуқтаи назардан кўриб чиқиш таклиф этилади.

Анъанавий бошқарувнинг баъзи босқичлари ва жараёнлари ДХШ лойиҳаларини бошқаришга деярли ўзгартиришларсиз ўтказилиши мумкин (хусусан, лойиҳани аниқлаш, лойиҳа экспертизаси), бошқа босқичлар сезиларли ўзгаришларга дучор бўлади, учинчилари эса анъанавий лойиҳаларни бошқариш учун мутлақо янгидир (иқтисодий, ижтимоий, экологик, бюджет лойиҳаси самарадорлиги, лойиҳани амалга ошириш усулини танлаш (ДХШ ёки анъанавий давлат харидлари), давлат ҳамкори учун лойиҳанинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш).

Танлов (тендер) орқали ДХШ шартномаларини тақдим этиш давлат бошқарувининг асосий тартиб-қоидаларидан биридир. Рақобат тартиб-қоидалари ариза берувчилар сонини максимал даражада ошириш, очиқлик, шаффофликни ҳимоя қилиш, коррупцион ҳатти-ҳаракатлар ва нотўғри қарорлар рискини минималлаштириш орқали ДХШ лойиҳаси учун энг мос шерикни танлаш бўйича рақобатни ривожлантиришга мўлжалланган. Бу мураккаб, қиммат ва узоқ вақтни талаб қиладиган жараёндир. Кўпинча давлат иштирокчиларни шартларни ишлаб чиқиш, талаблар ва бошқа қоидаларни келишиш учун рақобат жараёнларига жалб қилади.

Рақобат жараёнларини бошқаришни оптималлаштириш учун бир қатор талаблар мавжуд:

–кенг доирадаги малакали иштирокчиларни қамраб олган очиқ танловлар ўтказилиши керак;

–мансабдор шахслар томонидан коррупция ва йирик компанияларни лобби қилиш эҳтимолини минималлаштириш зарур;

–тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигини баҳолаган ҳолда ариза берувчиларнинг мурожаатларини ҳар томонлама иқтисодий таҳлил қилиш зарур. Бунинг учун кўпинча мустақил маслаҳатчилар ва ташкилотлар жалб қилинади ва улар батафсил ҳисоб-китоблар учун барча керакли маълумотлар билан таъминланади.

Ҳамкор корхонани танлаш учун турли хил мезонлар мавжуд. Жаҳон амалиётида у ёки бу потенциал шерик томонидан таклиф қилинган ҳар бир контракт варианти малакали танлов жараёнидан (тегишли экспертизадан) ўтиши керак. Бу ҳар бир аризанинг келажакдаги ДХШ лойиҳасининг мақсадларига мувофиқлиги ва уни энг самарали амалга оширилиши, давлат ҳамкорига хусусий шахс томонидан яширин таъсир қилиш имкониятининг йўқлиги бўйича батафсил таҳлил ўтказишни назарда тутади. Тегишли текширув жараёнида ариза берувчи корхоналар томонидан таклиф қилинган лойиҳанинг ўзи, субпудрат шартномаси, молиявий ҳужжатлар ва кафолатлар баҳоланади.

Молиявий самарадорликни баҳолаш учун одатда қуйидаги мезонлар қўлланилади:

1) зарур субсидиянинг энг кам миқдори;

2) концессия тўловларининг максимал миқдори;

3) шартноманинг минимал муддати;

4) минимал тариф даражаси ва бошқалар.

Таҳлил таклифни баҳолаш босқичида якунланиши керак, лекин баъзан кейинроқ, мақбул шерик танланганидан кейин амалга оширилади. Бунга параллел равишда бундай баҳолаш манфаатдор томонлар, яъни кредиторлар ва субпудратчилар томонидан амалга оширилади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, агар давлат ДХШ лойиҳасини ишга туширишда асосий мақсади, масалан, давлат харажатларини камайтириш бўлса, молиявий мезонларга (субсидияларнинг минимал миқдори ва бошқалар) катта аҳамият берилади. Агар охирги истеъмолчиларга хизмат кўрсатишнинг энг яхши сифати ва тарифлар ҳажми, ижтимоий оқибатларга эришиш устувор вазифа бўлса, кўпинча таклифлар, биринчи навбатда, иш сифатининг пасайиши учун минимал тариф ва жарималар нуқтаи назаридан баҳоланади. Масалан, Францияда таклифларни кўриб чиқишда хавфсизлик ва атроф-муҳит масалалари катта аҳамиятга эга.

Ушбу барча тартиб-қоидалар натижасида шерикнинг якуний танлови хусусий компаниянинг ДХШ лойиҳасини амалга ошириш бўйича давлатнинг ягона ҳамкорига айланиши ва қонун билан ҳимояланган монопол ҳуқуқларга эга бўлишига олиб келади. Бинобарин, ҳукумат ўз ҳамкорини танлашга алоҳида эътибор билан ёндашиши, мезонлар, тартиблар ва тендер қоидаларини олдиндан белгилаб олган ҳолда талабгорларни танлаш учун аниқ, яхши ташкил этилган институционал муҳитни яратиши керак.

Лойиҳани ишлаб чиқиш босқичининг якуний босқичларида ва инвесторлар томонидан молиялаштириш бошланишида лойиҳа компанияси тузилади. Ҳукумат технология трансфери, янги иш ўринлари яратиш ва маҳаллий кадрлар тайёрлаш учун лойиҳа компаниясига маҳаллий инвесторларни киритишни талаб қилиши мумкин. Лойиҳа компанияси ДХШ лойиҳасидаги шартномавий ва молиявий муносабатларнинг марказидир. Лойиҳани молиялаштиришдан фойдаланган ҳолда ДХШда, одатда, хусусий инвесторлар янги компания (“лойиҳа компанияси”) – грант берувчи билан шартнома тузадиган масъулияти чекланган махсус лойиҳа компанияси (special purpose vehicle – SPV)ни яратадилар.

SPVни яратишнинг мақсадга мувофиқлиги қуйидагилар билан боғлиқ:

–ушбу схема ҳомийларга лойиҳани “чекланган манба” асосида молиялаштириш имконини беради. Кредиторларга берилган имтиёз асосан ёки тўлиқ лойиҳа активлари билан чекланган. Акциядорларнинг активларига мурожаат қилиш даражаси кўпинча “ҳомийлик” деб аталади, бу лойиҳанинг кутилмаган харажатларини акциядорларнинг капитали ҳисобидан қоплаш ёки ортиқча харажатларни қоплаш учун субординацияланган кредит бериш мажбуриятларини ўз ичига олиши мумкин.

–ДХШ лойиҳасини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган бизнеснинг бошқа соҳаларида юзага келадиган муаммолар унга таъсир қилиши мумкин эмас.

Молиявий жиҳатдан ёпилгандан кейин лойиҳани бошқариш лойиҳа компаниясининг ўзи томонидан ва бошқарув жараёнига субпудратчиларни киритиш билан амалга оширилиши мумкин. Бир нечта муқобил бошқарув моделлари мавжуд. Бир томондан, лойиҳа компаниясида доимий ходимлар бўлмаслиги мумкин, яъни барча асосий бошқарув фаолияти: қурилиш, операцион бошқарув ва эксплуатация субпудратчилар томонидан амалга оширилади. Субпудратчилар фаолиятини мониторинг қилиш ва назорат қилиш ва молиявий ҳисоботларни тайёрлаш мустақил ихтисослашган компаниялар қўлига ўтади. Лойиҳа компаниясининг ушбу моделдаги ягона доимий тузилмаси бу директорлар кенгашидир.

Бошқа томондан, лойиҳа компанияси субпудратчиларни фақат қурилиш ишларини бажариш учун таклиф қилиши ва қолган функцияларни ўз зиммасига олиши мумкин. Ушбу ёндашув кўпинча ДХШ концессия моделида қўлланилади.

Хулоса қилиб айтганда, ДХШ лойиҳаларини ўз ичига олган ўзгартиришлар анъанавий лойиҳаларни бошқариш жараёнларига ўзгартиришлар киритишни ҳамда давлат, хусусий корхоналар ва якуний истеъмолчилар учун лойиҳани амалга ошириш натижалари ва оқибатларидан келиб чиққан ҳолда баҳолашни талаб қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 13 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 1009-сон Қарори

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 октябрдаги «Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3980-сон Қарори

3. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида» Қонуни. – Т.: 2019

4. Андрианов В.Д. Институты развития и их роль в реализации проектов государственно-частного партнерства. URL: http://www.pppinrussia.ru/userfiles/upload/files/events/kafedra_2011/12.pdf.

5. 34. Афанасьев М.В., Афанасьева Н.В., Кныш В.А. «Государственные закупки в рыночной экономике». СПб.: СПбГУЭФ, 2004, с. 91.

Kudratov S.R
Bank-moliya akademiyasi mustaqil tadqiqotchisi

TIJORAT BANKLARI KORPORATIV BOSHQARUVIDA INNOVASION MARKETING XIZMATLARI

Bank boshqaruvining sifatini baholashda muhim koʻrsatkichlardan biri –bu, bankning raqobatbardoshligini ta'minlashda muhim boʻlgan, bank tomonidan bozorda taklif etiladigan innovasion bank xizmatlari hisoblanadi.

Xalqaro tajriba, puxta oʻylangan va yangiliklarni joriy qilishga yoʻnaltirilgan moliyaviy siyosat, bank ishining mumtoz an'analari, sifatli boshqaruv, yangi texnologiyalar va innovasiya gʻoyalarini amalda tatbiq etilishi, mijozlarning bankka boʻlgan ishonchini yanada oshirib, uning mavqeini yanada mustahkamlashini koʻrsatadi.

Keyingi oʻn yillikda mamlakat moliya kredit tizimida yuz bergan tub oʻzgarishlar moliya tizimida yuqori dinamizmni yuzaga keltirdi, xususan, bank xizmatlari sohasida yangi oʻzgarishlarni keltirib chiqardi.

Hozirga kelib moliya bozorining uning ishtirokchilari oʻrtasida qayta taqsimlanishi, koʻplab yangi ishtirokchilarning yuzaga chiqishi, davlat tomonidan bozor munosabatlarini tartibga solishning domiy oʻzgarib turishi, mavjud bank xizmatlarini kengaytirish hamda ularni turlarini kengaytirishni ragʻbatlantirdi. Ushbu jarayonlarning barchasi bank faoliyatida yangi tushunchani «innovasion» xizmatlarni yuzaga keltirdi.

Umuman olganda “innovasiya” deb yangi koʻrinishda mahsulot (tovar, ish, xizmat) yaratilishini, yoki mavjudlarining takomillashtirilishini, ishlab chiqarish jarayonining yangi koʻrinishi joriy qilinishini, yoki ushbu jarayonning takomillashtirilishini, biznesni yuritishda yangi marketing, yoki tashkiliy usullarning joriy qilinishini, ish oʻrinlari tashkil etishni, yoki tashqi aloqalar oʻrnatilishini oʻzida mujassamlashtirgan innovasiya faoliyatning yakuniy natijasi tushuniladi.

Аннотация. *Сбережения и инвестиции необходимы для ускорения экономического роста и улучшения ситуации в Узбекистане. Целью данной работы является изучение возможностей сбережений, инвестиционного поведения и уровня финансовой грамотности населения страны. Также можно изучить, как сбережения и инвестиционный выбор населения зависят от уровня его финансовой грамотности.*

Ключевые слова: *Финансовая грамотность, сбережения, инвестиции, финансы домохозяйств, риск.*

Umumiy ta'lim tizimi, xususan, moliyaviy ta'lim yoki moliyaviy savodxonlik rivojlanayotgan mamlakatlar uchun eng katta muammolarni keltirib chiqaradi. Moliyaviy mahsulotni investitsiya qilish imkoniyatlari ham ichki, ham xalqaro miqyosda oshdi, bu esa investorlarga o'z portfellarini turli xil moliyaviy tovarlar bo'yicha diversifikatsiya qilish imkonini berdi. So'nggi yillarda moliyaviy bozorlarda noan'anaviy moliyaviy mahsulotlarning murakkabligi o'sdi. Bugungi kunda aholining moliyaviy savodxonligi darajasini oshirish global ahamiyat kasb etuvchi masalalardan biri bo‘lib hisoblanadi.

Aholining moliyaviy savodxonligi darajasini baholashning turli metodologik yondashuvlar bo‘yicha qator xalqaro moliyaviy tashkilotlar iqtisodchi ekspertlari tomonidan turli yo‘nalishlardagi tadqiqotlar olib borilmoqda. Ushbu tadqiqotlar aholining moliyaviy savodxonligi darajasini baholash orqali uy xo‘jaliklari, oila va individning (shaxsning o‘zi) o‘z ixtiyoridagi moliyaviy resurslarini boshqara olishi va ularni to‘g‘ri yo‘naltirishdagi samarali qarorlarini baholashga qaratiladi. Shu bilan bir qatorda, aholining moliyaviy savodxonligi darajasining aholi turmush darajasiga ta’siri ham baholanadi.

O‘z navbatida, aholining moliya bozorlariga ishonchsizligi va asosiy moliyaviy asoslarning yo‘qligi tadbirkorlik va kichik biznesning rivojlanishiga to‘sqinlik qilmoqda: odamlar o'z bizneslarini qanday boshlashni yoki biznes loyihasini rasmiylashtirishni bilishmaydi. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyotining barqaror rivojlanishi nafaqat yanada samarali ishlab chiqarish va moliyaviy texnologiyalarni joriy etishga, balki aholining ulardan qay darajada foydalana olishiga ham bog'liq. Keyingi ilmiy ishlarda uy xo'jaliklarining moliyaviy xatti-harakatlariga moliyaviy madaniyat va moliyaviy savodxonlik kabi ta'sir ko'rsatadigan omillarga ko'proq e'tibor qaratilmoqda. Shunday qilib, Litvinova V.V.ning ta'kidlashicha[1], insonning moliyaviy savodxonligi darajasi uning daromadi miqdoridan ko'ra ko'proq darajada moliyaviy qarorlar qabul qilish jarayoniga ta'sir qiladi.

G.V. Belexova va A.N. Gordiyevskayalarning[2] fikricha, "...moliyaviy bilim va ko'nikmalardagi bo'shliqlar jamg‘arma, kredit, sug'urta to'g'risidagi qarorlarga ta'sir qiladi va hokazo, ular moddiy imkoniyatlarni hisobga olgan holda to'g'ri moliyaviy rejalashtirishsiz qabul qilinishi mumkin va shuning uchun oilalarning, ayniqsa bolali oilalar allaqachon xavfli bo'lgan moddiy farovonligini yomonlashtirishi mumkin”.

G.N. Xadiullina, L.F. Nugumanovalar[3] esa aholining moliyaviy savodxonligining yetarli darajada emasligi shaxsiy moliyaviy salohiyatning investitsiya resurslariga aylanishining past darajasining sabablaridan biri, degan xulosaga kelganini ko‘rishimiz mumkin.

Ushbu fikrlardan kelib chiqib aytish mumkinki, moliya zamonaviy inson hayotining deyarli barcha sohalarini qamrab oladi. Moliyaviy savodxonlik sizning moliyaviy farovonligingizni boshqarishga yordam beradi. Shu bilan birga, moliyaviy bilimlarning yetishmasligi aholining moliyaviy farovonligini ta'minlash uchun to'g'ri qaror qabul qilish qobiliyatini cheklaydi.

Butun dunyoda moliyaviy firibgarlikning kuchayishi sababli aholining moliyaviy savodxonligining pastligi bugungi hukumatni tashvishga solmoqda. Menejment talabalari o'rtasida moliyaviy rejalashtirish vositalari va texnikasi bo'yicha umumiy bilim hatto 21-asrda ham past. Investitsiyaning asosiy omillari xavfsizlik, daromadlilik, kapitalning o'sishi, xavf,

likvidlik, soliq imtiyozlari va qulaylikdir. Turli xil risk-mukofot almashinuvi bilan ko'plab investitsiya variantlari mavjud: pochta bo'limidagi jamg'armalar, bank depozitlari, aktsiyalar, investitsiya fondlari, oltin va boshqa moddiy aktivlar. Investorlar asosiy tushunchalarni chuqur tushunish va mavjud variantlarni chuqur tahlil qilish orqali xavfni kamaytirish bilan birga daromadni maksimal darajada oshiradigan portfel yaratishi mumkin. Investitsiyani mamlakatning jismoniy kapitaliga aniq qo'shilishi sifatida aniqlash mumkin. Investitsiya - bu kelajakdagi foyda uchun joriy pul yoki boshqa resurslarni qurbon qilish. Hozirgi moliyaviy bozor sharoitida bir nechta investitsiya variantlari mavjud.

Markaziy Bank tomonidan keng jamoatchilik oqilona moliyaviy qarorlar qabul qilishi va bank va bankdan tashqari tovarlar va xizmatlardan foydalanish imkoniyatiga ega bo'lishi uchun moliyaviy ta'limni taklif qiladi. Moliyaviy mahsulotni yoki moliyaviy mahsulotlar kombinatsiyasini tanlashda, insonning investitsiyalar bilan bog'liq xatti-harakatlari ko'pincha uning oqilona qarorlar qabul qilish qobiliyatini ko'rsatadi[4].

Moliyaviy munosabatlap zamonaviy inson hayotining bapcha sohalapiga ta’sip qiladi. Moliyaviy savodxonlik insonga o‘zining moliyaviy fapovonligini boshqapish imkonini bepadi. Elementap moliyaviy bilim va ko‘nikmalapga ega bo‘lmaslik insonlapning moliyaviy fapovonligini ta’minlashda to‘g‘pi qapoplap qabul qilish qobiliyatini cheklaydi.

Mikpo miqyosida aholining moliyaviy savodxonligi dapajasining pastligi, iqtisodiy oqibatlapi va xavf-xataplapi, moliyaviy suiste’molliklap sonining ko‘payishi, aholi tomonidan kpedit qapzdoplik dapajasining optishi va shaxsiy jamg‘apmalapning samapasiz taqsimlanishida namoyon bo‘ladi.

Makpoiqtisodiy dapajada moliyaviy savodxonlikning quyi dapajasi moliya bozoplapining pivojlanishiga to‘sqinlik qiladi. Jymladan, moliya institutlapi va ulapni taptibga solish bo‘yicha davlat siyosatiga bo‘lgan ishonchni pasaytipadi, bapcha dapajadagi byudjetlapga qo‘shimcha bosimlapni keltipib chiqapadi va iqtisodiy o‘sishning pasayishiga olib keladi. Fuqapolapning moliya bozoplapidagi bilimlapi va ishonchning yo‘qligi, shaptnoma munosabatlapi va moliyaning bazaviy asoslapini bilmaslik tadbipkoplik va kichik biznesning pivojlanishiga to‘sqinlik qiladi: odamlap qanday qilib biznes boshlashni, biznes loyihasini tashkil qilishni bilmaydilap.

Xonadon xo‘jaliklapining moliyaviy savodxonligi dapajasining optishi va oilaviy byudjetning pasionallashuvi natijasida xonadon xo‘jaligi moliyaviy fapovonligining optishi bilan bip qatopda, xonadon xo‘jaligi a’zolapining moliyaviy xizmatlapga bo‘lgan talabining optib bopishida namoyon bo‘ladi. Bunda xonadon xo‘jaliklapida moliyaviy pesupslapni pejalashtipish gopizontal kengayib, xonadon xo‘jaligi a’zolapining moliyaviy xavfsizligi ta’minlanadi.

Hududning moliyaviy savodxonligi ushby hududda istiqomat qilayotgan aholining moliyaviy bilim, ko‘nikma va malakalapining oshishida, o‘z ixtiyopidagi moliyaviy pesupslapni samapali boshqapishda namoyon bo‘ladi. Shyningdek, hududda tadbipkoplik faoliyatini samapali tashkil etish va boshqapishda muhim ahamiyatga ega.

Iqtisodiyotning ma’lum bip tapmog‘i bo‘yicha moliyaviy savodxonlik ushby tapmoqdagi moliyaviy mahsulotlapning sig‘imkopligi dapajasi bilan o‘lchanadi. Innovasiyalapni amaliyotga tatbiq etish jadallashib, innovasiyalap jopiy etilayotgan tapmoq ychyn xizmat ko‘psatayotgan moliya bozopining spekulyativlilik dapajasining pasayishiga tuptki bo‘ladi va ushby iqtisodiyot tapmog‘ida aholining investitsiya kipitish imkoniyatlapi asta-sekinlik bilan kengaya bopadi.

Mamlakat aholisining moliyaviy savodxonligi dapajasi - davlat tomonidan mazkup yo‘nalishdagi ta’lim dastuplapini amalga oshipishi, moliya tashkilotlapi infpatuzilmasi pivojlanganlik dapajasi, hamda moliyaviy xizmatlap ommabopligi ko‘lami bilan baholanadi. Mamlakat aholisining moliyaviy savodxonligi dapajasining optishi davlat tomonidan moliyalashtipiladigan tapmoqlapga aholining shaxsiy jamg‘apmalapining investitsiyalashuvi japayoni bilan o‘pin almashgan holda asta-sekin kamaya bopadi. Natijada davlat byudjeti xapajatlapi kamayadi. Iqtisodiy o'sishga o'tish uchun aholining jamg'armalari zarur va uzoq muddatli xarakterga ega bo'lib, buning zarur sharti aholi daromadlarini oshirish bo'lishi kerak.

Ammo daromadning o'sishi faqat iqtisodiy o'sishga o'tish bilan sodir bo'lishi mumkin. Shuning uchun ham aholining moliyaviy savodxonligining ahamiyatini ortiqcha baholab bo'lmaydi. Moliyaviy bozorning turli vositalarining imkoniyatlarini bilgan holda, keksa avlod vakillariga qaraganda tavakkalchilikka ko‘proq moyil bo‘lgan, moliyaviy bozorda o‘z daromadlarini oshirishga aqlli urinishlar qilgan yoshlar o‘z xatti-harakatlari orqali “shafqatsiz doira”dan chiqib ketishga yordam beradi.

Mamlakatimizda aholining moliyaviy savodxonligi darajasini oshirishda xalqaro moliyaviy tashkilotlar tomonidan aholining moliyaviy savodxonligi darajasini baholash amaliyotini inobatga olgan holatda davlatning maqsadi dasturlarini ishlab chiqish maqsadga muvofiq. Bunda quyidagilarga e’tiborni qaratish lozim deb hisoblaymiz:

- moliyaviy savodxonlik ko‘lami bo‘yicha individual, xonadon xo‘jaligi, biznes sohasidagi munosabatlap, ma’lum bip iqtisodiyot tapmog‘i bo‘yicha, yaxlit davlat bo‘yicha gupuhlapga ajpatish maqsadga muvofiq. Bu tupdagi gupuhlashni amalga oshipish opqali aholi savodxonligi dapajasi optishining mamlakat iqtisodiyotiga ta’sipini aniq baholash imkoniyati vujudga keladi.
- aholining moliyaviy mahsulotlar va xizmatlar, moliya bozori va uning tarkibiy komponentlari to‘g‘risidagi bilim va ko‘nikmalarini shakllantirish;
- moliyaviy xizmatlar va mahsulotlarni sotib olish jarayonida tuziladigan shartnomalarning mohiyatini anglab yetishi, ularda qo‘llaniladigan terminologiyalarni tushunishi va o‘z haq-huquqlarini himoya qilish bo‘yicha aholi o‘rtasida targ‘ibot ishlarini amalga oshirish.

Ushbu takliflarni amalga oshirishning asosiy natijasi aholining investitsiya xulq-atvorini o'zgartirish va fuqarolarning jamg'armalarini moliya bozoriga jalb qilish, shuningdek, pensiya islohotini samarali amalga oshirish bo'lishi kerak. Oliy va o‘rta maxsus kasb-hunar ta’limi muassasalari, umumta’lim maktablari o‘rtasida moliyaviy savodxonlik bo‘yicha tanlovlar tashkil etish va ularning natijalariga ko‘ra grantlar ajratish zarur. Bunday tanlovlarning o‘tkazilishi va g‘oliblarga grantlar berilishi ta’lim muassasalarining aholining moliyaviy savodxonligi va moliyaviy xulq-atvori darajasini oshirish bo‘yicha ta’limni tashkil etish va takomillashtirishga qiziqishini oshiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:

1. Литвинова В.В. Финансовое поведение человека и определяющие его факторы / В.В. Литвинова // Журнал экономической теории. - 2020. - Т.17. - №1. - С. 230-237.
2. Белехова Г.В. Финансовое поведение населения: демографические особенности / Г.В. Белехова, А.Н. Гордиевская // Проблемы развития территории. - Вып. 1(93). - 2018. - С. 133-150.
3. Хадиуллина Г.Н. Особенности реализации финансового поведения домашних хозяйств в современной экономике / Г.Н. Хадиуллина, Л.Ф. Нугуманова // Казанский педагогический журнал. - 2015. - № 3 (110). - С. 163-168.
4. Lewis S., & Messy F. (2012). Financial Education, Savings and Investments: ANOVERVIEW. *OECD Working Papers on Finance, Insurance and Private Pensions U6.*

Ахмедова Азиза Тохировна
и.о.доц.Самаркандского института экономики и сервиса,
e-mail:azizaaxmedova1982@gmail.com

МОДЕЛИ ФОРМИРОВАНИЯ ФИНАНСОВО- ЭКОНОМИЧЕСКОГО МЕХАНИЗМА ОБЕСПЕЧЕНИЯ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТИ

Аннотация: *В статье рассмотрены трактовки термина «инвестиционная привлекательность», изложены модели к определению значения финансово-экономического*

механизма обеспечения инвестиционной привлекательности. Сформирована модель финансово-экономического механизма обеспечения инвестиционной привлекательности и даны конкретные предложения по ее совершенствованию.

***Ключевые слова**: инвестиционная привлекательность, финансово-экономический механизм, инвестиционный потенциал, инвестиционный климат, инвестиционный риск, инвестиционная политика, объекты, субъекты, инструменты, инвестиционная активность.*

***Аннотация:** Мақолада "инвестицион жозибадорлик" атамасининг талқини кўриб чиқилади ва инвестиция жозибадорлигини таъминлашнинг молиявий-иқтисодий механизмининг маъносини аниқлаш моделлари келтирилган. Инвестицион жозибадорликни таъминлашнинг молиявий-иқтисодий механизми модели шакллантирилиб, уни такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар берилди.*

***Калит сўзлар:** инвестицион жозибадорлик, молиявий-иқтисодий механизм, инвестиция салоҳияти, инвестиция муҳити, инвестиция таваккалчилиги, инвестиция сиёсати, объектлар, субъектлар, воситалар, инвестисия фаолияти.*

Формирование основных моделей финансово-экономического механизма обеспечения инвестиционной привлекательности территории в целом и, в частности, в системе финансирования деятельности хозяйствующих субъектов, является термин «инвестиционная привлекательность» или «инновационно-инвестиционная привлекательность».

Инвестиционная привлекательность определяется особыми взаимоотношениями между инвесторами и субъектами, где размещен инвестиционный капитал. Поэтому субъект, получающий инвестиционный капитал, будет иметь неоспоримое преимущество перед другими субъектами.

Для инвесторов стимулом финансирования инновационно-инвестиционного объекта в настоящее время становится знание уровня инвестиционной привлекательности. Этот уровень отражает необходимость соответствия конкретного инвестиционного объекта определенным целям конкретного инвестора, стремящегося к вложению капитала в инновационное инвестирование, а также показывает степень конкурентоспособности.

Следовательно, улучшение благоприятных условий для инвестирования является одним из главных факторов развития и обеспечения уровня инвестиционной привлекательности.

Модель экономического механизма обеспечения инвестиционной привлекательности определяется как единство внутренней и внешней подсистем методов управления и форм регулирования стабильного развития инвестиционной сферы. Исходя из системного подхода в данной модели, необходимо учитывать влияние внутренней и внешней среды формирования инвестиционной привлекательности, а с позиции процессного подхода модель следует рассматривать как процесс воздействия управляющей подсистемы на управляемую подсистему и инвестиционные процессы (рис. 1).

К внешней среде данной модели относят факторы межтерриториального и международного уровней, которые оказывают влияние на внутреннюю среду регулирования степенью инвестиционной привлекательности в частности: создание межнациональных и международных отношений по развитию инвестиционной деятельности; привлечение инновационных методов развития инвестиционной сферы; применение санкций.

Государственное регулирование инвестиционными процессами, осуществляется с помощью совершенствования и улучшения инвестиционной привлекательности. Данная подсистема присоединяет инвестиционную политику, которая обеспечивает необходимый уровень инвестирования в экономику территории и отдельные виды экономической деятельности, создает условия для повышения инвестиционной активности всех основных агентов воспроизводственной деятельности экономического субъекта: населения, предприятий, предпринимателей и государства.

Инвестиционный потенциал – это совокупность инвестиционных ресурсов, которые входят в часть накопленного капитала, представленного на инвестиционном рынке в форме потенциального инвестиционного спроса.

Следовательно, сущность модели экономического механизма обеспечения инвестиционной привлекательности административно-экономической территории заключается в единстве методов управления и форм регулирования внутренней и внешней среды посредством реализации ключевых направлений инвестиционной политики территории.



Рис. 1. Механизм обеспечения инвестиционной привлекательности административно-экономической территории[96]

[96] Зиновьева И.С. Дуракова Ю.В. Инвестиционная привлекательность региона / И.С.Зиновьева, Ю.В.Дуракова // Межд. студ. науч. вестник. – 2019. № 4-2. – С. 295-297.

Для выявления положительных и отрицательных факторов, влияющих на уровень инвестиционной привлекательности, разумно проведение SWOT-анализа. Данный анализ может свидетельствовать, какие слабые аспекты инвестиционной привлекательности, которые нуждаются в совершенствовании и развитии, а какие следует обязательно использовать, поскольку они представляют собой сильные стороны и реальные возможности для повышения инвестиционного климата.

В связи с вышесказанным, следует обратить особое внимание на подходы и модели финансово-экономического механизма обеспечения инвестиционной привлекательности территорий, которые будут в состоянии сформировать основу для разработки теории, методологии инфраструктурного обеспечения и практической реализации данного направления что позволит создать механизм развития территории, что, в свою очередь, позволит на разных уровнях ее обеспечения сформировать устойчивое развитие инвестиционной привлекательности в целом.

Список использованной литературы:

1. Зиновьева И.С. Дуракова Ю.В. Инвестиционная привлекательность региона / И.С.Зиновьева, Ю.В.Дуракова // Межд. студ. науч. вестник. – 2019. № 4-2. – С. 295-297.
2. Валинурова Л.С. Инвестирование: учебник. / Валинурова Л.С., Казакова О.Б. – М.: Волтерс Клувер, 2019. – С. 44.
3. Максимов И.Б. Инвестиционный климат: методика оценки: Учеб. пособ. / И.Б.Максимов. – Иркутск: изд-во БГУЭП, 2017. – С. 46.
4.Инвестиционная деятельность: учеб. пособие / Н.В.Киселева [и др.] под ред. Г.П.Подшиваленко и Н.В.Киселевой. – 2-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2018. – С. 178.
5. Ченинов М.В. Инвестиции: учеб. Пособие / М.В.Чиненов [и др.]. – 3-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2020. – С. 77.
6. Подшиваленко Г.П. Инвестиции: учебник / Г.П.Подшиваленко, Н.И.Лахметкина, М.В.Макарова; под ред. Г.П.Подшиваленко.- 2-е изд.- М.: КНОРУС, 2020. С. 96.
7. Побегайлов О.А., Голотайстрова Е.Ю. Инновационный бизнес – двигатель прогресса // Инженерный вестник Дона, 2019, № 3.

Ашурова Олтин Юлдашевна
ассистент Самаркандского института экономики и сервиса
Султонова Дилноза Наврузовна
студентка 4 курса факультета «Экономики»
nozasultanova01@gmailcom

ВАЖНОСТЬ ПОВЫШЕНИЯ ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТИ ИНВЕСТИЦИОННОЙ СРЕДЫ В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация: *В статье рассматриваются процессы, связанные с совершенствованием методов привлечения иностранных инвестиций в национальную экономику и их эффективным использованием, а также существующие недостатки в рамках методов привлечения иностранных инвестиций и их эффективного использования.*

Ключевые слова: *Инвестиционная деятельность, инвестиционный потенциал, инвестиционная привлекательность, конкурентное преимущество, эффективность инвестиций, инвестиционный риск, рыночный механизм.*

В настоящее время необходимо предвидеть такие проблемы, как нерентабельность инвестиций в мировую экономику или ограничение производственного

процесса на полную мощность из-за неспособности выявить риск и уровни риска, возникающие при эффективном использовании инвестиций, и разработать научно на основе мер, обеспечивающих стабильный рост предприятия, глобальное обеспечение достижения конкурентоспособности, требуется глубокий и всесторонний анализ факторов, влияющих на инвестиционную среду в стране, и определение количественных связей между ними. Вышеуказанные случаи свидетельствуют о том, что исследования процессов повышения привлекательности инвестиционной среды в регионах Узбекистана имеют актуальное научное и практическое значение. Изучение привлекательности инвестиционной среды страны, выявление ее на комплексной научно-методической основе требует, прежде всего, исследования социально-экономического, инновационного, трудового потенциала регионов страны и анализа научных взглядов в этой области. Ведь поскольку обеспечение социально-экономического развития страны зависит от инвестиционной среды, инвесторы принимают соответствующие решения.

В условиях глобализационных процессов в мире уместно подчеркнуть, что регионы страны интегрируются в международные отношения, участвуют в социально-экономических процессах как экономический субъект, завоевывая свое место. Для определения инвестиционной привлекательности регионов используются разные методы. Их различие отражается на выборе факторов и показателей, определяющих инвестиционную среду. Согласно исследованиям ученых нашей страны, индекс инвестиционной привлекательности регионов рассчитывается на основе шести элементов (уровень общеэкономического развития региона, обеспеченность финансовыми ресурсами, уровень развития инвестиционной инфраструктуры, демографическая характеристика региона, уровень институциональных изменений и развития, уровень безопасности инвестиционной деятельности региона) и, соответственно, определяется интегральный показатель. Согласно данным, инвестиционную привлекательность регионов можно разделить на три группы:

-группы с очень хорошим инвестиционным климатом;

-группы со средней инвестиционной средой;

-группы с очень низким уровнем инвестиционного климата.

В первую группу входят город Ташкент, Ташкентская, Кашкадарьинская, Андижанская и Ферганская области, которые считаются располагающими наиболее благоприятными инвестиционными возможностями для инвесторов. Высокая инвестиционная привлекательность в этих регионах обусловлена высоким уровнем развития природных социально- экономический потенциал, инфраструктура, включая транспортные и информационно-коммуникационные сети.

Вторую группу составляют Самаркандская, Бухарская, Навоийская и Наманганская области. Эти направления определяются заинтересованностью иностранных инвесторов в работе горнодобывающих и перерабатывающих предприятий.

В третью группу входят относительно менее развитые регионы – Хорезмская, Сурхандарьинская, Джизакская, Сырдарьинская области и Республика Каракалпакстан. Недостаточное развитие существующей инфраструктуры в этих регионах по сравнению с другими регионами, а также тот факт, что естественная экономическая и инвестиционная среда не находится на превосходном уровне, обуславливает необходимость более активного участия государства в привлечении иностранных инвестиций в эти регионы.

Выяснение тенденций формирования инвестиционной среды и современных особенностей ее регулирования со стороны государства позволяет предложить активную модель механизма управления инвестиционной привлекательностью с точки зрения системного и процессуального подхода к региональной интеграции. Модель организационно-экономического механизма управления инвестиционной привлекательностью региона отражает государственное регулирование инвестиционного климата посредством комплексной деятельности трехуровневого состава звеньев управляемой подсистемы. Органы местного самоуправления и субъекты, ответственные за

инвестиционную среду в регионах (совет по улучшению инвестиционной среды в области и региональные институты развития), являются специальными органами республиканского уровня. Согласно основным тенденциям и показателям социально-экономического развития Узбекистана и прогнозам на ближайшие годы, одним из приоритетных направлений является увеличение объемов прямых иностранных инвестиций, привлекаемых в нашу страну, создание надежных гарантий для иностранных инвесторов.

Инвестиционная привлекательность страны – это совокупность объективных экономических, социальных и природных признаков, инструментов, возможностей и ограничений, определяющих приток инвестиций на территорию и оцениваемых инвестиционной активностью. Инвестиционная привлекательность территории страны - это общий уровень объективных социально-экономических, природно-географических и экологических показателей, характеризующих условия экономического развития территории страны и оказывающих положительное или отрицательное влияние на формирование инвестиционной активности на ней. Активность отечественных инвесторов является позитивным сигналом для иностранных инвесторов. Степень открытости региона связана, прежде всего, с объёмами внешней торговли и импорта и экспорта. По нашему мнению, географические особенности региона также будут способствовать притоку прямых иностранных инвестиций. Методика оценки инвестиционного потенциала регионов учитывает объективно существующую взаимосвязь между инвестиционной привлекательностью региона и инвестиционной активностью в нем, что позволяет выявить проблемные моменты и показатели при разработке региональных программ улучшения инвестиционного климата. Инвестиционная среда является двусторонней на микроэкономическом уровне, то есть отражается во взаимоотношениях инвестора и конкретных государственных органов, хозяйствующих субъектов.

Использованная литература:

1. Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы», №ПФ-60 от 28.01.2022 г.

2. Вахабов А.В., Хаджибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Иностранные инвестиции. Методическое пособие. – Т.: «Финанс», 2019. 153 с.

3. Гозибеков Д.Г., Носиров Э.И. Привлечение иностранных инвестиций в экономику Узбекистана. Научный труд. – Т.: «Экономика-финансы», 2017. 92 с.

Ашуров Зуфар Абдуллоевич
Хусусийлаштириш ва давлат активларини бошқариш
муаммоларини тадқиқ этиш маркази директори ўринбосари
и.ф.ф.д. (PhD), к.и.х.
E-mail: zufara@mail.ru
Бутабаев Мехриддин Шахобиддинович
Хусусийлаштириш ва давлат активларини бошқариш
муаммоларини тадқиқ этиш маркази катта илмий ходими, ф-м.ф.н.
E-mail: mehr65@mail.ru

МАМЛАКАТ ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА КАПИТАЛ БОЗОРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. *Бугунги кунда ҳукумат қарорлари асосида Ўзбекистоннинг инвестицион жозибадорлигини ошириш мақсадида капитал бозорини ҳуқуқий тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштириш жараёнлари бошланган ва амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан, ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасининг «Капитал бозори тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш юзасидан айрим таклиф ва тавсиялар берилган.*

Калит сўзлар: *инвестицион жозибадорлик, капитал бозори, капитал бозори тўғрисидаги қонунчилик.*

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг инвестицион жозибадорлигини ошириш мақсадида капитал бозорини ҳуқуқий тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштириш доирасида капитал бозори тўғрисидаги қонунчиликни яратиш жараёнлари бошланган ва амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрдаги ПҚ-291-сон қарори билан тасдиқланган 2023-2025 йилларда капитал бозорини ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» нинг 19-бандига мувофиқ, илғор хорижий тажриба асосида қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бирлаштиришни назарда тутувчи тўғридан-тўғри амал қиладиган «Капитал бозори тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган. Шу муносабат билан, ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасининг «Капитал бозори тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш юзасидан айрим таклиф ва тавсияларни бериб ўтишни жоиз топдик.

Авваламбор, таъкидлаш лозимки, янги ишлаб чиқилаётган “Капитал бозори тўғрисида”ги Қонунда амалдаги “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонун нормаларини асосан сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ. Бунда норматив-ҳуқуқий хужжатларнинг давомийлиги сақланади ва ундан фойдаланувчиларнинг бир ҳуқуқчилик шароитидан иккинчисига ўтиши нисбатан осон кечади. Бунда қонуннинг асосий матнидаги “қимматли қоғозлар бозори” жумласи “капитал бозори” жумласига ўзгартириш тавсия этилади, контекст бўйича айнан қимматли қоғозлар бозори назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно бўлиши мумкин.

Капитал бозори тушунчаси қимматли қоғозлар бозори тушунчасидан кенгроқ бўлгани ҳамда молия бозорининг турли сегментлари ўзаро интеграциясини кучайтириш эҳтиёжи сабабли қонун қамраб олувчи воситаларнинг турларини кенгайтириш таклиф этилади. Шунинг учун, янги ишлаб чиқилаётган қонун лойиҳаси бошланишида ушбу қонун капитал бозорининг барча воситаларига, шу жумладан қуйидаги қимматли қоғозларга: акциялар, облигациялар, давлат ғазначилик облигациялари, депозит сертификатлари, муниципал облигациялар, қимматли қоғозларнинг ҳосилалари ва векселлар, ҳамда банк ва нобанк узоқ муддатли кредитлашнинг барча воситаларига нисбатан амал қилиши белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ.

Қонун лойиҳасининг асосий тушунчалар қисмида капитал бозори билан боғлиқ

бошқа ибора ва тушунчаларни киритиш ва таърифини бериш лозим. Масалан, “инвестиция активлари”, “капитал бозори”, “капитал бозори воситалари”, “муниципал облигациялар”, “брокерлик хизматлари”, “дилерлик операциялари” каби тушунчаларнинг таърифларини қонун лойиҳасида ёритиб қўйиш мақсадга мувофиқ. Жумладан, қонун лойиҳасида “инвестиция активлари” тушуначасига Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддаси мазмунидан келиб чиқиб таъриф бериш мумкин. Бошқа тушунчаларга бошқа қонунчилик хужжатларида норматив таъриф берилмаган. Шу сабабли, уларни қўллаш учун уларнинг мазмунини янги қонунда ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш талаб қилинади.Шунингдек, “капитал бозори” тушунчасига қуйидагича таърифни бериш тавсия этилади: капитал бозори — юридик ва жисмоний шахсларнинг капитал бозори воситаларини чиқариш, жойлаштириш ва уларнинг муомаласи билан боғлиқ муносабатлари тизими бўлиб, эмитентлар ва қарз олувчиларнинг капитали шакллантириладиган қимматли қоғозлар бозори, узоқ муддатли банк кредитлари ва узоқ муддатли қарз беришнинг бошқа бозорларидан иборатдир.

Фикримизча, янги ишлаб чиқилаётган қонун лойиҳасида давлат ва муниципал қимматли қоғозлари ҳамда векселларни ҳам ҳужжатсиз шаклда чиқарилишини белгилаш лозим. Чунки, давлат ва муниципал қимматли қоғозларнинг ҳужжатсиз шаклда чиқарилиши уларнинг инвесторлар кенг оммасида жойлаштиришни осонлаштиради, векселларнинг ҳужжатсиз шаклда чиқарилиши уларнинг қалбакилаштирилишини олдини олади.

Ўзбекистон шароитида жаҳон амалиётида кенг қўлланилиб келаётган муниципал облигацияларнинг чиқарилиши ва айланишига ҳуқуқий шароит яратиш худудий инвестиция дастурларини молиялаштиришда махаллий хокимликларга мустақил молиявий манба яратилишига хизмат қилади. Шуни инобатга олиб, қонун лойиҳасида муниципал облигацияларни чиқаришга алоҳида модда ажратиб, унда қуйидаги нормаларни белгилаб қўйиш таклиф этилади: “Муниципал облигацияларни чиқариш эмиссия рисоласисиз ва муниципал облигацияларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилмасдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда капитал бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли орган томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади. Муниципал облигациялар қисқа муддатли (бир йилгача муддатга) ва ўртача муддатли (бир йилдан беш йилгача муддатга) этиб чиқарилиши мумкин”.

Векселларнинг миллий иқтисодиётнинг барча секторларида кенг қўлланилишини таъминлаш учун уларнинг муомаласи қоидалари ва тартиботларини соддалаштириш талаб қилинади. Векселларни чиқариш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тартиб эмас, балки капитал бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибга асосан амалга оширилиши лозим. Векселлар муомаласини лозим даражада назорат қилиш учун капитал бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи ҳамда Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг фаолияти етарли. Шунинг учун қонун лойиҳасини қуйидаги норма билан тўлдириб қўйиш мақсадга мувофиқ: “Векселларни чиқариш капитал бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади. Векселлар хужжатсиз шаклда чиқарилади ва уларнинг ҳисоби Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан юритилади”.

Инвестиция воситачисининг фаолияти доим ҳам мижоз топшириғини бажариш билан боғлиқ бўлмайди. Инвестиция воситачиси дилерлик ёки маркет-мейкерлик каби фаолиятларни ўз номидан ва ўз ҳисобидан амалга ошириши мумкин. Бундан келиб чиқадики, қонун лойиҳасида инвестиция воситачисининг фаолиятига оид моддада қуйидаги норма киритиш таклифи берилади: “Қимматли қоғозларга доир битимлар ҳамда операцияларни, шу жумладан мижознинг топшириғига биноан, мижоз номидан ва унинг ҳисобидан қимматли қоғозларга доир битимлар ҳамда операцияларни амалга оширувчи

қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси инвестиция воситачисидир”.

Шунингдек, амалдаги қонунчиликда инвестиция воситачиси жами бўлиб қандай фаолият турлари билан шуғулланиши мумкинлиги аниқ ёритилмаган. Шунинг учун, қонун лойиҳасида инвестиция воситачиси қуйидаги турдаги профессионал фаолиятларни ҳам амалга ошириши мумкинлигини белгилаб қўйиш лозим: брокер хизматлари, дилерлик операциялари, депозитар операциялар, андеррайтинг, маркет-мейкер фаолияти.

Амалдаги қонунчиликда инвестиция фонди корпоратив ва инфратузилма облигацияларини, шунингдек имтиёзли акцияларни чиқариш ҳуқуқига эга эмас, деб белгиланган. Бизнингча, ушбу нормадан “корпоратив облигациялар” жумласини чиқариб ташлаш лозим. Чунки, биринчидан, инвестиция фондининг фаолияти яхши ривожланиши учун фақат акциялар ёрдамида жалб қилинган ўзлик капиталнинг ўзи камлик қилади, бунда корпоратив облигацияларни чиқаришни ҳам инвестиция фондларига рухсат бериш керак. Иккинчидан, оммавий инвестор қандайдир корхона облигацияларидан кўра фаолияти нисбатан барқарор бўлган инвестиция фондининг облигациясини сотиб олиши эҳтимоли юқорироқ.

Бундан ташқари, амалдаги қонунчиликда инвестиция фонди бошқа инвестиция фондларининг акцияларини олиши ва уларга эга бўлиши ҳуқуқига эга эмас, деб белгиланган. Жаҳон тажрибасида ва республикамиз амалиётида инвестиция фондлари бошқа акциядорлик жамиятларига нисбатан ишончли эмитент сифатида ўзини намоён қилмоқда. Шунинг учун, ўйлаймизки, инвестиция фонди фаолиятини бундай чеклашга асос йўқ. Жаҳон амалиётида “фондлар фонди” каби мегаинвестиция фондлари муваффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, амалдаги қонунчиликда ушбу чеклов ўрнига янги қонун лойиҳасида қуйидаги нормни киритиш ўринли бўлади, яъни инвестиция фонди соф активларининг 5 фоизидан ортиғини бошқа инвестиция фондининг акцияларига инвестициялаш ҳуқуқига эга эмаслиги ўрнатиб қўйиш кифоя.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида “фонд биржасининг листинги” деган ибора Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-396-сонли Қонуни таҳририда “фонд биржасининг биржа котировкаси варағи” деган ибора билан ўзгартирилган. Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонуни матнида бундай ўзгартириш амалга оширилмаган. Ушбу икки қонунларда учрайдиган тушунчаларни бирхиллаштириш мақсадида, қонун лойиҳасида “фонд биржасининг листинги” ибораси ўрнига “фонд биржасининг биржа котировка варағи” ибораси қўллаш мақсадга мувофиқ.

Ўйлаймизки, юқорида келтирилган ва асосланган таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикасининг “Капитал бозори тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда инобатга олиниши, республика капитал бозорини ҳуқуқий тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади, бу эса, пировардида, мамлакат иқтисодиётининг инвестицион жозибадорлигини оширишга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрдаги ПҚ-291-сон “Капитал бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори / Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz).

2. Ўзбекистон Республикасининг Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонуни, ЎРҚ-387, 03.06.2015 й. / Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz).

3. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида”ги Қонуни, ЎРҚ-392, 15.08.2015 й. / Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz).

4. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва

акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, ЎРҚ-370, 06.05.2014 й. / Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz).

Ачилов Аброр Ниятқобилович
ФарДУ., Молия кафедраси мудири,
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИББОРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация: *Ушбу мақолада криптовалюталар бозорининг келажакдаги ҳолати, бу бозорда таваккалчилик ҳали-ҳануз анча юқори ўрин тутиши. Узоқ ва қисқа муддатли перспективаларда кўтарилиш ва пасайишга тайёр бўлган инвесторларгагина бу бозордаги ҳаракати. Криптовалюталар курси тез-тез ва шиддатли тарзда ўзгаришининг яна бошқа бир қанча сабаблари келтирилади.*

Калит сўзлар: *рақамли иқтисод, криптовалюталар, инвесторлар, биткоин, криптобозор, қимматли қоғозлар*

Оддий пуллар ва қимматли қоғозлар бозорида бўлгани каби “руҳий” факторлардан инвесторларни кутиш, талабнинг вақтинчалик кўпайиб кетиши, талаб ўсишининг секинлашуви, жуда тез ўсишдан сўнг чарчоқлик ҳолати кабилар. Криптовалюталар бозорининг бошқа турдаги активлар бозоридан асосий фарқи унинг иқтисодиёт билан узвий боғлиқ эмаслигидир. Мамлакатлар иқтисодий ҳаётига биткоинлар курсининг ўсиши ёки камайиши ҳозирча таъсир қилмайди. Аксинча, доллар курси тебраниши ёки нефт нархи ўзгариши иқтисодиётга катта таъсир кўрсатади. Иккинчи сабаб, криптовалюталарнинг Янги рақамли иқтисодиётни кўпчилик яхшитушунмаганлиги учун информацион ўйинлар воситасида криптовалюталар курсини кўтариш ёки туши риб юбориш мумкин. Бунда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар катта аҳамиятга эга. Интернетдаги қандайдир янгилик унинг курсини туширса, бошқаси курсни кўтариб юборади. Бу борадаги кўпчилик маълумотларни текширишнинг ўзи ҳам катта муаммодир. Учинчи сабаб сифатида криптовалюта дастур кодининг янгиланишини (hardfork) келтириш мумкин. Курс маълум максимал даражага етгандан сўнг олди-сотти вақтинча тўхтатилиши мумкин, аммо бу умумий ҳолатга катта таъсир кўрсатади. Биткоиннинг курси жуда ҳам ўзгарувчан (volatil) бўлгани учун йирик инвесторларнинг савдогааралашуви курсни анчагина ўзгаришига олиб келади. Бу эса биткоин пуфаги ҳали бир неча бор катталашиши ва кичиклашиши мумкинлигини англатади.

Биткоин курси қачон стабиллашишини ҳозирча ҳеч ким башорат қила олмайди, шунинг учун биткоин эгаларига сабр қилиш тавсия этилади. Қайси криптовалютани сотиб олиш керак ва қайсисини сотиш керак деган саволга жавоб бериш ҳам жуда мураккаб масала. Аммо ҳозирги шароитларни ҳисобга олган ҳолда биткоиндан воз кечиш ҳам унчалик тўғри бўлмас. Негаки ҳозирги пайтда инвесторлар унга жуда қаттиқ ишонадилар. Биткоинга бўлган ишонч bitcoin cash ва bitkoin gold га бўлган ишончга нисбатан анча катта миқдорда.

Ундан ташқари, биткоиннинг бошқа коинларга нисбатан ишонч заҳираси анчагина катталигини пайқаш мумкин. Агарда энг оммабоп рақамли валюта – биткоинга муқобил вариант қидирилса, у ҳолда бир қанча вариантларни таклиф этиш мумкин. Масалан, биткоин даромад даражаси бўйича бир қанча криптотокенлардан қуйироқда юради. Мисол учун, Stratis (STRAT) нинг нархи 2016 йил июлидан буён ICO ташкил қилингандан кейин 600 баробарга ўсган бўлса, худди ўша даврда биткоин бор-йўғи 30 баробарга ўсган. SpectroCoin (криптовалюталар биржаси) нархи эса 2017 йил январидан

буён 400 баробарга ўсган. Экспертларнинг фикрича, 2018 йил ҳам криптовалюталар учун олдинги йилга ўхшаш бўҳронли бўлди.Бунда биткоин (BTC) нинг нархига Япония, Хитой, Белорусия, Венесуэла, Россия ва дунёнинг бошқа етакчи криптоиқтисодиётли давлатларида тегишли қонунларнинг қабул қилиниши катта таъсир кўрсатганини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. **Sidechain** (бирор-бир каналнинг ёки қурилманинг қандайдир кўрсаткичларини бошқа бир қурилма ёки сигнал воситасида бошқариш усули) технологиясининг оммавий равишда татбиқ этилган ҳолда институционал инвесторлар худди энтузиастлар каби биткоинга буткул ишониб қолишлари мумкин бўлади ва натижада улар биткоиннинг курси ошишига ишқибоз бўлиб қоладилар ва худди шу йўсинда ўйнайдилар. Бу ҳолда эса биткоиннинг нархи 100 минг долларгача кўтарилиши мумкин бўлади.

Биткоиннинг келажаги тўғрисида муқобил пессимистик башоратлар ҳам мавжуд. Масалан, америкалик иқтисодчи **Джефри Саккс** "Boston Globe" да ёзишича, биткоин ўзига хос молиявий пуффак бўлиб, унинг курси инсонлар ишончига ва тезда бойиб кетишга бўлган иштиёқига боғлиқдир. Унинг фикрига кўра, давлат ҳеч қачон пул эмиссиясига бўлган назоратни қўлдан чиқаришга рози бўлмайди ва криптовалюталар бозорини бошқариш бўйича фаол тадбирларни амалга ошира бошлайди.

Морган Станлей банки аналитиги Джеймс Fasett **Business Insider** нашрига берган интервьюсида -... агар криптовалютадан тўлов воситаси сифатида фойдаланишнинг имкони бўлмаса, унинг ҳеч кимга кераги бўлмай қолади ва нархи ҳам кескин тушиб кетади. Давлат органлари ҳам худди шуни амалга ошириш истагидалар" деган фикр билдирган. Ҳозирги пайтда криптовалюталар ёрдамида маблағ ишлаб олишнинг бир қанча усуллари бўлиб, улар ичида оммавийроғи – биткоинларни нақд пулга сотишдир. Россияда бир гуруҳ инсонлар ушбу операция орқали 500 миллион рублни нақдлаштирганлар. 2017 йилда баъзи бир россиялик фуқаролар биткоин сотиб олиш учун квартираларини ҳам сотганлар. Ҳатто лўлилар ҳам биткоинга ўхшаш тангаларни нақд пулга сотаётганлари кузатилган. Диндорларнинг фикрларича, криптовалюта иқтисодиётда фоиз механизмининг амал қилиши туфайли, пул массасининг реал материал ресурслардан ажралиб қолишининг яна бир туридир.

Аммо яҳудийлар ўзларининг криптовалюталарини чиқаришга улгурдилар. 2017 йил июн ойида Биткоен деб номланган яҳудий криптовалютаси амалга кирди. Яҳудийлар жамоасининг фикрича, бу криптовалюта спекулятив операциялар учун эмас, балки бутун жаҳон яҳудийларининг ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш учун яратилган. Ушбу янги криптовалюта фақатгина яҳудий жамоаси томонидан бошқарилади, аммо уни исталган инсон сотиб олиши мумкин. Эгизак ака-укалар Тайлер ва Камерон Уинклвосслар 2013 йилда ҳар бири 120 доллардан бўлган биткоинлардан 11 миллион долларлик сотиб олишди ва шундан сўнг криптовалютанинг нархи 100 баробарга ўсди. Натижада ака-укалар бир юмалаб миллиардерга айланишди. Аммо улар ўз биткоинларини сотмасликларини билдирдилар. Улар биткоинни "олтиннинг яхшироқ кўриниши" деб ҳисоблашларини айтиб, биткоин нархи 2018 йилда 40 минг долларгача кўтарилишини ёзишган.

Биткоиннинг капитализацияси 2017 йил бошида 306,5 миллиард долларга етди. Бундай катта миқдордаги ўсишга бир қанча сабаблар мавжуд. Масалан, CME ва CBOE чикаго биржаларида криптовалюта бўйича фьючерслар ва опционлар ишга туширилмоқда, бошқа бир қанча мамлакатларда эса криптовалюталар тан олиниб, улар тўлов воситаси сифатида ишлатилмоқда, бошқа бир давлатларда эса қонуний база ишлаб чиқилмоқда. Яна бир сабаб, долларнинг рақамли аналогини чиқараётган Tether Ltd компанияси йирик криптовалюта биржаси Bitfinex билан келишган ҳолда таъминланувсиз рақамли доллар чиқариб, уларни биткоинларга инвестиция қилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки йирик жаҳон банк секторлари ўйинчилари, автомобил ишлаб чиқарувчилар ва ритейл-гигант Amazon ҳам аста-секин криптобозорга кириб келмоқда. 2017 йилнинг ноябрида Швейцариянинг Вонтобел банки ҳам биткоинлар

учун минифъючерслар чиқара бошлади. Японияда эса биткоин расмий тўловинструменти сифатида тан олинди. Хиндистонда ҳам криптовалюталар бошқаруви бўйича қонунлар ишлаб чиқиш жараёни амалга ошмоқда. АҚШ биткоинни биржа маҳсулоти деб тан олган ва Европа мамлакатлари ҳам криптовалютани бошқариш бўйича тарғиботларни амалга киритдилар. Канада ва Лотин Америкасида ҳам бу ҳолатлар кузатилаяпти. Буларнинг барчаси биткоиннинг курси ўсишини таъминлаб, унинг жаҳон миқёсида тан олинаётганлигини англатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Achilov, A. N. "Accounting for inventory at the enterprises of the republic of Uzbekistan." ISJ Theoretical & Applied Science 4.36 (2016): 181.
2. Achilov, A. N., Payazov, M. M., Akbarov, Z. N., & Madaminov, O. B. (2020). Issues to improving the social situation of the population of the republic of Uzbekistan and the qualitative organization of municipal services. ISJ Theoretical & Applied Science, 5(85), 708-713.
3. Achilov, Abror Niyatqobilovich, and Murodzhon Maksudovich Payazov. "Вопросы улучшения социального положения населения республики узбекистан и качественной организацией коммунальных услуг." Theoretical & Applied Science 5 (2020): 708-713.

Nozimov Elddor Anvarovich
“Investitsiya va innovatsiyalar” kafedrasi assistenti
Samarqand iqtisodiyot va servis institute
+998 97 911-36-36

INSON KAPITALIGA INVESTITSIYA KIRITISHNING XORIJ TAJRIBALARI

Annotatsiya*: Maqolada rivojlangan mamlakatlarning ta’lim hamda sog’liqni saqlash sohasiga sarflagan budjet mablag’lari miqdori, har bir shaxsning inson kapitalini rivojlantirishdagi markaziy investitison mablag’lar miqdori hamda inson kapitaliga investitsiya kiritishning ilg’or xorij tajribalari va ularni O‘zbekistonga foydalanish imkoniyatlari hamida so‘z boradi.*

Kalit so‘zlar: *inson kapitali, inson kapitali omillari, inson kapitali indeksi, iqtisodiy o‘sish, ta’lim, salomatlik.*

Inson kapitali zamonaviy ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishning asosiy dominanti sifatida dunyoning rivojlangan mamlakatlari milliy boyligida yetakchi o‘rinni egallaydi. Jahon banki ma’lumotlariga ko‘ra, butun dunyoning milliy inson kapitali barcha mamlakatlar milliy boyligining 66 foizini tashkil etadi, AQSh va Xitoyning inson kapitali milliy kapitalning 77 fozini tashkil qiladi, Braziliya – 74 fozini, Rossiyada esa, bu ko‘rsatkich qariyb 50 foizga teng. Yevropa Ittifoqi mamlakatlarida, shuningdek AQSh, Kanada va Yaponiya dunyo aholisining bor yo‘g’i 15 foizni tashkil qilsada, jami 59 foiz inson kapitaliga ega mamlakatlar hisoblanadi. Inson kapitali barcha faoliyat turlarida mehnat unumdorligi va sifatini oshirishga yordam beradi. Bilimli va tajribali mutaxassislar mehnat unumdorligini va samadorligini belgilaydi. Mehnat unumdorligida esa, bilim, sifatli mehnat, mutaxassislarning malakasi, tajribasi hal qiluvchi o‘rin tutadi.

Ushbu maqolada inson kapitalining xorij tajribasi, rivojlangan mamlakatlarda ta’lim hamda sog’liqni saqlash sohasiga kiritilgan markaziy investitsiya mablag’lari miqdori o‘rganildi. Shuningdek, mavzu doirasida qiyosiy va statistik tahlil usullaridan foydalanilgan. Tahlil va natijalar Inson salohiyatining oshishi aholi sifati va saviyasining ortib borishi bilan belgilanadi. Inson kapitali aholi sifatini oshirishga, intellektual faoliyatga, jumladan, tarbiya, ta’lim, sog’likni saqlash, bilim (fan), shuningdek madaniyat, san’at va boshqa komponentlarga tadbirkorlik qobiliyati va ishbilarmonlik muhitini kengaytirishga, mehnatni axborot bilan ta’minlashga,

